Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **7** сентябрь, жума № **36** (2215).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **7** сентября, **2007** год, № **36** (2215).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

«Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида

Илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёшлар, айниқса мамлакат минтақаларидан бўлган ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтини (бундан буён матнда – Институт деб юритилади) ташкил этиш тўғрисида Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Банклар уюшмасининг таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур Институт Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан таъсис этиладиган олий ўқув юрти ҳисобланади.

Институтни ташкил этиш бўйича ташкилий комиссиянинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим сифатига нисбатан қўйиладиган умумэътироф этган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ, "Банк иши", "Бизнесни бошқариш", "Туризм" ва "Бизнесда замонавий ахборот технологиялари" йўналишлари бўйича бакалавриат (кейинчалик магистратура) тизими асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг асосий вазифаси деб ҳисобласин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

мазкур Институтнинг фаолиятига ўқув-услубий раҳбарликни Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) бакалавриат ва магистратура тизими бўйича кадрлар тайёрлашнинг умумэътироф этган халқаро стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширади;

абитуриентларни қабул қилиш ҳамда битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) томонидан ўрнатиладиган тартиб ва муддатларда амалга оширилади;

Институтда ўқиш Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган нормалар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кундузги таълим шаклида олиб борилади.

4. Белгилансинки:

Институтда ўқиш тўлов-контракт асосида, шу жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банклари таъсис этадиган махсус таълим грантлари бўйича, шунингдек ҳомийларнинг ёшларни, асосан мамлакат минтақаларидан бўлган ёшларни ўқитишга ажратиладиган маблағлари ҳисобидан олиб борилади;

Институтнинг жорий фаолиятини молиялаштириш Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) маблағлари, шунингдек талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушадиган маблағлар, хорижий ва миллий ҳомийларнинг, Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Институт битирувчиларига, 2-иловага мувофиқ, тегишли таълим йўналишлари бўйича Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг (Сингапур Республикаси) шерикларидан бўлган етакчи халқаро олий таълим муассасаларидан бирининг дипломи берилиши, бу диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Банклар уюшмаси Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Институтни ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

белгиланган тартибда Институтнинг давлат рўйхатига олинишини таъминласин;

2008 йилнинг 1 январигача Институтнинг ташкилий тузилмаси ҳамда штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2008-2009 ўқув йили бошлангунга қадар Институтни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлган зарур ўқув-услубий ҳужжатлар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Банклар уюшмаси Институт ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси билан биргаликда юқори малакали ва истеъдодли ёш олимлар, мутахассислар ҳамда педагогларнинг, кейинчалик Институтга ишлашга жалб этиш учун, танловини ўтказсин ҳамда малака оширишларини ташкил қилсин.

9. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига:

ўқитувчилик ва илмий ишлар учун Институтга таклиф қилинган хорижий профессорлар ҳамда ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ўрнатилган тарифлар бўйича миллий валютада ҳақ тўлашга;

Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларни ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларини ҳисобга олиб, таълимнинг янги истиқболли йўналишлари ва ихтисосликларини очишга рухсат берилсин.

10. Институт, жумладан, Институтни жиҳозлаш ва унинг фаолият юритиши учун республикага олиб келинадиган ускуналар, мултимедиа маҳсулотлари, адабиётлар, анжомлар ва моддий-техника ресурсларини олиб киришда 5 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва Институтнинг қўшма буюртманомалари бўйича таълим жараёнида қатнашувчи чет эл ўқитувчилари ва экспертларга, шунингдек Институтнинг хорижий абитуриентлари ва талабаларига консуллик йиғимлари ундирилмасдан кириш визалари берилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва Институтнинг қўшма буюртманомалари бўйича таълим жараёнида қатнашувчи чет эл ўқитувчилари ва экспертлари учун, шунингдек Институтнинг хорижий абитуриентлари ва талабалари учун давлат божи тўланмасдан кўп марталик визалар узайтирилиши ва берилишини, вақтинча рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

13. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти қуйидаги манзилда жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 28-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти, 28-уй манзилида жойлашган Фуқаролик ҳимояси институтининг бино ва иншоотларини баланс қийматини бўйича Ўзбекистон Банклар уюшмасига кейинчалик уларни белгиланган тартибда Институт балансига ўтказиш шарти билан сотсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги мазкур бандда кўрсатилган бинолар ва иншоотларга нисбатан мулкий ҳуқуқларини расмийлаштиришда Институтга ёрдам берсин.

14. Маълумот учун қабул қилинсинки, Институт балансига топшириладиган бинолар ҳамда иншоотларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, унинг моддий-техника ва ўқув-услубий базасини жиҳозлаш Ўзбекистон Банклар уюшмасининг улуш иштирокида Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг (Сингапур Республикаси) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Банклар уюшмаси Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси), Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрланишини, Институтни жойлаштириш учун берилаётган бино ва иншоотлар реконструкция қилиниши ҳамда мукаммал таъмирланишини, шунингдек ўқитувчилар ва талабалар яшаши учун ётоқхона тайёрланишини, уларнинг зарур ўқув ускуналари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозланишини, Институтнинг бутун комплекси 2008 – 2009 ўқув йили бошлангунгача ишга туширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Институтни белгиланган тартибда зарур турдаги телефон ва телекоммуникация алоқалари, шу жумладан ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 сентябрь.



Йигит учун ор, шаън қасамёд!

НАПОЛНЕННАЯ ОБНОВЛЕННЫМ СОДЕРЖАНИЕМ

Ритуал приведения к Военной присяге курсантов высших военно-образовательных учреждений за последние годы наполнился новыми гранями содержания. Присягая на верность народу и Президенту 1 сентября, в День независимости, будущие офицеры еще глубже осмысливают непреходящие ценности суверенитета родного Узбекистана, который им предстоит защищать своим ратным трудом.

На плацу Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища в этот день традиционно многолюдно. Седобородый аксакал Абдухаким-ата Джураев, приехавший на торжества из Мархаматского района Андижанской области, долго высматривает в стройных рядах первокурсников своего внука. И как только услышал узнаваемый из тысяч родной голос Зафарбека, четко произнесшего текст Военной присяги, лицо старца осветила радостная улыбка. Как возмужал внук, как идет ему военная форма! Учеба в военно-академическом лицее пошла впрок юноше.

Произнеся слова Военной присяги, курсант Отабек Халикназаров из Сырдарьинской области ощутил на себе проникающий взгляд старшего брата майора Улугбека Халикназарова, твердым голосом продолжая читать текст присяги. По его примеру парень избрал профессию военного, поэтому понятия высокой воинской дисциплины, законопослушания, бдительности и храбрости изначально священны для него.

Увидев четкий выход на середину строя своего сына, курсанта Дильмурода Ортикова, приехавший из Кошкупырского района Хорезмской области отец, Кузивой-ака, смахнул набежавшую слезинку. В этой многодетной семье вырастили и воспитали пятерых детей настоящими патриотами своей Отчизны. Старший из сыновей, Дильшод, до конца исполнил служебный долг, а его место в армейском строю теперь занял младший. Это ли не яркий пример всенародного уважения к делу защиты Родины!

Присягая во имя светлого будущего родного Узбекистана быть достойным защитником его государственных интересов и независимости, перед лицом курсанта Шерзода Абдуллаева из Юнусабадского района столицы встал просветленный образ матери, Тохиры-апа. Почувствовав на себе лучистый взгляд маминых глаз, парень стал еще серьезнее. Этот день для Шерзода – двойной праздник, ведь 31 августа ему исполнилось восемнадцать лет!

(Продолжение на 2-й стр.).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ЭРТАНГИ КУН ИШОНЧИ

Маълумки, истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди. Демак, ўз-ўзидан аёнки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган йигитларимиз резервга бўшатилади, чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган, чақирув ёшига етган фуқаролар жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Қуролли Кучларимиз сафларига чақириладилар.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



НЕЗАВИСИМОСТЬ: ВЕЛИКИЕ СВЕРШЕНИЯ ВЕЛИКОГО НАРОДА

В эти знаменательные для страны дни общественность Узбекистана – народные депутаты, ученые и представители деловых кругов, рабочие и учителя, работники здравоохранения и культуры, дехкане, частные предприниматели и военнослужащие, а также дипломаты, политическая элита ближнего и дальнего зарубежья – широко обсуждает доклад Президента Ислама Каримова на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента Республики Узбекистан, посвященном 16-й годовщине независимости Узбекистана, и его выступление на торжественной церемонии, посвященной этой знаменательной дате.

(Продолжение на 2-й стр.).



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ДУНЁГА ТАРАЛГАН ТАРОНАЛАР

Қўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бугун дунёда нафақат ўзининг бой тарихи ва қадим бебаҳо мероси билан, балки миллатларни асрий оҳанглар орқали боғлагувчи «Шарқ тароналари» фестивали ўтказиладиган замин сифатида ҳам машҳур.

Жаҳоннинг турли бурчакларида ҳар йили ўнлаб, балки юзлаб мусиқа фестивалари ўтказилар. Улар орасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали айнан Шарқ халқларининг миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини юзага чиқариш ва ривожлантиришдек улкан вазифани амалга ошираётгани боис ўз ўрни ва мавқеига эга. Бу фестивал инсоният тафаккурининг бетакрор хазинаси, маънавий камолот рамзи бўлган мусиқа санъатини бутун дунёга тарғиб қилиш ва шу орқали инсонларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек улкан мақсадни амалга оширмоқда.

(Давоми 12-бетда).



3 ЯНГИЧА ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ САМАРАСИ



4 МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

ТАНКЧИЛАР ИЛҒОРЛАР САФИДА



6 ПЕРВЫЙ ЗВОНОК

В ДОБРЫЙ ПУТЬ, В СТРАНУ ЗНАНИЙ



10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

ПРОРУБИЛИ «ОКНО» В АЗИЮ

НЕЗАВИСИМОСТЬ: ВЕЛИКИЕ СВЕРШЕНИЯ ВЕЛИКОГО НАРОДА

(Продолжение. Начало на 1-й стр.).

Эти огромной политической значимости документы – своеобразный итог развития страны за 16 лет независимости. Они в обобщенном виде охватывают все сферы человеческой деятельности, все проблемы общества и государства, геостратегический потенциал и возможности страны по переустройству общества за последние 16 лет.

Как глубокий аналитик, глава государства делит истекший после провозглашения независимости период на два самостоятельных этапа, каждый из которых занимает свое собственное место в истории страны.

Первый этап, с 1991-го по 2000 год. Это этап первоочередных реформ и преобразований переходного периода и формирования основ национальной государственности. Он имеет огромное значение как период, заложивший фундамент правового демократического государства с социально ориентированной рыночной экономикой и основы формирования в стране гражданского общества. Базовым основанием строительства нового государства стали известные пять принципов «узбекской модели» перехода к рыночным отношениям. Но начинать пришлось не с реформирования, а с принятия неотложных мер, которые диктовала обстановка, чтобы не допустить хаоса, сохранить правопорядок и обеспечить потребности населения, в первую очередь в продовольствии.

Руководство страны работало на пределе возможного, принимало необходимые меры и твердо держало нити управления. Сохраняя самообладание и выдержку, обладая твердой политической волей, оно выработало всесторонне продуманную и выверенную стратегию выхода страны из глубокого кризиса и мобилизации здоровых сил общества на решение первоочередных задач.

Какими были первые шаги по реализации этой стратегии?

В исторически кратчайшие сроки под непосредственным руководством главы государства была разработана и принята Конституция (Основной Закон) страны, основными принципами которой были демократизм, разделение государственной власти на законодательную, исполнительную и судебную, приоритет прав человека над государственными интересами, примат общепризнанных норм международного права.

Была создана эффективная система и структура исполнительной власти, способные на практике реализовать принимаемые законы и осуществлять защиту гражданских прав и свобод, проводить политические и экономические реформы. Решены задачи по созданию целостной системы судебной власти, сформирован Конституционный суд, суды общей юрисдикции и хозяйственные суды, утверждены уголовные и уголовно-процессуальные и другие законы. Шел активный процесс создания правовой базы и инфраструктуры рыночных отношений, формирования класса собственников, а в последующем – развития фермерского движения и надомничества. По существу, с первых шагов независимости в нашей стране реализуется уникальная по своему содержанию, сильная социальная политика.

Предметом особого внимания главы государства были вопросы национальной безопасности, проблемы новой национальной армии. По его инициативе и при активном участии в их разработке уже в первый год независимости были приняты Законы «Об обороне», «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе», утвержден текст Военной присяги и порядок приведения к Военной присяге, создавшие правовую основу функционирования Вооруженных Сил. А с принятием в последующем Военной доктрины и Концепции национальной безопасности в стране сложилась целостная система обеспечения безопасности республики, способствующая сохранению мира, спокойствия и стабильности.

На этом прочном правовом, структурном и организационном фундаменте в конце 90-х годов по инициативе главы государства началась кардинальная реформа Вооруженных Сил, Пограничных и внутренних войск на основе единой государственной политики. Результатом ее явилось **создание принципиально новой национальной армии, способной успешно решать любые задачи современной военно-политической обстановки, надежно обеспечивать безопасность страны, ее суверенитет, территориальную целостность и мирную жизнь нашего народа.**

Характерной чертой нашего вхождения в рынок было то, что в центр государственной политики поставлена забота о людях, их благополучии и обеспечении. И как следствие этого, на одно из первых мест был поставлен вопрос о топливно-энергетической и зерновой независимости.

В кратчайшие сроки были разработаны целевые программы по добыче и переработке углеводородного сырья и изысканы необходимые инвестиции. Был построен Бухарский нефтеперерабатывающий завод, модернизированы и реконструированы Ферганский и Алты-Арыкский нефтеперерабатывающие заводы, и обеспечена устойчивая и надежная их работа. Был построен уникальный по своим возможностям Шуртанский газохимический комплекс, выпускающий сжиженный газ, полиэтилен различных марок и другую продукцию. В строй действующих вошли Асакинский автомобильный и Самаркандский автобусный заводы, в результате чего обеспеченность автомобилями населения возросла за годы независимости в 6 раз.

Успешно была **решена и зерновая проблема.** Сегодня Узбекистан не только полностью обеспечивает себя зерном, но и экспортирует муку и зерно в соседние страны СНГ, Афганистан, Иран. Полностью решена проблема обеспечения населения и другими продовольственными товарами, а также овощами, фруктами, картофелем.

Огромное значение для страны имело принятие Национальной программы по подготовке кадров. Уникальная по своей сути и содержанию, она предусматривает переход на 12-летнее образование и составляет целостную систему непрерывного образования. Она уникальна потому, что вбирает в себя девятилетнюю общеобразовательную школу и трехлетнюю среднюю специальную, профессиональную подготовку в колледжах и академических лицеях.

Кардинальная реформа проведена и в сфере высшего специального образования. Сегодня расходы на образование в ВВП страны составляют 12 процентов, в 2,2 – 4 раза выше, чем принято в мировой практике. В стране успешно и результативно действуют Академия наук и 43 ее академических института, обладающие огромным научным потенциалом.

Постоянная целенаправленная работа в стране проводилась по укреплению межнационального и межрелигиозного мира и согласия. С первых дней независимости этот фактор, оказывающий решающее влияние на реализацию поставленных целей и эффективность широкомасштабных реформ, был в центре внимания руководства республики, предметом повседневной заботы Президента страны. Сегодня мы можем с уверенностью сказать, что мир, стабильность, гражданское межнациональное и межрелигиозное согласие, открытость и толерантность – наше великое завоевание, беречь которое мы должны как великое достояние. Огромная работа проведена по формированию внешнеполитического курса и дипломатической службы. Сегодня наша страна имеет 48 дипломатических представительств за рубежом. В республике аккредитовано 86 посольств и торговых представительств. Узбекистан активно сотрудничает в таких авторитетных международных организациях, как ООН, ОИК, ОБСЕ, ЕврАзЭС, ШОС, ОДКБ, СНГ.

«На этом, достаточно прочном фундаменте, – говорит Президент И.А.Каримов, – строится следующий закономерный этап развития, который можно охарактеризовать как период активного реформирования и модернизации страны». Он охватывает 2001 – 2007 годы.

Важнейшими приоритетами этого периода являются дальнейшая демократизация и либерализация всех сторон общественной жизни страны, ее политической и экономической сфер, государственного и общественного строительства, укрепление независимой судебной системы, защита прав и свобод человека, повышение политической и деловой активности граждан, формирование основ гражданского общества. Ключевой задачей и целью этого периода является постепенный и поэтапный переход от сильного государства к сильному гражданскому обществу.

Что сделано за этот период?

Высший законодательный орган страны преобразован в двухпалатный Олий Мажлис Республики Узбекистан.

(Окончание на 8-й стр.).

Муносабат

ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар билан мустаҳкамлик йилларида сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳарбий соҳаларда эришилган ютуқларни таҳлил ва тарғиб қилиш мақсадида «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги ислоҳотлар» мавзуида кеча ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти докторанти, юридик фанлар номзоди Ф. Намозов қатнашди ва маъруза қилди.

Кечада, шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» деб номланган маърузаси ҳам кенг муҳокама қилинди. Сўзга чиққан нотиқлар Юртбошимизнинг ушбу нутқи ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган оламшумул ишлар ва ислоҳотлар самарасига доир сарҳисоб бўлганлигини таъкидладилар. Малакали мутахассислар ҳарбий хизматчиларни қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар бериб, кечанинг баҳс-мунозарали ўтишини таъминладилар. Бу борада рефератив билим бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Тиббиёт хизмати полковниги Шарофиддин ҒУЛОМОВ, Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи.

МАҚСАДЛАРИМИЗ – ЭЗГУ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасини ўқиб, қалбимда эртанги кунимизга бўлган ишонч туйғулари янада жўш урди.

Мазкур маърузани сафдошларимиз билан чуқур, пухта ўрганяпмиз. Айниқса, Юртбошимизнинг мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилиши ғоят муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида айтган фикрлари бизни бефарқ қолдирмади. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганимдан, она Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши йўлида камарбаста бўлаётганимдан фахрланаман. Мамлакатимизда эркин ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаётган эканмиз, биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришишимиз аниқ.

Сержант Фурқат МУРОДОВ.

ЎТГАН КУНЛАР САРҲИСОБИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» деб номланган маърузаси юртимизда истиқлол йилларида амалга оширган ишлар ва эришилган натижаларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди.

Ушбу маърузани ўқиб қанчалик мураккаб ва таҳликали вазиятдан чиқиб кета олганимиз, энг муҳими, ўз келажагига ишонган миллатнинг иродаси ва танлаган йўлидан оғишмай олға бориб, бугунги дориломон кунларга етгани ҳамда ўзбек халқининг ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини яна бир бор англаб етдим.

Маърузада шу кунгача иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда рўй берган ҳар бир воқеа-ҳодиса қамраб олинган. Шунингдек, эришиб келаётган ҳар бир зафарли натижаларимизда энг катта бойлигимиз бўлган осойишталик барқарорлиги-ю, ана шу тинчлигимизни асраб келаётган посбонларнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутиши биз ҳарбийларнинг кўнглимизга ғурур ва мамнуният бағишлайди. Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга қаратилган эзгу тадбирлар сирасидан саналган армияни ислоҳ этиш ва профессионал асосда ташкил қилиш кабилар ҳам ана шундай устувор мақсадларимизнинг бардавом, истиқболли эканидан далолатдир.

Бугун ҳарбийларимиз ижтимоий-сиёсий тайёргарлик соатларида ушбу маърузани ўрганиб ўз билим ва салоҳиятларини янада ошираркан, ўйлашимча, дилларида ифтихор туйғуси билан бирга садоқат ва ғайрат-шижоат ҳисси ҳам ортади.

Капитан Зафар ШАКАРОВ.

На верность народу и Президенту

НОВОЕ ВРЕМЯ – НОВЫЕ ТРАДИЦИИ

1 сентября для курсантов первого курса Ташкентского ВОКУ стал особенным: в День независимости они приняли Военную присягу. Особую торжественность этому событию придавало присутствие многочисленных гостей: представителей хокимията и общественных организаций, ветеранов Вооруженных Сил, родных и близких курсантов, прибывших сюда из всех областей республики.

Одним из первых текст Военной присяги зачитал курсант Умиджон Абдусаломов. Его отец и мать, Комилжон и Насиба Абдусаломовы, приехавшие из Наманганской области, с гордостью слушали звонкий голос сына – будущего офицера национальной армии независимого Узбекистана. Один за другим выходили из строя курсанты Санжар Абдалимов из Кашкадарьи, Мухтар Турдибаев из Сырдарьинской области, Нуриддин Бурибаев – из Андижанской, Дильшод Эргашев – из Ташкентской... Все регионы Узбекистана направили в этом году в Ташкентское ВОКУ, имеющее славные боевые традиции, своих сынов. Отныне они вместе будут осваивать нелегкую профессию офицера: командира и организатора боя, разведчика и воспитателя, чтобы со временем взять на себя ответственность за надежную охрану мирной жизни нашего независимого государства.

Дильшод Эргашев с безупречной выправкой знаком давно, ведь он поступил в училище после окончания военно-академического лицея. В этот день его поздравили мама, Феруза Эргашева, и сестра Дильноза. А рядом поздравлял сослуживцев курсант Жахон Шодияров из Самаркандской области, который помогал им готовиться к этому дню, так как сам уже отслужил срочную службу в армии и принял Военную присягу на год раньше.

С принятием Военной присяги курсантов-первокурсников поздравили офицеры Ж. Атабуллаев и А.Расульмухамедов. Полковник резерва Рафи Пардаев, который сорок лет назад принимал здесь Военную присягу, от имени ветеранов Вооруженных Сил пожелал новому поколению защитников Узбекистана быть достойными продолжателями славных боевых традиций выпускников ТВОКУ. Много теплых, прочувствованных, полных гордости слов сказали мать и дедушка курсантов-первокурсников Мавлюда Ахматова и Вахобжон Мамарасулов. Курсант 1-го курса Шерзод Гафуров заверил родных и близких, командование и гостей училища, что он и его товарищи не подведут, за предстоящие четыре года учебы они приложат все силы, чтобы освоить современное военное дело.

После завершения торжественной части гостям и первокурсникам была показана красочная шоу-программа.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».



САРЛОЧИНЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Истиқлол шодиёнаси куни Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий билим юртлари биринчи босқич курсантлари учун қўшалоқ байрамга айланди. Яъни адолатли кўрик-танлов ва пухта синовлар асосида саралар ичра сара ўғлонлар сифатида бўлажак офицерлар сафидан ўрин эгаллаган бу шунқорлар анъанага кўра айнан шу куни Ҳарбий қасамёд қабул қилишиб, чин мардлар сафига қўшилишди.

Мазкур тантана истиқлол меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти биринчи босқич курсантлари билан ҳам муваффақиятли тарзда ўтказилди. Тадбир Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов майдонида уюштирилди. Унда билим юрти ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлик штаби масъул офицерлари, Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

Майдон узра саф тортган шунқорларнинг эгниларига ҳарбий либослари хўп ярашиб тушган. Ўктам нигоҳлари-ю, келишган қад-қоматидан куч-ғайрат ёғилади.

– Мен сизларни Ватанимизнинг кўкси қалқон мардлари сафига қўшилганингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сиз бўлажак офицерлар – юртимиз ҳимоячиларисиз. Осмонимиз мусаффолиги-ю, муқаддас заминимиз, бунёдкор халқимиз, меҳрибон ота-оналару қорақўз ука-сингиллар, йўлларингизга умидвор кўз тикиб турган қалби муҳаббатга лиммолим гўзал қизларимиз ва барчабарчамиз сиз туфайли хотиржамиз. Сизлар борки, турмушимиз сокин, уйқуларимиз осуда. Сиз кимга ва нима учун хизмат қилаётганингизни яхши биласизлар. Шарафли номингизга ҳамиша муносиб бўлинг, юрт корига камарбаста бўлишдек эзгу мақсадингиздан асло оғишманг. Барчангизга ўз бурчларингизни сидқидилдан адо этиб, ҳамиша ёруғ юз билан, мағрур, бошингизни тик тутиб юришингизга астойдил тилакдошман, – деди ота-оналар номидан сўзга чиққан курсант Дилшод Акрамовнинг онаси Нодира Кенжаева.

Билдирилган эзгу тилакларга жавобан, «Биз бурчимизни шараф билан уддалаймиз. Юртимизни қўриқлаймиз, истиқлолни асраймиз. Бу биз учун шараф, ичган қасамимиз она қадар улуғ бўлган шу азиз Ватанга содиқлик онтимиз, юрак аҳдимиздир!» – деди сўзга чиққан курсант Азим Тошматов.

– Бу кун мен учун асло унутилмас, умрим зарварақларига олтин ҳарфлар билан битиладиган муқаддас санага айланди, – дейди курсант Карим Хаспабов қувончдан юраги ҳапқириб. – Чунки унутилмас учта воқеанинг бирданига шоҳиди бўлиб турибман. Барчамиз учун азиз айём бўлган мустақиллик байрамида Ҳарбий қасамёд қабул қилиб мардлар сафига кирганим ва айнан шу кун тавваллуд топган куним эканидан қувонмай бўладими! Ҳа, хурсандчилигимнинг чеки йўқ, шодлигим осмон қадар. Айниқса, тадбирга яқинларим билан синфдош дўстларимнинг ҳам етиб келиб табриклашгани дилимни беҳад тўлқинлантириб юборди. Кўрсатилаётган эътибору ғамхўрлик, эъзоз ва ҳурмат, энг асосийси, билдирилган юксак ишонч учун давлатимиз раҳбариятига, халқимизга ва барча дўст-яқинларимга раҳмат айтаман ҳамда муносиб хизматларим билан жавоб қайтаришга сўз бераман.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.

ҚЎШАЛОҚ ШОДИЁНА

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети илк босқич курсантлари ҳам Ҳарбий қасамёд қабул қилдилар.

Барча синов ва имтиҳонлардан муваффақият билан ўтиб, олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирган, курсантлик либоси ўзига ярашиб турган йигитлар учун ушбу кун қўшалоқ қувонч олиб келди, дейиш мумкин. Аввало, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз шодиёналари, қолаверса, ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳаётидаги унутилмас ва муҳим воқеа – қасамёд тантаналари нафақат бўлғуси офицерларни, балки юртимизнинг турли вилоятларидан келган ота-оналар, ёру биродарларнида, ҳаяжонга солди. Тадбир давомида Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари Ж.Раматов, Ш. Икромов, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Бахтиёр Омонов, маҳалла оқсоқоли Саидаъло Саидаминов, туман маънавият тарғибот маркази раҳбари Нигора Абдураҳимова, марказ бош мутахассиси Дилдора Муҳиддинова, махсус факультет қўмондонлиги вакиллари барчани муборакбод этиб, ўзларининг эзгу тилакларини йўлладилар.

Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитларнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатаётган ота-оналар кўзидаги қувонч, курсантларга билдирилаётган ишонч сўзлари, йигитлар қалбидаги фахру ғурур туйғулари, ҳарбий акаларига ҳавас билан боқаётган жажжи меҳмонларнинг чексиз ҳаяжони... Буларнинг бари тантанали тадбир иштирокчиларига янада кўтаринкилик, байрамона кайфият бахш этди.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

НАПОЛНЕННАЯ ОБНОВЛЕННЫМ СОДЕРЖАНИЕМ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Слова Президента о том, что наши дети должны быть сильнее, образованнее и счастливее нас, вспомнились во время знакомства с семьей Нуриддиновых из Окдарьинского района Самаркандской области. Пятерых сыновей вырастили Фазлиддин-ака и Майрам-апа. Старший, Ильхом, – студент Ташкентского финансового института, второй, Аскар, учится в Самаркандском сельскохозяйственном институте, а третий, Адхам, поступил в ЧВТКИУ. Таких семей, где есть трое и больше студентов, немало в нашей стране. Стремление молодежи к вершинам знаний, способность родителей поддержать священный огонь жажды знаний становятся прочным и надежным фундаментом грядущего процветания нашей Родины.

Еще одной из красивых традиций за годы независимости стало увеличение числа военных династий. Например, курсант Бекзод Уринов станет офицером в третьем поколении. Его дед, подполковник в отставке Гайрат-ата Ахмедов воевал в грозные годы Второй мировой войны. Отец, подполковник медицинской службы Кахрамон Уринов, верно служит родному Узбекистану, а ратный труд дяди, майора Тохира Умарова, отмечен медалью «Жасорат».

На торжественном митинге по случаю принятия Военной присяги с добрыми словами поздравлений обратились заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Тохир Хамракулов, ветераны Второй мировой войны Сайназар Ниязов и Юрий Климентьев, родственники курсантов Убайда-апа Отахонова, Амина-ая Ходжиева, Мухаммадали-ака Ахманов. Они пожелали виновникам торжества сохранить навсегда верность Отчизне и воинскому долгу, внести достойный вклад в укрепление оборонной мощи нашей независимой Родины.

У первокурсников ЧВТКИУ появился еще один серьезный повод гордиться родным училищем: в преддверии 16-й годовщины независимости сразу два его представителя Указом Президента Узбекистана удостоены наград Родины. Младший сержант Рамзиддин Саидов награжден медалью «Шухрат», а рядовой срочной службы Озодбек Тухтаев – медалью «Содик хизматлари учун». Выступив перед курсантами, рядовой О.Тухтаев пожелал им таких же отличий в воинской службе на благо Отчизны.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

ЭР ЙИГИТНИНГ МАРДЛИК КАЛОМИ

Истиқлол байрами арафасида кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрининг «боши тўйлардан чиқмай қолди», десак муболаға бўлмас. Чунки аввало Шарқ гавҳарию рўйи замин сайқали аталган улуғ шаҳарнинг 2750 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда ҳар икки йилда бир бор худди шу табаррук масканда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» анъанавий мусиқа фестивали ҳам бошланди. Кейин эса энг улуғ ва энг азиз байрам – мустақиллик айёмининг 16 йиллик шодиёнаси ва худди шу куни Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга қабул қилинган ёш курсантларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими... Хуллас, байрам устига байрам! Беихтиёр ўйланиб қоласан, киши. Бу каби байрамлар, тўю тантаналар ниманинг ҳисобидан? Ахир истиқлол шукуҳи, осойишталик барқарорлиги-ю, бунёдкор халқимиз фидойилиги ҳисобига эмасми, буларнинг барчаси! Ҳа, албатта ўз куч ва имкониятига ишонган, буюк ўтмишига эга бўлган ва ўз келажагини кўра олган халқгина ана шундай шодиёналарга ҳақли саналади. Ёш курсантларнинг айнан шу куни Ҳарбий қасамёд қабул қилишлари замирида ҳам улкан маъно мужассам. Улар ўз ҳаётларидаги унутилмас куннинг тарихий санада нишонланганини бир умр эслаб юришади. Истиқлолнинг, истиқболнинг посбони эканини ҳар доим ёдларида тутишади. Айнан истиқлол кунида мардлар сафига қабул қилингани эса ғайратига-ғайрат улашиб, шижоатларда илҳом бағишлайди.

– Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Тинчлигимизни асрагувчи жасур фарзандларимиз бор. Мен Ватанимизнинг бу асл норларини бугунги қўшалоқ байрамлари билан табриклашдан бахтиёрман. Ҳар доим, сиз азизларимга ишонишимизни ва суянишимизни билдираман, – деди Ҳарбий қасамёд қабул қилган курсант Музаффар Қорақуловнинг онаси Гулнора опа.

Ҳарбий қасамёд тантанасидан сўнг билим юрти масъул офицерлари ва курсантларнинг ота-оналари ҳамда дўст-яқинлари ўртасида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда билим юртида курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар, миллий армиямиз ва унда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида тегишли маълумотлар берилиб, шу билан бирга кўплаб саволларга жавоблар ҳам қайтарилди. Шунингдек, улар учун билим юртида саёҳат уюштирилди ва меҳмонлар ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан танишишди.

Акбар Даминов.

ЯНГИЧА ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР – ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ПРИЗНАТЕЛЬНОСТЬ РОДИТЕЛЯМ ЗА ВОСПИТАНИЕ ПАТРИОТОВ РОДИНЫ


Президент нашей страны И.А.Каримов в Праздничном поздравлении защитникам Родины 14 января 2007 года отметил, что «...важнейшей задачей командиров всех уровней является дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии, укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма». Вся организаторская и воспитательная работа в Вооруженных Силах направляется на конкретного человека, который владеет оружием и боевой техникой, на утверждение приоритета его духовно-нравственных ценностей, личностной позиции, морального настроя, психологической готовности, положительной мотивации добросовестно исполнять обязанности военной службы и социального самочувствия, как решающего условия успеха военной деятельности.

В русле требований Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами, в целях морального стимулирования всех категорий военнослужащих в войсках создаются новые традиции, основанные на любви и преданности родному краю и избранной профессии защитника Родины, уважительном отношении к родителям, махалле, в которой родился и вырос военнослужащий. Накануне Дня независимости установлена еще одна новая традиция: в качестве поощрения всех категорий военнослужащих войск Министерства обороны направлять благодарственные письма их родным от имени министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Благодарственные письма будут направляться по ходатайству командиров и начальников два раза в год – накануне Дня независимости Республики Узбекистан и Дня защитников Родины. Поощрению подлежат военнослужащие по контракту офицерского, сержантского и рядового составов с учетом максимально возможных оценок их служебной деятельности и активного участия в общественной жизни подразделения и части. А также военнослужащие срочной военной службы, являющиеся отличниками боевой и общественно-политической подготовки, отличающиеся личной дисциплинированностью, оказывающие реальную помощь командирам подразделений в поддержании твердого уставного порядка, принимающие активное участие в общественной жизни подразделения, части. При рассмотрении кандидатур будет учитываться и морально-нравственный климат, существующий в семье военнослужащих и их родителей.

Вручение благодарственных писем родителям военнослужащих осуществляется командующими войсками военных округов во взаимодействии с начальниками управлений по делам обороны в торжественной обстановке, с участием представителей общественных организаций (ОДМ «Камолот», фондов «Маҳалля», «Нуроний»).

Появление новой традиции обусловлено, прежде всего, теми благотворными изменениями, которые происходят сегодня в ходе реформирования Вооруженных Сил. Как сказал в своем докладе на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента Республики Узбекистан, посвященном 16-й годовщине независимости Узбекистана Президент Ислам Каримов: «Принципиально изменило облик, суть, содержание и боевые возможности нашей армии сокращение срока призыва на военную службу до 1 года, изменение качественного состава, порядка комплектования, боевого оснащения войск, введение службы мобилизационного призывного резерва, практическое завершение перехода к контрактной службе».



Новая форма поощрения способствует формированию у родителей военнослужащих чувства высокой гордости за воспитание своих сыновей и дочерей достойными гражданами и надежными защитниками Родины.

Владимир КАЛОШИН.

ОТА-ОНАЛАРГА ТАШАККУРНОМА ЙЎЛЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқларига биноан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси, ҳарбий жамоа фаолиятидаги муваффақиятли иштироки учун истиқлолнинг 16 йиллиги тантаналари муносабати билан қуйидаги ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурнома хатлари йўлланди:

Ота-оналарига мудофаа вазирининг ташаккурнома хатлари йўлланганлар:

капитанлар:
Абдулазиз ЗИЁЕВ
Зафар ҚУРБОНОВ
Олимжон НАЗАРОВ
Руфтулло НИҒМАТОВ
Зафаржон САЛОМОВ
Тоҳиржон ТЎЙЧИЕВ
Акмалжон ЎРИНОВ
Зикрилла ҲАКИМОВ
Муҳаммаджон ХОЛМАТОВ
Нор ЧЎЛИЕВ
Суҳроб ЙЎЛДОШЕВ

адлия капитани:
Ботир ИНОЯТОВ

катта лейтенантлар:
Умид АҲМЕДОВ
Ҳабиб ҚУРЁЗОВ
Хуршид НАИМОВ
Артур НУРИДДИНОВ
Жаҳонгир ЭРГАШЕВ

лейтенантлар:
Илҳомжон БЕКМУРОДОВ
Олимжон МАМАРОЗИҚОВ
Низом НОРЧАЕВ
Дилмурод СОДИҚОВ
Алишер ҲАМДАМОВ

шартнома бўйича хизмат сержантлари:
Дилшод НУРМАТОВ

шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари:
Исомиддин АБДУЛЛАЕВ
Нуриддин АБДУНАЗАРОВ
Бобомурод БОЙМИРЗАЕВ
Сирожиддин ЖАББОРОВ
Йигитали ИСМОИЛОВ
Муҳаммаджон КАРИМОВ
Ориф ҚЎЛДОШЕВ
Аҳмаджон МАМАЖОНОВ
Илҳом МИРЗАКАРИМОВ
Аброржон НАМОЗОВ
Ғуломжон НИЁЗМЕТОВ
Ҳасан ОДИЛОВ
Акмал ОРТИҚОВ
Ойбек САФАРОВ
Исмоил СОБИРОВ
Искандар ТАНГИРБЕРДИЕВ
Рауф ТАНГИБЕРДИЕВ
Анвар ТЕШАБОЕВ
Бахтиёр ТЎЙЧИЕВ
Алишер ТУРСУНОВ
Шукур УЗОҚОВ
Рафаэль ҲАЙИТОВ
Байрамали ҲАМИДОВ
Анвар ЭСОНОВ
Санжар ЭРГАШЕВ
Воҳид ЙЎЛДОШЕВ
Хушвақт ЯХШИЕВ

шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари:
Дилшод БАРАТОВ
Дилшод ЖАҲОНГИРОВ
Ҳасанбой ОТАБОЕВ
Нурбек РОМАНОВ
Азиз ЎСАРОВ
Меҳриддин ЎРОҚОВ
Азизжон ЯКУБОВ

муддатли хизмат оддий аскарлари:
Бекзод ҲИКМАТОВ
Даврон РАСУЛОВ
Собир СОЛИЕВ
Фарид АБДУЛЛАЕВ
Рустам АБДУЛҲАҚОВ
Шерзод АЗИЗОВ
Абдуллажон БОЛТАБОЕВ
Нурмуҳаммад БЕГИЕВ
Жамшид БЕГМАТОВ
Алишер ЁДГОРОВ
Нормурод ЖАМОЛОВ
Абдураҳмон ЖУМАЕВ
Бунёд ҚОДИРОВ
Дилёр ҚУРБОНОВ
Собиржон КАРИМОВ
Хуршид ҚОСИМОВ
Ҳусниддин МАМАДИЕВ
Шерзод МЕҲМОНОВ
Бобир МИРУСМОНОВ
Жамол ОЧИЛДИЕВ
Меҳрож ОЛИМОВ
Шерзод ЎРИНОВ
Шерзод ҲАЙДАРОВ
Ойбек ХОЛБЕКОВ
Иброҳим ХУДОЙНАЗАРОВ
Зуҳриддин ХАЙРУЛЛАЕВ
Руслан ШАРИПОВ
Иқбол ЭГАМБЕРДИЕВ
Мирзадавлат ЭРГАШЕВ

Ота-оналарига Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг ташаккурнома хатлари йўлланганлар:

капитанлар:
Бахтиёр АЛИМОВ
Жўрабек БАҲРОНОВ
Роман ДУДЧИК
Жамол ҚОДИРОВ
Фурқат ҚУДРАТОВ
Шодлик МАТЧОНОВ
Бахтиёр НАРЗИЕВ
Дониёр ТОЖИБОЕВ
Анвар ТУРСОАТОВ

катта лейтенантлар:
Сирожиддин САИДАҲМЕДОВ
Исомиддин ЎЛЖАБОЕВ
Собиржон ТУРСУНОВ
Анваржон ЧОРИЕВ
Улуғбек ЭРГАШОВ
Алишер ЯХШИҚУЛОВ

Тиббиёт хизмати катта лейтенантлари:
Толмас ЭШҚОБИЛОВ
Муҳиддин САИДАҲМЕДОВ

лейтенантлар:
Василий ГАРШИН
Соҳибжон ТЎРАҚУЛОВ
Ҳамдамали УМАРОВ

шартнома бўйича хизмат сержантлари:
Бахтиёр БОЙМИРЗАЕВ
Ориф БЕРДИЕВ
Раафат КАРПУШЕВ
Акмалжон МЕҲМОНОВ

шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари:
Абдулла АЛИҚУЛОВ
Мажидхон АБДУЛЛАХОНОВ
Хайрулло АБДУХОЛИҚОВ
Баҳодир АБДУХОЛИҚОВ
Рустам АББОСОВ
Жамолиддин БЕГМАТОВ
Шерали БОБОЕВ
Ҳусан БОЛТАЕВ
Шуҳрат ИСРОИЛОВ
Жўрабек ҚУРБОНОВ
Жасур МИРЗААҲМЕДОВ
Аслиддин МАМАТОВ
Шавкат НАРЗУЛЛАЕВ
Алишер ПЎЛАТОВ
Музаффар РАҲМАТУЛЛАЕВ
Ихтиёр РАҲМОНОВ
Зафар РАҲИМОВ
Ҳаётбек СОДИҚОВ
Ўткир ЗИЁТОВ
Холмуроджон ЗОКИРОВ
Келдиёр ЎРОЛОВ
Миртемир УМАРОВ
Рафаэль ФАТХУЛИН
Ўткир ЧОРИЕВ
Шомил ЭЛМУРОДОВ
Муҳаммадали ЙЎЛДОШЕВ
Фарҳод ЙЎЛДОШЕВ

шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари:
Анвар АБДУЛЛАЕВ
Самариддин ОБЛОҚУЛОВ
Фахриддин АШУРОВ
Акмал БОЗОРОВ
Ёқуб БЕГМАТОВ
Шуҳратжон ҒАФФОРОВ
Мирзоҳид ЖАЛИЛОВ
Икром ЖЎРАЕВ
Тоҳир МЕЛИҚУЛОВ
Дилшод МЎМИНОВ
Аҳмад ҲАСАНОВ
Камолиддин ҚОРАЕВ
Алишер ҚУРБОНОВ
Дилбек СОАТОВ
Жўрабек ШАРИПОВ

курсант:
Рустам КАРИМОВ

муддатли хизмат оддий аскарлари:
Ғолиб АБДУЛЛАЕВ
Қодир АБДУНАЗАРОВ
Умид АЛЛАМУРОДОВ
Билолиддин АШУРОВ
Нозим БОЛТАБОЕВ
Зоир БОЙМУРОДОВ
Илҳом ДОНОҚУЛОВ
Хайрулло ҒОИПОВ
Алишер ҒУЛОМОВ
Фарруҳ ЖАЛИЛОВ
Сайфиддин ЖЎРАЕВ
Муроджон ЗОКИРОВ
Камолиддин ҚАМБАРОВ
Низомиддин ҚОДИРОВ
Бекзод МАМАТОВ
Анвар МАМАНАЗАРОВ
Улуғбек ХОЛМАТОВ
Сайдулла ХЎЖАМҚУЛОВ
Муҳаммад ХЎЖАХОНОВ
Шойназар ЎРОЗОВ
Ориф ЎРОЛБОЕВ
Адҳам УММАТОВ
Шуҳрат ҚЎЗИБОЕВ
Фуат МИНЛИБОЕВ
Олим СОДИҚОВ
Тоҳир ТЕШАБОЕВ
Шерзод ТЎЙЧИЕВ
Отабек ТЎХТАБОЕВ
Шерзод ҲАСАНОВ
Равшанбек ҲОЖИҚУРБОНОВ
Суҳбат ХУДОЙБЕРГАНОВ
Шерзод ШАМИДДИНОВ
Рустам ШУКУРОВ
Отабек ЭСОНАЛИЕВ
Саидмухтор ЭШОНОВ
Фарҳод ЙЎЛДОШЕВ
Дилмурод ЁРМУҲАММЕДОВ

Муносиб баҳо

ШОН-ШАРАФ ИШИ

Ўғлим Фариджон ўз хоҳиши билан йигитлик бурчини ўташ ниятида армияга отланганида, чақирилувчиларнинг тантанали кузатув маросимини кўриб жуда қувонган эдик. Уларга бир хил спорт либосларининг берилиши, унда давлат ва жамоат ташкилотлари мутасадди раҳбарларининг иштироки, турли маданий-маърифий тадбирларнинг уюшқоқли ташкил этилиши, ёшларга бўлган муносабатнинг юксак даражада эканлигидан қувонгандик, ўшанда. Бугун эса муносиб хизматлари учун ўғлим шахсан Мудофаа вазирининг Ташаккурномасига сазовор бўлганидан гўё бошимиз кўкларга етди. Хурсандчилигимизни нафақат қавму қариндошлар, балки бутун маҳалла аҳли, Фариджоннинг устоз-мураббийлари ҳам бирга баҳам кўришмоқда.

Қарангки, юртимизда миллий қадриятларимиз, қадимий урфу одатларимиз қайта тикланиб, кундалик ҳаётимизга, замонага мос янгича анъаналар ҳам барқарор шаклланмоқда. Ҳозирда фарзандларимизни Қуролли Кучлар сафига хизматга жўнатиш шон-шараф ишига айланиб улгурди. Халқ орасида Ватан ҳимоячиларига бўлган ҳурмат-эътибор ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтарилган.

Гулсора АБДУЛЛАЕВА,
аскар онаси.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ САМАРАСИ



Юртимизда ҳар бир инсоннинг Ватан, эл-юрт олдидаги фидойи хизмати ўз эътирофига эга. Буни ҳар қадамда ҳис қилиб турасиз. Шубҳасизки, бундай эътирофлар яратувчанликка, юксак марраларни забт этишга, жасоратга ундайди. Мудофаа вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма, қисм ва муассасалари шахсий таркибини ташаккурнома хати билан тақдирлаш тўғрисида»ги буйруғи ҳам айнан ватанпарвар, заҳматкаш ҳарбийларимизни эъзозлаш борасида яна бир қадам бўлди, десак арзийди. Ушбу буйруқнинг ўзига хос томони шундаки, бу билан ҳарбий хизматда намуна кўрсатган, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда аъло натижаларга эришган, жамоат ишларида фаол қатнашган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар йўллаш анъанасига асос солинди. Ташаккурномалар ўз эгаларига жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, маҳаллий ҳокимият, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби бир қатор ташкилотларнинг фаоллари иштирокида тантанали равишда топширилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақиллигимиз куни Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ўнга яқин хонадондаги мана шундай хурсандчилик онларига биз ҳам гувоҳ бўлдик.

Тошкент шаҳар Сирғали туманида истиқомат қилаётган Дилфуза опа ва Саттор ака Каримовлар хонадонидамиз. Шарқий ҳарбий округида йигитлик бурчини аъло даражада ўтаётган оддий аскар Собиржон Каримовнинг ота-онасига Мудофаа вазирининг йўллаган ташаккурнома хати унинг бобоси, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси бўлган Аҳмаджон отага топширилди. Албатта бундай онларда хонадон вакилларининг хурсандчилигини ҳис қилиш мароқли.

– Ҳар бир йигит Ватан олдидаги хизмат бурчини ўташи шарт, – дейди Аҳмаджон бобо қатъият билан. – Мен ҳам набирам юрт посбони бўлиб, шундай ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлганидан беҳад мамнунман. Бу оиламиз учун катта шараф. Боболарнинг шарафли йўлларини набиралар эгаллаганига, эл-юрт олдидаги хизматини муносиб давом эттирганига нима етсин. Айниқса, яхши хизмат қилган йигитларимизга давлатимиз раҳбарияти томонидан олий ўқув юртларига киришлари учун имтиёзлар берилаётгани мени жуда қувонтирди. Набирам Собиржонни шундай имкониятдан унумли фойдаланиб, олий ҳарбий билим юртида ўқиб, офицер бўлишини жуда истардим. Мудофаа вазирлиги томонидан набирам сингари ўғлонларимизнинг хизматига катта эътибор қаратилаётгани, шундай улуғ байрам кунларида Мудофаа вазирининг ташаккурнома хатини топширишгани учун оиламиз номидан ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Яккасарой туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Давронн Расуловнинг оила аъзолари қувончига шерик бўлиш учун Қумариқ маҳалласига йўл олганимизда бизни нафақат хонадон аъзолари, балки маҳалла оқсоқоли И.Алиев, диний-маърифий ишлар бўйича маҳалла оқсоқоли ўринбосари М.Турсунова, Давронинг мактабдаги синф раҳбари Д.Каримовалар қарши олишди. Даврадаги суҳбат давомида аълочи аскарнинг синф раҳбари сўз олиб, Тошкент шаҳридан Мудофаа вазирининг ташаккурномасига сазовор бўлган ҳарбий хизматчилар орасида унинг ўқувчиси борлигидан беҳад мамнун эканлигини, хатнинг нусхасини мактабга намуна сифатида қўйишларини билдирди.

Шунингдек, барча хонадонларда ота-оналарга, йиғилганларга бугунги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, муддатли ҳарбий хизматчиларга берилган имтиёзлар, республикамиздаги мавжуд олий ҳарбий ўқув муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳақида маълумотлар берилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ташаккурнома хатини топшириш жараёни Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳам тантанали тарзда амалга оширилди. Бу ерга жам бўлган аълочи ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва яқинларини вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Анвар Абдурайимов самимий тилаклар билан муборакбод этди. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, уларнинг эришган ютуқлари доимо эътиборда туриши ва муносиб тақдирланиши юзасидан фикрлар билдирди. Бу тантанада вилоят ҳокимлиги «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ҳис-ҳаяжони ва хурсандчилиги жўш урган капитан Дониёр Тожибоевнинг опаси Мукамбар Йўлдошева сўз олиб, давлатимиз раҳбариятига бўлган миннатдорчилик сўзларини ва жасур посбонларимизга бўлган меҳрини «Ватан» номли шеъри орқали изҳор этди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Собиржоннинг ота-онаси номига келган ташаккурномани олиб, Мудофаа вазири томонидан набирамнинг муносиб хизматлари эътироф этилган дил изҳори ҳамда эзгу тилакларни ўқиб, кўзларимга беихтиёр ёш келди. Шундай жаннатмакон юртда, тинч-осуда турмуш кечираётганимизга шукроналар айтдим, ҳукуматимиз томонидан болажонларимизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлардан қувондим. Ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган бу каби муносабат ҳамда эътибор намуналари халқ ва армиянинг янада яқдил бўлишини, Қуролли Кучлар сафида ўз бурчини ўтаётган йигитларнинг асл ватанпарвар, қасамёдига садоқатли инсонлар бўлишини таъминлаши, шубҳасиз.

Одатда ватандошлари корига яраб, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётганларни том маънода эл фарзанди дейишади. Набирам бугун ана шундай шарафли номга сазовор бўлганидан, Мустақиллигимизни ишончли ҳимоя қилаётган баҳодирлар сафидан ўрин олиб, юқори қўмондонликнинг рағбатига муносиб топилганидан бағоят бахтиёрман. Уларнинг келгусида ҳам ўз ҳарбийлик бурчини ёруғ юз билан ўташларига ишончим комил.

Аҳмаджон ота
КАРИМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Сержантлар – армиямиз таянчи ва суянчи

ПРОФЕССИОНАЛЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ПАРВОЗИ



Профессионал асосда шаклланаётган армиямиз сафларида қалбида юртига, халқига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари жўшиб турган, ҳақиқий фидойи, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўғлонлар хизмат қилмоғи керак.

Тошкент ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабининг бугунги битирувчиларини ҳам чинакам мард ва жасур, Ватан ҳимоясига доимо тайёр, ўз соҳасининг асл профессионаллари десак, асло янглишмаймиз. Белгиланган муддат давомида малакали устозлардан ҳарбий соҳа билимларини мукаммал эгаллаб, қўлларига сертификатларини олиб, «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» деб баралла айтаётган сержантларимизнинг битирув тантаналари бир умрга улар қалбида муҳрланиб қолажак.

Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик шодиёналари давом этаётган кунда бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан округ қўмондонлиги ва билим маскани масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари, дўст-яқинлари ўғлонларни битирув айёми билан табриклашар экан, уларнинг келгусидаги масъулиятли ва шарафли хизматларига омадлар тилашди.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан курсант Фурқат Муродов жумладан, шундай деди:

– Мана, бугун биз ўз соҳамиз ҳамда ҳарб илми бўйича билим ва малакамизни маҳоратли устоз офицерлар кўмагида янада оширдик ва мустаҳкамладик. Бу ерда олган билимларимиз хизматимиз давомида қўл остимиздаги посбонларни ҳар томонлама етук, салоҳиятли, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашимизда жуда асқотади. Ўзимизга билдирилган ишончни оқлаб, юртимиз тинчлиги, осудалиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бераман.

Курсант Ғулом Наврўзбоевнинг онаси Ўктамхон опа Тўлқинова ҳам сўзга чиқиб, фарзанди ва унинг сафдошларини самимий қутлаб, Ватанимизнинг шундай мард ва жасур ўғлонлари билан фахрланишини таъкидлаб ўтди.

Курсантлардан – Бекмурод Шаймонов, Баҳром Бойқобилов, Дилшод Ҳафизов, Дилбар Ўрозембетова, Улуғбек Қодиров, Элбек Тўраев, Муссо Назиров каби ўнлаб битирувчилар мактабни имтиёзли ҳужжат билан тугатишди.

Ҳа, бугунги битирувчиларни ҳақиқий профессионаллар, деб бемалол айта оламиз. Уларнинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

Қуролли Кучлар Академиясида

УЛКАН МАҚСАД ЙЎЛИДА

Янги ўқув йили бошлангани муносабати билан Мудофаа вазири Р.Мирзаев истиқлол меваси бўлган Қуролли Кучлар Академиясининг биринчи босқич тингловчилари билан учрашди ва миллий армиямиз ҳамда республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган ютуқли натижалар ва галдаги вазифалар ҳақида тўхталиб, маъруза қилди. Тадбирда шунингдек, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов, Академия раҳбарияти ҳамда ўқитувчи ва офицерлар таркиби иштирок этди.

Маълумки, Қуролли Кучлар Академияси замон талабларига мос, юксак малакали офицер кадрларни тайёрловчи нуфузли даргоҳ. Олий ҳарбий билим юртини тамомлаб, ҳақиқий ҳарбий хизматда ҳар томонлама ўзини кўрсатган ва тинмай билим ва маҳоратини ошириб борган офицерлар синов ва имтиҳонлардан муваффақият билан ўтгач, Академия тингловчиси бўлишдек нуфузли мақомга эга бўлишади. Таҳсил давомида эса касбий маҳорат ҳамда малакалари янада ортиб, ҳақиқий сардор сифатида шаклланади. Шу маънода ушбу даргоҳда таълим олиш ҳар бир офицернинг юксак орзуси десак, хато қилмаган бўламиз.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар замирида осойишталигимиз барқарорлигини янада мустаҳкамроқ кафолатлашдек эзгу мақсад мужассам ва у ўз нурли келажаги сари оғишмай олға бораётган Ўзбекистонимизнинг танлаган йўлига ҳамоҳанг экани кўнгилларга қувонч бағишлайди.

Юртимиз истиқлолга эришгач, мамлакат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири – мустақилликни, ҳур диёримизни муносиб ҳимоя қилишга қодир мустаҳкам Қуролли Кучларни тузишга қаратилган эди. Мустақилликнинг дастлабки дадил одимлари ҳам ана шу ғоят улкан ва устувор вазифа билан боғлиқ. Бугун юртимизда Президентимиз раҳбарлигида узоқни кўзланган ислоҳотлар изчил амалга ошириляпти. Жумладан, барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларни ислоҳ этиш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. Яъни армияни такомиллаштириш, қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш баробарида посбонларнинг жанговар маҳорати, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим-тарбияни тубдан яхшилашга қаратилган тадбирлар ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар сирасидандир.

Мудофаа вазири ўз маърузасида ана шу устувор мақсад ва вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтаркан, бунда ҳар бир юрт фарзанди, шу жумладан, давлат кишиси ҳисобланган ҳарбийларнинг ўрни муҳим эканини таъкидлади. Шунингдек, бу ўринда посбонлар етакчилари бўлган офицерларнинг ўз қўл остидагиларга шахсий намунаси ғоят самарали бўлишини айтиб ўтди.

– Мудофаа вазирининг маърузасидан ғоят зарур ва қимматли маълумотлар олдик, – дейди офицер Темур Рўзиев. – Мана, бугун Академия тингловчиси сифатида ўқишни бошладим. Ҳар томонлама юксак малакага эга бўлишим, маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслигим учун юртимда кечаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур англамоғим керак. Машғулотларимизнинг илк куниданоқ ана шундайин маърузаларнинг ўтилиши олдимиздаги юксак масъулият ва мажбуриятни янада теран ҳис қилишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Катта лейтенант
Сардор КОМИЛОВ.

Идет боевая учеба

ЗЕНИТЧИКИ ПОВЫШАЮТ КЛАСС

Недавний учебно-методический сбор с начальниками ПВО военных округов и общевойсковых соединений, командирами соединений и частей ПВО Сухопутных войск, который был проведен согласно плану подготовки органов управления и войск Министерства обороны Республики Узбекистан на текущий учебный год, стал отличным воинским подарком зенитчиков к 16-летию независимости нашей Родины. Успешно достигнув намеченных целей и выполнив в полном объеме поставленные задачи, они значительно повысили свой профессиональный уровень.

– В ходе данного сбора командного состава подразделений ПВО Сухопутных войск, прежде всего, преследовались цели повышения теоретической подготовки и совершенствования практических навыков офицеров в управлении подчиненными, – так прокомментировал итоги офицер Александр Серапин. – Наряду с этим были отработаны вопросы поддержания на требуемом уровне слаженности и оперативности в работе командных пунктов ПВО. В процессе боевой учебы удалось также добиться повышения навыков командного состава в производстве расчетов, в ведении боевых и отчетно-информационных документов.

Для командования этот сбор также стал серьезной проверкой уровня знаний офицерами руководящих документов, требований основных положений боевых уставов и физической подготовленности личного состава.

На сбор привлекались начальники ПВО частей, командиры зенитных подразделений, представители военных кафедр Чирчикского ВТКИУ и ТашГТУ, цикла ПВО школ подготовки сержантов военных округов. Решением командования ЮЗОВО дополнительно участвовали командиры зенитных подразделений и общевойсковых частей округа.

На занятиях были рассмотрены такие важные вопросы, как основы применения Войск ПВО Сухопутных войск, основы организации разведки воздушного противника, управление и взаимодействие сил и средств ПВО, подготовка и проведение тактических учений.

Рассмотрена также методика работы по укреплению воинской дисциплины и правопорядка, обеспечению безопасных условий прохождения воинской службы.

Также были затронуты задачи и содержание воспитательной работы в войсках на современном этапе реформирования Вооруженных Сил.

Проведены показательные тактико-специальные занятия по тематике полевых выходов подразделений ПВО в районы интенсивных полетов авиации. Отработана также методика подготовки и проведения тренировок по боевой работе на технике и управления огнем ПВО.

Под руководством опытных офицеров в ходе проведения лекционных и практических занятий были затронуты вопросы методики организации и проведения занятий на учебно-тренировочных средствах, доведены назначение, тактико-технические характеристики, правила эксплуатации и меры безопасности при работе с тренажерами. Все офицеры, привлекаемые на сбор, произвели на практике пуски на учебно-тренировочном тренажере ПЗРК с выполнением нормативов.

Представителями военного округа была проделана большая подготовительная работа, которая позволила провести сбор на высоком организационном уровне.

На заключительном этапе сбора был организован показ техники и вооружения. Боевые стрельбы были проведены на фоне батарейного тактического учения, с совершением марша, развертыванием боевых порядков с ходу. Стрельба зенитной артиллерийской батареи с короткой остановки по воздушным, а также наземным целям позволила укрепить уверенность личного состава в боевых возможностях вверенного вооружения.



При выполнении тактико-огневых задач отличились зенитные подразделения под командованием офицеров Исматулло Хайтметова и Умиджона Азизова, показавшие высокий уровень боевой готовности.

Отрадно, что основные цели учебно-методического сбора успешно достигнуты. Представителями вышестоящего штаба отмечены профессиональные действия младшего сержанта Мамаюсуфа Шаймарданова, рядовых срочной службы Фурката Эрматова и Жонибека Саидова. Младшему командиру удалось в полевых условиях образцово организовать связь с командованием, рядовой Ф.Эрматов очень грамотно и четко доложил обстановку на посту визуального наблюдения, а рядовой Ж.Саидов в качестве номера расчета точно представил тактико-технические характеристики автоматической зенитной пушки (АЗП), подкрепив качество теоретических знаний умелыми навыками в ходе боевых стрельб. В таком насыщенном сложной электронной техникой роде войск, как ПВО, интеллектуальный уровень солдата срочной службы должен быть высоким, чтобы реально обеспечивать боевую готовность подразделения.

А для молодых офицеров зенитных ракетных подразделений общевойсковых частей ценность проведенного сбора состояла еще и в том, что здесь они воочию увидели боевые возможности вооружения ПВО Сухопутных войск. Ведь спустя некоторое время лучшим из них предстоит направление на учебу в Академию Вооруженных Сил, после которой возможно продолжение службы в зенитной части. И тогда им самим в качестве командиров дивизионов придется проводить батарейные тактические учения с боевой стрельбой. В этом плане опыт, обретенный здесь, поистине бесценен.

Майор Ермурат
АЙНАТДИНОВ.
Фото **подполковника**
Алибека АЗИМОВА.

Огоҳлик – давр талаби

ОРЗУЛАРИ УШАЛГАЙ

Илғор ҳисоб командирлари шартнома бўйича кичик сержантлар – А. Ҳасанов ва А. Нуриддиновлар сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олиб юришган кезларидаёқ ўзаро мусобақага бел боғлашган эди. Улар жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритиб, аълочи посбонлар сафидан ўрин олишга азму қарор қилишганди, ўшанда. Мана бугун бурчига содиқ икки дўстнинг номи қисм қўмондонлиги томонидан алоҳида ҳурмат-эътибор билан тилга олинмоқда. Зеро, икковлон ўз сафдошлари каби ёзги ўқув мавсумининг ҳам назарий, ҳам амалий машғулотларида қатор муваффақиятларга эришмоқда.

Илмга чанқоқ кичик командирлар яқинда ҳайдовчи мутахассис шартнома бўйича хизмат оддий аскари М. Хўжамбердиев билан биргаликда қўриқланаётган пост теварагида тақиқланган хатти-ҳаракатларни амалга ошираётган фуқароларни аниқлаб, тегишли органларга топширишга муваффақ бўлдилар. Қоровуллик хизматини ўташдаги ҳушёрлиги учун уларга Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг Ташаккурномаси эълон қилинди ва эсдалик нишони топширилди.

– Қоровуллик хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш билан баробар эканлигини яхши биламиз, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А. Ҳасанов. – Шу боис ишониб топширилган ҳудудни талаб даражасида қўриқлаш ишига юксак масъулият ҳисси билан ёндашамиз. Ўз устимизда мунтазам ишлаймиз, Умумҳарбий низомларга оид билимларимизни мунтазам ошириб борамиз.

Дарҳақиқат, улар истиқлол байрамини хизматда эришган ютуқлари билан қарши олдилар. Маҳоратли кичик командирлар қутлуғ тантана кунлари ҳам ўз постларида сергак туриб, халқимиз тинчлигини сақлаш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Майор Алишер СОБИТОВ.

Мавсум ўқув машғулотларида

ТАНКЧИЛАР ИЛҒОРЛАР САФИДА

...Дала-ўқув майдони. Яланғликни чанг-тўзон қоплаб, гуриллаган товушлар эшитилмоқда. Офицер Қаҳрамон Очилов режасига кўра пиёда қўшинлари ўқ отиш машқларини тугатишлари билан полигонга зирҳли техникалар келиши керак эди. Айнан шундай бўлди. Танклар муайян оралиқ масофани сақлаган ҳолда отиш майдончаси томон келмоқда. Биринчи бўлиб етиб келган офицер Шавкат Акбаров экипажи танкни белгиланган жойга тўхтатиб, бортдан тушиб сафланишди. Тегишли кўрсатмаларни олган экипаж шахсий таркиби ўз жойларини эгаллаб, ўқ отиш нуқтасига йўл олишди.

– Бу техникани мисоли қанотим, десам ҳам бўлади, – дейди механик-ҳайдовчи кичик сержант Ғайрат Маҳмудов. – Ушбу техникани бошқариш анча кўп билим, тажриба ва маҳорат талаб қилади, посбондан. Техникамнинг ҳамиша жанговар шай бўлишини таъминлаш мақсадида унинг техник ҳолатини ҳар куни назорат қилиб, машғулотлар вақтида бирон бир носозлик келиб чиқмаслиги учун ҳаракат қиламан.

Экипаж командири пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи нишонларга ўқ отиш машқини бажаришга тайёр эканлигини билдиргандан сўнг, нишон кўтарилди. Командирнинг буйруғига биноан ўқловчи оддий аскар Маъруф Қосимов дарҳол ўқ-дорини тайёрлади ва командирга ахборот берди. Нишонга олувчи кичик сержант Мирза Исоқов нишоннинг қаерда ва қандай ҳолатда жойлашганлигини аниқлаб, аниқ мўлжалга олди ҳамда командирнинг буйруғини кута бошлади. Офицер Ш.Акбаров яна бир бор масофани ва нишоннинг жойлашиш тартибини текшириб, ўт очишга буйруқ берди. Ўт очилди, нишон яксон этилди. Кичик сержант Ғ. Маҳмудов танкни олға ҳайдади. Энди улар окопда нишонга ўқ узишлари лозим. Бу вазифа ҳам аъло даражада бажарилди.

Навбатдаги нишонга ҳаракат давомида ўт очиш керак. Нишон чап томонда пайдо бўлди. Тезлик билан ҳаракат қилган экипаж аъзолари бу сафар ҳам аниқ мўлжалга олишди. Экипаж олдига қўйилган вазифа муваффақиятли бажарилди.

– Юқори жанговар тайёргарлик, маҳорат ва тажриба, билим ва кўникма ҳамиша ғалаба келтиради, – дейди экипаж командири кичик сержант Абдуҳамид Бозоров. – Танк экипажининг ҳар бир аъзоси қўйилган жанговар топшириқни, танкнинг ва бошқа зирҳли техникаларнинг жанговар имкониятларини, душманнинг кучли ва кучсиз томонларини, танк ичидаги кузатув асбобларини яхши билиши ҳамда улар билан бемалол ишлай олиши керак. Шунингдек, жанг вақтида алдов йўллари билан душманни айланиб ўтиш, техник носозликлар бўлганда, тезликда бартараф қила билиши ғалабани таъминлайдиган муҳим омиллардан саналади. Шу боис биз экипажимиз билан ҳамиша ўқиб-ўрганиб, мулоҳаза юритиб, топшириқни бажаришга киришамиз.

Дала-ўқув машғулотида иштирок этган барча танк экипажлари машқларни юқори натижалар ила бажариб, ўз маҳоратларини намоён этишди.

Офицер Қ.Очиловнинг таъкидлашича, экипаж аъзоларидан нишонга олувчи кичик сержант Ойбек Маматалиев, механик-ҳайдовчи сержант Ҳусниддин Фозибеков, ўқловчи оддий аскар Бахтиёр Турсунбоевлар ёзги мавсум ўқув машғулотларида илғорлар сафидан жой олишиб, сафдошларига ибрат бўлишмоқда.

Нозим АҲРОРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.



МАҲОРАТДА ТЕНГСИЗ



Полигонда дала-ўқув машғулоти ўтказилмоқда. Бир томонда пиёда қўшинлари, яна бир томонда зирҳли техникалар ўқ отиш машқини бажармоқда. Миномётчилар жойга мос ҳолатда маскировка қилиб, берилган ҳудудга жойлашган нишонларга ўт очишлари ва пиёда қўшинларининг олға силжишини таъминлашлари керак. Бунга батареянинг сержант Фарҳод Хўжанов командирлигидаги гуруҳи танлаб олинди. Гуруҳда ўз вазифасининг тажрибали посбонлари жамланган. Уларнинг ҳар бири қўйилган топшириққа ўта масъулият билан ёндашиб, бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, доимо илғорлар сафида бўлиб келишган.

– Миномётчилар шартли душманнинг пиёдалари ва асосий кучларига зарба беради, – дейди батарея командири офицер Баҳодир Умрзоқов. – Бугунги дала-ўқув машғулотида ҳам айнан шундай топшириқ гуруҳ зиммасига юклатилган. Муайян масофаларда турли нишонлар ўрнатилган бўлиб, гуруҳ посбонлари ушбу нишонларни яксон қилишлари лозим.

Сержант Ф.Хўжамов посбонларига зудлик билан миномётларни жанговар шай ҳолатга келтиришни ва атрофини маскировка қилишни буюрди. Посбонларнинг ҳар бири ўз вазифасини аниқ бажарилди. Кичик командир гуруҳ посбонларини йиғиб, олдиларига қўйилган вазифани яна бир бор эслатиб, барчани жой-жойига тарқатди. Оддий аскарлар – Мақсуд Фармонов ва Лазиз Собировлар ўқ-дориларни тайёрлаб, командирга ахборот беришди. Нишоннинг узоқлик масофасини ўлчовчи асбобда ишлаётган оддий аскар Нодир Ботиров ҳамда артеллерия асбоби буссолда ўлчамларни белгилаб, дафтарига ёзиб қўяётган оддий аскар Руслан Абдуллаев ҳам шай эканлиги ҳақида ахборот берди. Сержант батарея командиридан буйруқ олгач, биринчи нишонга ўқ отиш тўғрисида кўрсатма берди. Оддий аскар Н.Ботиров нишоннинг узоқлик масофасини ўлчаб, оддий аскар Р.Абдуллаевга етказди. У ҳам тезлик билан ўлчамларни ҳисоблаб, нишонга олувчи оддий аскар Умрзоқ Атаковга берди. Оддий аскар У.Атаков миномётни белгиланган ҳолатга келтириб, мўлжалга олди. Навбатдаги нишонларга отилган снаряд ҳам бехато нишонга тегди. Сержант Ф.Хўжамов етакчилигидаги миномётчилар топшириқни аниқ бажардилар.


Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ASKAR BO‘LAR / YIGITNING MARDI

Ayyom tilaklari


YUTUQLARIMIZ SENGA, ISTIQLOL!

Bugungi posbonning salohiyati yuksak, dunyoqarashi keng. U kimga va nima uchun xizmat qilayotganini, zimmasida qanday muhim va mas’uliyatli vazifa borligini yaxshi anglab yetgan. U istiqlol bilan nafas oladi, istiqlolni asrab-avaylaydi. Har bir erishgan yutuqli natijasini ozod diyorimizniki, istiqlolniki deb biladi. Shu bois yurt osoyishtaligi yo‘lida g‘ayrat kamarini mahkam boylagan askarlarni bemalol istiqlol himoyachilari, ona Vatan jonkuyarlari, fidoyilikni kasb etgan mardlar, desak xato qilmaymiz.



Muddatli xizmat oddiy askari
Akmal TEMIROV

– Har bir o‘g‘lon muddatli harbiy xizmatni ado etarkan, Vatani va xalqi oldidagi yuksak burchini o‘taydi. Shuningdek, armiyada er yigit har tomonlama tarbiya topar ekan. Mana, xizmatga kelib jangovar saboqlar bilan birga hayotiy bilimlarni ham puxta egallayapman. Dunyoqarashim kengaydi, Vatanimga, xalqimga sadoqat tuyg‘ularini anglab yetdim. Har tomonlama shakllanib, bir so‘z bilan aytganda, haqiqiy vatanparvar insonga aylanishimda armiya xizmati muhim o‘rin tutmoqda. Bizga ko‘rsatilayotgan chuqur g‘amxo‘rlik va berilayotgan yuksak e’tibor, belgilangan imtiyozu qo‘lga kiritish mumkin bo‘lgan imkoniyatlar darajasi g‘oyat salmoqli. Men shunday Vatan farzandi ekanimdan, professional armiya posboni bo‘lish sharafiga muyassar bo‘lganimdan cheksiz faxrlanaman va doimo bunga munosib bo‘lib, yurtimizning har bir qarichini ko‘z qorachig‘imday asrashga so‘z beraman. Qutlug‘ ayyom arafasida yurtdoshlarimga ezgu tilagim – farovon turmush va xotirjam hayot kechirishdir. Ularning xotirjamligi uchun esa bor kuch va imkoniyatimni safarbar etaman.



Muddatli xizmat oddiy askari
Farhod XUSHMURODOV

– Yurt taqdiri – mening taqdirim! Askarlik davrim, hayotimning undan oldingi va keyingi har bir lahzasi ham mustaqillik bilan, ozod diyor qismati bilan chambarchas bog‘liq. Vatanimiz osuda va obod bo‘lsa, barchamiz baxtiyor, dorilomon yashaymiz. Shu bois istiqlolni asrash, uning ertasi uchun qayg‘urish har bir O‘zbekiston fuqarosi uchun farzdir. Mana, eng ulug‘ va eng aziz bayram – istiqlol shodiyonasining 16 yillik to‘yini nishonlayapmiz. Yurtimizning har bir go‘shasida ayyom nafasi. Bayramga hamma, jumladan, biz posbonlar ham munosib tuhfa hozirlashga bel bog‘laganmiz. Safdoshlarim dala-o‘quv mashg‘ulotlari, ijtimoiy-siyosiy, taktik va jangovar tayyorgarliklarda erishib kelayotgan yutuqli natijalarini qutlug‘ to‘yga to‘yona, deb biladilar. Bizning ezgu niyatimiz – istiqlolimizni asrash, tinchligu xotirjamligimizni munosib ta’minlashdir. Ha, biz ana shu ezgu ishga mas’ulmiz va burchimizni sharaf bilan ado etamiz.



Muddatli xizmat oddiy askari
Orif RAHIMOV

– Qismimizda qaynoq harbiy hayot bir zum to‘xtamaydi. Yozgi mavsum o‘quv mashg‘ulotlari qizg‘in davom etmoqda. Guruhlar va yakka tartibda posbonlar o‘zaro musobaqadoshdir. Barchasi nufuzli natijaga erishishga harakat qilishadi. Ulardagi g‘ayrat-shijoat, jasoratga tashnalik, har doim o‘zlariga ishonch tuyg‘ularini ko‘rib, to‘lqinlanib ketaman. Safdoshlarimning mardlik va jasurliklari zamirida xalqimiz irodasi, ertangi kunga umid va ishonch, bunyodkorlik va yaratuvchanlikdek ezgu qadriyatlar ifodasi mujassam. Ha, biz ana shunday buyuk xalq farzandlarimiz. Dongdor sarkardayu bahodirlar avlodlarimiz. Ular o‘z davrida istiqlol uchun, erk uchun kurashgan edilar. Vatanim deb, xalqim deb hatto, aziz jonlaridan ham kechgandilar. Bugun biz mustaqil, o‘z erki o‘z qo‘lida bo‘lgan ozod zaminda yashayapmiz. Qaysidir ma’noda bobolar orzusiga bugun biz erishib turibmiz. Tabarruk istiqlolning o‘n olti yoshini nishonlayapmiz. Bu – qiyossiz ulkan baxt, bebaho ne’matdir. Ana shu baxtiyorligimiz mangu bardavom bo‘lishini tilash va uni asrab-avaylash yo‘lida xizmat qilish menga eng katta boyliklardan ham ko‘ra qadrliroqdir.

Katta leytenant Yashin HAKIMOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

Mustaqillik – taqdirimda

KO‘ZIM QAROG‘IDA ASRAY VATANNI


Men dovrug‘i dunyoga doston bo‘lgan shu ko‘hna diyorda tug‘ilib o‘sganimdan behad faxrlanaman. Tomirlarimda mashhur allomalaru buyuk sarkardalar qoni oqayotgani qalbimga g‘urur bag‘ishlaydi. Ularga munosib avlod bo‘lish – birdan-bir ezgu niyatimdir desam, aslo xato qilmagan bo‘laman.

Bugun biz g‘oyat go‘zal, dorilomon kunlarda yashayapmiz. Xalqimiz azaliy orzusi bo‘lgan mustaqillikdek bebaho boylikka, tabarruk ne’matga ega bo‘lishdi. Istiqlol har bir yurtdoshimiz hayotida o‘chmas iz qoldirmoqda.

Avvalo biz mustaqillik sabab, o‘zligimizni anglab yetdik. Unut bo‘layozgan qadriyatlarimiz qayta tiklandi. Shaxsan o‘zim misolimda oladigan bo‘lsam, men kurash, taekvondo kabi sport turlarida erishgan nufuzli natijalarimni, sifatli ta’lim olganim va professional asosga o‘tayotgan qudratli armiya posboniga aylanganimni, sharafli soha sabab o‘z kelajagimga muhim tamal toshi qo‘yayotganimni istiqlol in’om etgan imkoniyat, hur diyor farzandlariga ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rlik deb bilaman. Bu g‘amxo‘rlik va e’tiborga esa o‘z xizmatlarim bilan javob qaytaraman. Aziz Vatanimni yuragimda, ko‘zim qarog‘ida asrayman.

Mana, yozgi o‘quv mavsumi mashg‘ulotlari muvaffaqiyatli davom etmoqda. Ko‘p tomonlama bilim va mahoratim oshdi. Sidqidildan o‘qib-o‘rganganim va tirishqoqligim uchun komandirlarimdan maqtov ham eshitdim. Bundan ko‘nglim tog‘day ko‘tarildi va mustaqillik shodiyonalarini zafarli natijalar bilan kutib olayotganim yuragimga olam-olam zavq-shavq bag‘ishladi. Ana shu quvonch va shodliklarimiz mangu, tantanalar bardavom, qutlug‘ sana esa barchamizga omad va baxtiyorliklar olib kelishiga astoydil tilakdoshman.

Oddiy askar
Mirsaid Rahimov.



Askar maktubi

XIZMAT MANZUR BO‘LMOQDA

Salom, hurmatli tahririyat! Men oddiy askar Oybek Yuldoshev, artilleriyachilar qismida muddatli harbiy xizmatni o‘tamoqdaman. Sizga maktub yozishimdan maqsad, armiyaga kelib olgan taassurotlarim va orttirgan ko‘nikmalarim haqida o‘rtoqlashishdir.

Men askar bo‘lishga yoshligimdan qiziqardim. Shu bois jismonan tayyorlanib, kitoblar o‘qib, bilimimni oshirib keldim. Nihoyat, ko‘rik-tanlov hamda sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib, askar degan nomga munosib topildim. Bundan juda ham xursand bo‘ldim.

Avvalo bizni keng jamoatchilik ishtirokida katta tantana bilan harbiy xizmatga kuzatdilar. Xizmat joyida ham xuddi shunday bayramona tarzda qarshi olishdi. Ko‘rsatilayotgan bu kabi e’tiboru g‘amxo‘rliklardan biz yosh askarlarning ko‘nglimiz g‘oyat to‘lqinlanib ketdi. Komandir va boshliqlarning yordami, akalarcha g‘amxo‘rligi bilan shu tariqa hech qiynalmay armiya hayotiga ko‘nikib, xizmatni boshlab yubordik. Qismimizdagi inoq va sog‘lom do‘stona muhit, o‘zaro hurmat-izzat hamda tartib-intizomning qat’iy amal qilishi barchamizga ma’qul bo‘ldi. Ayniqsa, ofitserlarning birinchi yordamchilari sanalgan serjantlarning har tomonlama bizni tushunib, doimo ko‘makka shay turishi, olib borilayotgan islohotlar sabab barcha jabhada sifat o‘zgarishlari hamda qulayliklar amalga oshirilayotgani, shuningdek, askarlar uchun belgilangan imtiyozu erishish mumkin bo‘lgan imkoniyatlar haqida boxabar bo‘lgach, qanchalar mas’uliyatli va sharafli kasb sohibi bo‘lganimizni chuqur tushunib yetdim.

Posbonlar uchun qulay shart-sharoitlar yaratilgani, o‘quv adabiyotlari deysizmi, gazeta-jurnallaru tele va videoapparaturalar ham ixtiyorimizga berilgani, ovqatlar, yotoq va maishiy xizmat ko‘rsatish kabilarning ham sifati yuqoriligi maqtovga sazovor jihat, deb o‘ylayman.

Ayni paytda har taraflama bilim va mahoratimizni oshirib, tayyorgarliklarimizni mustahkamlayapmiz. Ijtimoiy-siyosiy, jismoniy va jangovar-texnik tayyorgarliklar hamda dala-o‘quv mashg‘ulotlarida ko‘p narsa o‘rgandim. Harbiylikni kasb etgan o‘g‘lonlarimizdagi o‘ziga xos, havas qilsa arzigulik sifatlar, ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar hamda qismimiz hayotidagi ko‘pgina voqea-hodisalarni kuzatib yurib mulohaza qildimki, bu soha har tomonlama mukammal va yuksak obro‘-e’tiborli ekan. Armiyaga kelgan har qanday o‘g‘il aslo afsuslanmasdan, aksincha xursand bo‘lishiga amin bo‘ldim.

Oddiy askar Oybek YULDOSHEV.

Sarkardalar sabog‘i

SIPOHGA TANHO VA ULUFA TAQSIMLASH TUZUGI

Amr qildimki, piyodalar, qalaqchilar, yasovullar, chopovullarning bir yillik maoshlarini hisoblab, belgilangan mablag‘ni devonxonaga keltirib, shu yerda ularga ulashtirsinlar. Bulardan boshqa sipohiylar va bahodirlarning olti oylik maoshini ham hisoblab, tanho xazinasidan olib berishni buyurdim.

O‘nboshi, yuzboshilarga maosh shahar omonligi xazinasidan va podsholik mulki daromadidan naqd pul hisobida yozilsin. Mingboshilarga viloyat ichidagi yerlardan tiyul bersinlar. Amirlar va amir ul-umarolarga esa sarhad yerlardagi viloyatlardan biri tiyul qilib belgilansin.

Viloyatlardan tushgan daromadlarni ushbu yo‘sinda taqsimlashni buyurdim:

Viloyatlar va mamlakatlardan olingan jami daromadni taqsimlab, maosh berish yorliqlariga biriga kam, biriga ortiq qilib yozsinlar. So‘ng yorliqlar devonxonaga keltirilsin. Amirlar va mingboshilar shu yorliqlardan birini chiqarib olsin. Agar yorliqda maoshidan ortiq (ko‘rsatilgan) bo‘lsa, boshqani o‘ziga sherik qilsin. Bordiyu kam bo‘lsa, uni qo‘yib boshqa yorliq tortib olsin.

Yana hukm qildimki, amirlar, mingboshilar raiyatdan molu jihot yiqqanlarida, xirojdan ortiqcha sovariy, qo‘nalg‘a va shilon talab qilmasinlar.

Tiyul qilib berilgan har bir mamlakatga ikkitadan vazir tayinlasinlar. Biri viloyatdan yig‘ilgan mollarni yozib, raiyat ahvolini tekshirib tursinki, jogirdor fuqaroga jabr-zulm yetkazib, ularning holini xarob etmasin. U viloyatdan yig‘ilgan butun mol-ashyolarni kirim daftariga yozishi lozim. Ikkinchi vazir esa, (daromadning) xarj etilgan qismini chiqim daftariga yozsin va (yig‘ilgan mollardan) sipohiylarning maoshiga taqsim qilsin. Qaysi amirga tiyul berilar ekan, uni uch yilgacha o‘z holiga qo‘ysinlar. Uch yil o‘tgandan so‘ng uni tekshirib ko‘rsinlar. Agar mamlakat obod, raiyat rozi ekan, shu holicha qoldirsinlar. Agar ahvol bunga xilof ravishda bo‘lsa ul viloyatni xolisaga o‘tkazib, uch yilgacha o‘sha jogirdorga ulufa berilmasin.

Yana buyurdimki, xirojni raiyatdan kaltaklash va savalash yo‘li bilan emas, balki ogohlantirish, qo‘rqitish va tushuntirish yo‘li bilan undirsinlar. Qaysi hokim hukmining ta’siri cho‘p va kaltaklash ta’siridan kamroq bo‘lsa, unday hokim hukumat yurgizishga yaroqsizdir.

“Temur tuzuklari”dan.

ILG‘ORLIKKA INTILAR POSBON

Bugun shuni ishonch bilan aytishimiz mumkinki, armiya maktabi har bir yigitning katta hayotga qadam qo‘yishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada Prezidentimiz Islom Karimov Vatan himoyachilariga yo‘llagan bayram tabrigida shunday deydi: “Farzandlarimiz armiya safida harbiy mutaxassisliklarni egallash bilan birga jismoniy va ma’naviy jihatdan chiniqib, irodasi toblanmoqda, qat’iy hayotiy pozitsiyasi shakllanmoqda, eng muhimi, ular Vatan himoyasi uchun doimo tayyor turadigan fidoyi insonlar bo‘lib kamol topmoqda”.

Buni oddiy askar Meros Ametov misolida ko‘radigan bo‘lsak, yigit muddatli harbiy xizmatga qadar biror jiddiyroq kasbni tanlab ulgurmagandi. Axir, bekorga armiya hayot maktabi deyilmaydi-da. Meros bu yerda ko‘p narsalarni o‘rgandi. Hamisha hushyorlik, boshqalarga kerak vaqtda yordam berish, jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlikda doimo oldinda bo‘lishga intilish, berilgan vazifalarni aniq va puxta bajarib, harbiy jamoa mavqeini oshirishga hissa qo‘shish, xullas, bir so‘z bilan aytganda, askarlik mas’uliyatini yurakdan anglash, muqaddas burchni sharaf bilan o‘tashida o‘ziga xos zamin bo‘ldi.

Yigitning xizmatga kelgan paytidagi biroz hayajon, xavotir o‘rnini esa ayni damda dadillik va haqiqiy posbonga xos bo‘lgan qat’iyat egalladi. Bu yerda olgan saboqlari besamar ketmagan. Hatto siyosiy bilimlari ham bir qadar oshgan. Meros yurtimiz va jahon sahnida bo‘layotgan har bir voqea-hodisa haqida mulohazakorlik bilan fikr bildiradi.

– Mustaqillik bu – shunday ulug‘ so‘zki, uni tilga olganda o‘zingizni yanada mag‘rur his qilasiz, – deydi posbon Ametov. – Ayni damda istiqlolimizning 16 yillik to‘yini munosib kutib olish uchun shu zaminda tug‘ilib o‘sgan har bir fuqaro astoydil harakat qilmoqda. Borgan sayin jahonda obro‘yi ortib borayotgan mamlakatimizning mustaqillik kunini biz o‘zimizning jangovar hushyorligimiz bilan kutib olishga harakat qilayapmiz. Ayni damda esa buning uchun jamoamiz qizg‘in hozirlik ko‘rmoqda.

Aslida harbiy xizmatga otlanmoqchi bo‘lgan yigit armiya hayotiga moslashish uchun ancha avvalroq tayyorgarlik ko‘ra boshlaydi. Shunga qaramasdan harbiy xizmatning ilk onlari har qanday yigit uchun ham unchalik oson kechmasligi aniq. Ana shunday kunlarda harbiy xizmatning mohiyatini chuqur anglata bilgan insonlar hamma vaqt hurmat bilan tilga olinadi.

Professional asosda shakllanayotgan milliy armiyamizning tayanchi va suyanchi degan nomga har tomonlama munosib bo‘lgan posbonning kasbiy mahorati tufayli har qanday vaziyatda samarali qaror qabul qila oladigan, jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarining a’lochilari hisoblangan Jalil Anjaboyev, Doniyor Mirzayev hamda Maqsud Hayitov singari oddiy askarlar o‘quv mashg‘ulotlarida yuqori natijalarga erishib kelishmoqda.

O‘qchi-granatomyotchi vazifasida xizmat qilib kelayotgan Meros Ametov zimmasiga yuklatilgan mas’uliyatni teran anglagan holda ado etib kelmoqda. O‘quv mavsumi peshqadamlaridan bo‘lgan yigit yaqinda bo‘lib o‘tgan dala-o‘quv mashg‘ulotida ham muvaffaqiyatli qatnashib, o‘ziga bildirilgan ishonchni yana bir bor isbotladi.

Posbon mashg‘ulotlaridan bo‘sh vaqtida sport bilan muntazam shug‘ullanib turadi. Ayniqsa, futbol va voleybol uning eng sevimli sport turlaridan. Dam olish kunlari harbiy qism vzvodlari o‘rtasida uyushtiriladigan sport musobaqalarida u faol ishtirok etib kelmoqda. Jangovar shaylikni oshirishda sportning o‘rni nihoyatda ahamiyatli ekanligini anglagan posbon quroldosh do‘stlarini ham bunga da’vat qiladi.

Meros xizmatdan so‘ng O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya institutida o‘qishni niyat qilgan. O‘z o‘rnida posbon harbiy qismda tavsiyanomaga da’vogarlardan hisoblanadi. O‘zining namunali xizmati bilan ko‘pchilikka o‘rnak bo‘lib kelayotgan yigitning o‘z oldidagi dovonlarni matonat bilan bosib o‘tishiga ishonamiz.

Komiljon HASANOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

Harbiy texnika yangiliklari

KOMPYUTERLASHTIRILGAN TIZIMGA EGA

Slovakiya qurolli kuchlariga qarashli «Zuzana» rusumli 155 mm.li o‘ziyurar gaubitsa mamlakatning quruqlikdagi qo‘shinlari qurollari tarkibiga 1997 yilda kiritilgan. Slovakiya sobiq Varshava shartnomasiga a’zo mamlakatlar ichida birinchi bo‘lib NATOning 155 mm.li standartini qabul qilgan davlat bo‘ldi. Mazkur qurol gusenitsali yoki g‘ildirakli shassiga o‘rnatilishi mumkin. G‘ildirakli shassiga o‘rnatilganda asos sifatida «Tatra-815» avtomobilidan (g‘ildiraklar formulasi 8X8) foydalaniladi. Mutaxassislar ta’kidlashicha, bunda o‘ziyurar gaubitsaning harakatchanligi sezilarli oshadi (shosse bo‘ylab maksimal tezligi 80 km./soat) hamda foydalanish xarajatlari kamayadi. G‘ildirakli shassiga o‘rnatilgan bir gaubitsaning narxi 3,4-3,6 mln. AQSH dollarini tashkil qiladi. Gaubitsaning asosiy taktik-texnik tavsiflari: jangovar raschyot – 4 kishi; jangovar og‘irligi 28,6 t; stvol uzunligi 45 klb; umumiy uzunligi 12,97 m. (korpus bo‘yicha 9,89 m.), eni 3,015 m., balandligi 3,53 m., shosse bo‘ylab yurish zaxirasi 750 km., klirens 0,41 m., burilish radiusi 14 m., dvigateli – quvvati 361 ot kuchiga teng bo‘lgan 12 silindrli V-simon dizel, jangovar komplekti 40 ta snaryad; maksimal otish uzoqligi (ERFB-BB snaryadi bilan) 39,6 km., minimal – 5,9 km., maksimal otish tezligi 1 daqiqa ichida 6 ta o‘q uzish. Mashina kompyuterlashtirilgan o‘t ochishni boshqarish bort tizimiga, ommaviy qirg‘in qurolidan jamoaviy himoya tizimiga, tunda ko‘rish jihozlariga, shuningdek 12,7 mm.li pulemyot va ikkita tutun hosil qiluvchi granata irg‘itish qurilmalariga ega.

(«Zarubejnoye voyennoye obozreniye» jurnali asosida tayyorlangan).



ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

ҲАРОРАТГА ТЎЛИҚ ГЎШАДА



Оила – кишилик жамиятининг энг гўзал ва энг мукаммал ижодидир. Унда пок ва мусаффо туйғулар камол топади. Энг гўзал инсоний фазилатлар шаклланади. Шунинг учун ҳам оила жамиятнинг негизи, дейишлари айни ҳақиқатдир.

Ҳаёт ташвишлари-ю қувончларига лиммо-лим бу гўшадан ҳар бир инсон руҳий қувват, мадад олади, куч олади. Бунда эртанги кун орзулари билан келажак юз кўришади. Бобокалон ва Наргизанинг ҳаёт йўллари ҳам ана шу муқаддас гўшада туташган. Шу лаҳзада булар ким экан, деган ҳақли савол ўқувчининг хаёлидан ўтиши табиий. Офицер Бобокалон Ҳалимовнинг миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётганига ҳам ўн йилга яқин вақт бўлди. Айни кунда тиббий хизмат капитани ўз касбининг моҳир билимдони сифатида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Ҳарбийлар оиласи ҳақида гап кетганда энг аввало, уларнинг аёллари фикрига қулоқ тутганимиз ўринлидир. Ҳарбийнинг касби машаққатли ва шарафли, дея ботбот такрорлаймиз. Ана шу машаққатга, мураккабликларга уларнинг рафиқалари ҳам баробар шерикдирлар, десак, муболаға бўлмайди.

– Мен тиббиёт билим юртида таҳсил олганман, – дейди офицернинг рафиқаси Наргиза Ҳалимова. – Турмушга чиққач, фарзандлар тарбияси билан банд бўлиб, севимли ишим билан шуғулланишга имкон бўлмай қолди. Аммо мен бундан сира афсусланмайман. Фарзандлар тарбияси ҳам аёлнинг чекига тушган энг қутлуғ вазифалардан биридир. Турмуш ўртоғим хизмат тақозосига кўра кўп вақтини оиламиз учун ажрата олмайди. Аммо унинг ўрни бўлакча, таърифлаш қийин. Энг мураккаб ҳолатларда ҳам ишонч билан суянса бўладиган оиламизнинг тоғи, паноҳи деб биламан, уни. Хизматдошлари орасида ҳам, қишлоққа – ота-онамиз зиёратига борганимизда ҳам катта-кичик унга ҳурмат кўрсатганларида мамнун бўламан, ичимдан фахрланаман.

Наргиза зиёли оилада тарбия топган. Онаси мактабда муаллималик қилиш билан бирга маҳаллада қўлгул пазанда сифатида ҳам танилган. Онасининг пазандалик маҳорати Наргизага ҳам «юққан». Бу борада унга кўплар ҳавас қилишади. Биламизки, ҳаёт ҳамиша ҳам биз кутганимиздек силлиқ, бир маромда кетавермайди. Ана шундай ҳолатларда эркак ва аёлнинг ўзаро бир-бирларига ишончи, меҳр-муҳаббати ҳар қандай кўнгилсизликларнинг олдини олишга қодир. Ёш оила буни теран тушунади.

Офицер Бобокалон Ҳалимов Самарқанд вилоятининг Арабхона қишлоғида туғилиб, вояга етган. Отаси марҳум Ҳайдарқул ака оддий деҳқон бўлиб, илм аҳлларига меҳри баланд эди. Бу меҳрни болалари қалбига ҳам жо қилганди. Шу сабабли оиланинг бешала фарзанди ҳам илмли, зиёли инсонлар бўлиб улғайишди. Бугун уларнинг барчаси – Офият, Жамшид, Баҳодир ва Низомиддинлар турли касбда эл хизматидадирлар. Уларнинг камолидан қувониб, оналари Мастура опа ҳам қарилик гаштини суриб яшамоқдалар.

– Онам, ягонагинам... – дея меҳр билан онаси ҳақида гапиради Бобокалон. – Оддийгина, умр бўйи қўли дала ишларидан бўшамаган, меҳрибон, ҳузурида кўнгил таскин топадиган мунис онагинам биргина йўқловимиздан ҳам боши кўкларга етиб қувонади. Мен касбимни севаман. Одамларга ёрдамим тегаётганидан мамнунман, уларнинг миннатдорона нигоҳларидан касбим қийинчиликларини ҳам зумда унутаман. Ҳаётда одамларга кераклигингни ҳис қилиб яшашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Биз оилада опа-укалар болаликдан бир-бировимизни қўллаб-қувватлаб, елкадош бўлиб яшашга ўрганганмиз. Ота-онамнинг бу сабоғи ҳозирги фаолиятимда ҳам жуда-жуда асқотади. Ҳаётнинг мазмундорлиги оилангга, яқинларингга, одамларга ёрдаминг тегиб, керакли бўлиб яшашдадир. Офицерлик болалик орзуим бўлган.

Бу оилада икки нафар фарзанд – Интизор ва Шоҳижаҳонлар улғайишмоқда.

– Мен катта бўлсам болаларни даволайдиган врач бўламан, – дейди қора кўзлари юлдуздек чақнаб турадиган Интизор.

– Мен дадамдек бўламан, – дейди кичкинтой Шоҳижаҳон.

Жажжи инсонларнинг ўзлари каби соф ниятлари йўлдошлари бўлсин!

Улар ўзлари истиқомат қиладиган шаҳарча аҳолиси ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдирдилар. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди, яхши-ёмон кунларда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

Яқинда ёш оила турмуш қурганларининг ўн йиллигини яқинлари даврасида байрамона нишонладилар. Ўн йил катта фурсат эмас. Аммо қисқа ҳам деб бўлмайди. Улар бундан кейин ҳам ўзаро тотувликда, меҳр-муҳаббат ва самимиятга тўла ҳаётларида бундай кунларни кўп бора нишонлашлари шубҳасиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Хотин-қизлар қўмиталарида

МУТАХАССИСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Марказий Офицерлар саройида Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Хотин-қизлар қўмитасидан: эксперт Жамила Шермуҳаммедова, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Манзура Тўйчиева ва ахборот маркази раҳбари Ҳанифа Зокирова, Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодировалар иштирок этдилар.

Ҳашаматли бино залини тўлдириб ўтирган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз хизматчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар, юрт посбонларининг хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида қилинган ишлар ва айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ҳарбий қисм ва муассасалардаги маиший шарт-шароитлар ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати сингари мавзулардаги чиқишларни тингладилар.

– Бундай тадбирлар жуда самарали деб ҳисоблайман, – дейди офицер Шароф Уринов. – Аввало, зарур маълумотлардан хабардор бўламиз ҳамда уларни шахсий таркибга етказамиз. Қолаверса, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоблар оламиз.

– Дўстларим сингари мен ҳам кўплаб янгиликлардан огоҳ бўлдим, – дея ўз фикрлари билан ўртоқлашди сафарбарлик чақирувига жалб этилган фуқаро Ғайрат Шерматов. – Дарвоқе, ойлик йиғинни ўтаётган йигитларнинг юқоридаги каби тадбирлардаги иштироки ҳатто, ойлик режага киритилишидан хабарингиз бўлса керак. Давлатимиз раҳбарияти томонидан ёш оилаларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва эътибор айниқса қувонарли. Бугунги чиқишлардан бирида Юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, унга асосан ёш оилалар учун ажратиладиган имтиёзли кредит маблағлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Демоқчиманки, ватандошларимиз мавжуд имтиёзлардан фойдаланишни аллақачон бошлаб юборишган. Насиб этса, мен-да улар сафидан жой оламан.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Первый звонок

В ДОБРЫЙ ПУТЬ, В СТРАНУ ЗНАНИЙ





На торжественной линейке, посвященной 16-й годовщине независимости Республики Узбекистан, Дню знаний и началу нового учебного года, в школе №171 г.Ташкента главными героями были первоклассники, а также учащиеся девятых классов. Первым предстояло впервые открыть дверь в Страну знаний, а вторым – подготовиться к выходу во взрослую жизнь.

Первоклассники познакомились со своими учителями – Т. Вирхотуровой, Е. Абдурахмановой, Е. Деминой и Г. Мусаевой, узнали, что в их школе в 36 классах обучается 1200 человек. Десять из шестидесяти ее учителей удостоены высоких государственных наград. В школе созданы все необходимые условия для обучения учащихся, а фонд библиотеки состоит из более чем 21 тысячи учебников и свыше 49 тысяч других книг.

Ученики школы хорошо потрудились во время летней практики, самым трудолюбивым были вручены памятные подарки: ученикам 6-х классов Нодыру Мирхадиеву и Олегу Бармину, восьмиклассникам Рустаму Хайдарову и Алишеру Нормурадову, учащимся 9-х классов Динаре Башкирцевой и Ольге Ефремовой и многим другим.

Праздничное настроение всех присутствующих поддерживали выступления ансамблей «Карамельки» и «Табассум» под руководством Л. Хвориковой. Одними из самых дорогих гостей на этом торжестве стали представители Министерства обороны Республики Узбекистан. Заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Т. Хамракулов, начальник Центра духовности и просветительства Министерства обороны майор Д.Аблаев, главный методист по школьному и дошкольному образованию В. Курышева поздравили школьников и учителей с Днем независимости и началом учебного года. Под фанфары Отдельного образцово-показательного оркестра Министерства обороны заместителю директора школы Т. Пасюгиной был вручен символический ключ от только что отремонтированного здания начальной школы. За короткий срок силами оборонного ведомства были обновлены и обставлены новой современной мебелью 18 классов – отличный подарок учащимся начальных классов.

Кроме того, от имени Министерства обороны школе были вручены телевизор, музыкальная аппаратура и цифровой фотоаппарат.

Почетное право дать первый звонок было предоставлено ученику 9-го класса Дмитрию Боровскому и ученице 1-го класса Татьяне Ким. Отзвенел колокольчик, и все, от первоклашек до девятиклассников, под марш военного оркестра дружно прошли в обновленные классы.

По традиции, первый урок в школе – Урок независимости. Дети еще раз приобщатся к истории нашего молодого государства, узнают о славном прошлом и великом будущем нашего народа. С этого урока для самых маленьких виновников торжества – первоклассников – началось путешествие в Страну знаний, которую им еще предстоит открыть с помощью учителей.

Успехов вам в этом увлекательном путешествии, новых знаний и открытий!

Майор З. НУРИТДИНОВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Оила муқаддас қўрғондир. Бу қўрғоннинг қўш устуни эса эр ва хотиндир. Улар қанчалик аҳил яшашса, бу қўрғон мустаҳкамланиб бораверади.

●

Эй фарзанд, билгинки, сен ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидирсан.

●

Қуш уясида кўрганини қилади. Шу боис оилада фарзанд тарбиясига чуқур эътибор беринг.

●

Ҳеч бир ота-она фарзандига илм-маърифатдан қимматлироқ бойлик мерос қолдиролмайди.

●

Яхши оила қурмоқ учун биргина муҳаббат кифоя эмас. Ўзаро ҳурмат, ишонч ва мустаҳкам дўстлик ҳам керак.

●

Келин-куёв никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини каттароқ очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб кўрмаганга олишлари керак.

●

Оилада ўзаро меҳр-оқибатнинг устунлиги у ерда тарбия топаётган фарзандларнинг хушқулқ бўлишини таъминлайди.

ИМТИЁЗЛИ АБОНЕМЕНТЛАР

Ислоҳотлар сабаб миллий армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Амалга оширилаётган ишларимиздан кўзланган – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдек мақсадларимиз шунга хизмат қилмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳарбий ислоҳотлар Ватан ҳимоячиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бу эса ҳарбий хизматчиларимизда юртга муҳаббат, садоқат, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ислоҳотлар давомида она Ватан ҳимоячилари ва улар оила аъзоларининг маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга улкан эътибор қаратилаётганини кўриб, билиб турибмиз. Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи тантаналари арафасида бу борада яна бир эзгу иш йўлга қўйилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази – Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи бошлиғининг буйруғига биноан имтиёзли мавсумий абонементлар жорий этилди. Хўш, бу янгилик нимага қаратилган ва ундан кўзланган мақсад нимада?

Мазкур янгилик Қуролли Кучларимизда маданий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, уларни сифатли ташкиллаштиришдек мақсадга хизмат қилади. Қолаверса, бунинг замирида ҳарбий хизматчиларимиз ва улар оила аъзоларининг маънавий, маданий эҳтиёжларига улкан эътибор қаратишдек моҳият мужассам. Ватан ҳимоячиси бўш вақтини кўнгилли ўтказса, маданий, маърифий тадбирлар орқали қалбига миллий истиқлол ғояларини янада чуқурроқ сингдирса, оиласи, фарзандларининг ватанпарварлик тарбияси шаклланса, юртга янада фидойилик, янада садоқат билан хизмат қилади.

Энди мавсумий абонементлар борасида тўхталсак. Номланишидан кўриниб турибдики, улар ҳар бир мавсумга мўлжаллаб тайёрланади. Масалан, абонементлар жорий йилнинг 1 сентябридан 30 ноябригача кузги, 1 декабрдан 2008 йилнинг 29 февралигача қишки, 1 мартдан 31 майгача баҳорги, 1 июндан 30 августгача ёзги мавсум учун хизмат қилади. Мазкур абонементлар Тошкент гарнизонида хизмат қилаётган, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда юксак натижаларга эришган ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари учун Марказий офицерлар саройидаги «Кино олами» кинозалига, Марказий офицерлар саройи ҳузуридаги «Оловуддин» театрига, Марказий офицерлар саройида ўтказиладиган театр, кўнгилочар томошалари ва маданий тадбирларга, Қуролли Кучлар Марказий музейига, Қуролли Кучлар Марказий музейининг «Жасорат» боғи ҳудудидаги кинозал ва болалар аттракционларига, Мудофаа вазирлиги савдо-маиший маркази ҳудудидаги компьютер-ўйин зали ва видеопрокатга бепул кириш имконини беради. Шунингдек, таъкидланаётган абонемент Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройидаги барча ўқув ва ижодий курсларда таҳсил олишда, Марказий офицерлар саройидаги видеотека ва интернет-кафега қатнашда, Марказий офицерлар саройидаги бильярд залига қатнашда 50 фоизлик имтиёз беради.

Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозимлигига эътибор қаратган. Негаки, ҳозирги мураккаб бир шароитда ҳар томонлама етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, маънан шаклланган посбонлар халқимиз тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи бўла олади.

Шу маънода тилга олинган ташаббус, янгилик нафақат ҳарбий хизматчиларимиз ва улар оила аъзоларининг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга, балки ижтимоий ҳимоясини ҳам таъминлашга хизмат қилажак.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

Bolajonlar, sizlar uchun!

MAYIB KITOB

(Qiziq voqea)



Ikki do‘st uchrashib qolishibdi, ulardan biri:

– Do‘stim, bir qiziq hikoya o‘qidim, eshitishni xohlaysanmi? – debdi.

– Xohlayman, – debdi ikkinchisi.

– To‘rt kishi safarga chiqishibdi. Uzoq yuribdilar. Ovqatlari, suvlari tugab qolibdi. Bir joyda xaroba kulbani ko‘rib, o‘sha yerda to‘xtashibdi. Shunda sayyohlardan biri:

– Biz biror yegulik narsa topib ovqatlanishimiz kerak. Men aylanib kelay-chi, biror qushmi, hayvonmi uchrasa, ov qilib kelaman, – debdi.

U biroz yurgandan keyin oldidan bahaybat bir sher chiqib qolibdi. Sayyoh qo‘rqib, orqasiga qarab qochibdi. Sher ham och ekan, sayyohni rosa quvibdi. Sayyoh kulba tomon yuguribdi. Endi yetib kelganda qoqilib yiqilibdi.

Hikoya qilib berayotgan do‘sti to‘xtab: Sher..., sher...– dermish.

– Davom ettir, keyin nima bo‘libdi? – debdi do‘sti juda ham qiziqib.

– Do‘stim, u yog‘ini bilsam aytardim, o‘qigan kitobimning keyingi sahifasi yo‘q, yirtilgan ekan, – debdi.

– Voy, qaysi nodon kitobni yirtibdi-a? Kitob bechora mayib bo‘lib qolibdi-ku! Voqea nima bilan tugabdi-a? – deb yana qiziqib so‘rabdi do‘sti.

– Bilsam aytib berardim, aytdim-ku, kitobning sahifalari yo‘q! – debdi do‘sti.

Bolalar, o‘lab ko‘ringlar-chi, balki hikoyaning davomini siz aytib berarsiz?

10 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлилнома».
9.00 «Замин ғаройиботлари».
9.25 «Покахонтас». Мультсериал.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Паландара жилолари».
12.00 «Ассалом Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.05 «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Алдагани хотин яхши». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
15.50 «Бу менинг Ватаним!»
16.25 «Яхшилар ёди». 1-қисм.
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «Муқаддас қадамжолар».
17.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.50 «Оҳанглар оғушида».
19.00 «Бир кун».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Замин ғаройиботлари».
00.35 «Чемпион сирлари».
1.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ватанпарвар».
02.30 «Алдагани хотин яхши». Спектакль.
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

16.00 «ДАВР».
16.10 «Journal» (инглз.).
16.30 «Якшанба нонуштаси».
16.50 «Нафосат олами». Мусаввир Раҳим Аҳмедов.
17.00 «Радиодан кўрсатамиз!»
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал премьераси.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Янги мавсум туҳфалари».
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «UzEX хабарлари».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
21.45 «ТВ-банк».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.25 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Вода». Док. фильм.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Маска».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 «Мониторинг».
10.50 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати. Финал. Аёллар.
11.50 Белбоғли кураш. Республика турнири.
12.20 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Спортимиз маликалари».
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные».
23.35 Спортивная гимнастика. Чемпионат мира.

11 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
9.00 «Лафз». Телесериал.
9.40 «Болалар сайёраси»:
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Ахборот» (инглз.).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.05 «Бу менинг Ватаним!» Андижон вилояти.
15.35 «Интеллектуал ринг».
16.25 «Яхшилар ёди». 2-қисм.
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.45 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.40 «Минг бир ривоят».
18.45 «Рамазон туҳфаси».
19.10 «Олтин мерос».
19.15 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Замин ғаройиботлари».
00.10 «Лафз».
00.45 «Чуст пичоқлари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Майсаранинг иши» операси.
03.00 «Ахборот» (инглз.).
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан 11 сентябр куни. «Yoshlar» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 15.55 дан бошлайди.
15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Истиқбол тимсоллари».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Янги мавсум туҳфалари».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Ҳаёт сўқмоқлари». Шукур Бурхонов.
20.40 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
10.10 «Ўйларим».
10.20 «Интервью» (рус.).
10.30 «Саломат бўлинг».
10.40 «Туризм ҳақида».
11.10, 20.15 «ТВ-юрист».
11.20 Кино: «Маска».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.25 «ТВ-юрист».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Жозиба».
22.50 Кино: «Мексиканец».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Концерт.
10.40 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати. Финал. Эркаклар.
11.40 Белбоғли кураш. Республика турнири.
12.10 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Тет-а-тет».
19.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 Спортивная гимнастика. Чемпионат мира.
21.30 «Хабарлар» (ўзб.).
21.50 «Дела семейные».
22.45 Еврофутбол.

12 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

8.00 «Ахборот».
9.00 «Лафз». Телесериал.
9.35 Ғ.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
9.55 «Болалар сайёраси».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.05 «Бу менинг Ватаним!» Бухоро вилояти.
15.55 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»:
16.15 «Болалар сайёраси»:
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Турмуш чорраҳаларида».
18.40 «Минг бир ривоят».
19.10 «Олтин мерос».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Олам ва одам» дастури.
00.10 «Лафз».
00.45 «Ёввойи табиат тилсими».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ўзбегим ўғлонлари».
03.30 «Водий дурдонаси».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.30 «ТВ-банк».
9.40 «Нафосат олами». Мусаввир Владимир Чуб.
10.00 «ДАВР».
10.40 «Чемпион сирлари».
11.00 «Меъёр соғлиқ гарови».
11.30 «Ишкомли уй».
12.40 «Камолот» хабарлари.
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 «Эртагим-эртак»
13.50 «Бу байрам – барчамизники!»
14.00 «Гурур». Телесериал.
14.55 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
17.40 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультсериал.
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.30 «Ҳимоя».
9.45 «ТВ-юрист».
10.10 «Ўйларим».
10.15 «ТВ-юрист» (рус.).
10.25 Кино: «Мексиканец».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Вода». Док. фильм.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.50 Кино: «Персонаж».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.35 Автоспорт. Гран-при.
11.05 Волейбол.
11.45 Мини-футбол.
16.50 Футбол. Олимпиада саралаш учрашуви. Ўзбекистон – Бахрайн.
18.50 «Хабарлар» (рус.).
19.30 Футбол мундиал.
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 Енгил атлетика. Олтин лига.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Дела семейные».
22.45 «Орки. Граффити викингов». Док.фильм.
23.00 «Пеле – герой футбола». Док. фильм.
23.55 Футбол. Англия – Россия.

13 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

8.00 «Ахборот».
9.00 «Лафз». Телесериал.
9.40 «Покахонтас».
10.05 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Ахборот» (инглз.).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.05 «Бу менинг Ватаним!» Жиззах вилояти.
15.35 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
16.05 «Болалар сайёраси»:
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабули-да».
17.45 «Турмуш чорраҳаларида».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Рамазон туҳфаси».
19.05 «Олтин мерос».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Олам ва одам» дастури.
00.10 «Лафз».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
03.00 «Ахборот» (инглз.).
03.10 «Бекат».
03.35 «Назм ва наво».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Биз киммиз?»
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.30 «Чемпион сирлари».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Истиқбол тимсолларн».
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
13.50 «Бу байрам – барчамизники!»
14.00 «Гурур». Телесериал.
14.55 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Янги мавсум туҳфалари».
20.40 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.40 «ТВ-юрист».
10.05 «Ўйларим».
10.15 «Репортаж».
10.25 «ТВ-юрист» (рус.).
10.35 Кино: «Персонаж».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Вода». Док. фильм.
20.50 «Интервью».
21.45 «Ўйларим».
22.50 Кино: «Меркурий в опасности».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати.
«Севинч» – «Строитель».
10.55 Автоспорт. Гран-при.
11.25 Баскетбол. Чемпионат Европы.
12.05 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Болалар спорти.
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Жасорат».
19.10 «Шарқ яккакурашлари».
19.30 «Икки эшик ораси-да».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Формула-1».
21.30 «Хабарлар» (ўзб.).
21.50 «Дела семейные».
22.45 Еврофутбол.

14 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Биз киммиз?»
9.20 «Дунё бўйлаб».
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
13.50 «Бу байрам – барчамизники!»
14.00 «Гурур».
14.55 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «Чорраҳадаги уй».
16.10 «Journal» (инглз.).
16.30 «Якшанба нонуштаси».
16.50 «Нафосат олами». Мусаввир Раҳим Аҳмедов.
17.00 «Радиодан кўрсатамиз!»
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал премьераси.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Янги мавсум туҳфалари».
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «UzEX хабарлари».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
21.45 «ТВ-банк».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.45 «Таскин».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Биз киммиз?»
9.20 «Дунё бўйлаб».
9.40 «Нафосат олами».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
13.50 «Бу байрам – барчамизники!»
14.00 «Гурур».
14.55 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Таълим ва тараққиёт».
17.15 «Телепортрет».
17.35 «Давр-репортаж».
17.45 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
18.10 Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Катта ғалаба».
00.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.30 «ТВ-юрист».
9.55 «Ўйларим».
10.05 «Интервью».
10.15 «Иқтисод-ревю» (рус.).
10.25 «ТВ-юрист» (рус.).
10.35 Кино: «Меркурий в опасности».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Сердца джунглей».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
22.50 Кино: «Он, она и я».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00, 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
10.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати.
«Строитель» – «Андижанка».
10.55 «Ринг».
11.25 Волейбол. Чемпионат Европы.
12.05 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны».
20 45 «Спорт салтанати».
21.05 «Халқ ўйинлари».
21.50 «Учрашув».
22.50 «Танго любви». Художественный фильм.

15 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Ҳидоят сари».
9.10 «Минг бир ривоят».
9.15 «Лафз». Телесериал.
9.55 «Шифокор қабулида».
10.20 «Чинсен».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Довюрак самурай».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Дил таронаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қор қўйнида лола». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
15.25 «Болалар сайёраси».
16.35 «Меҳр кўзда».
17.15 «Саломатлик сирлари».
17.35 «Оҳанглар оғушида».
17.45 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Рамазон туҳфаси».
19.05 «Олтин мерос».
19.15 «Ҳаёт манзаралари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КИНОТАҚДИМ».
22.40 «Рўё». Бадиий фильм. 1-қисм. «Uzbekistan».
00.05 «Лафз». Телесериал.
00.40 «Марғилон».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Кинотақдим».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Чорраҳадаги уй».
8.30 «Айро тақдирлар».
9.00 «Айланай»
9.20 «Давр-репортаж».
9.30 «Парламент вақти».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Девона».
12.00 «Ишкомли уй».
12.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
13.00 «ДАВР».
13.20 «Эртагим-эртак»
13.50 «Бу байрам – барчамизники!»
14.00 «Гурур».
15.00 «ЯНГИ КУН»
16.00 «ДАВР».
16.10 «Нафосат олами».
16.20 «Чемпион сирлари».
16.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
17.00 Миллий кино: «Тоҳир ва Зуҳра».
18.40 «Каталог».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Дунё таомлари».
19.50 «Янги мавсум туҳфалари».
20.00 «Дилроз».
20.30 «Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон!»
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Бешик».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Танноз хоним».
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.30 «Маърифат фидойилари».
9.45 «ТВ-юрист».
10.20 «Нима учун?»
11.00 «Саломат бўлинг».
12.30 «Репортаж» (рус.).
13.00 Кино: «Он, она и я».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
22.50 Кино: «Смертельное оружие-4».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб.).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус.).
9.20 «Смак».
9.55 «Соғлом она».
10.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
10.45 «Путешествия натуралиста».
11.10 «Мэри Поппинс, до свидания!» Музыкальный фильм.
13.40 Баскетбол. Чемпионат Европы.
14.20 «Дув дув гап». Шоу дастури.
17.00 Футбол. «Қурувчи» – «Тўпаланг».
19.10 «Файзли ошхона».
19.50 «Стиль».
20.05 «Юлдузли матч».
20.25 «Спортколлекция».
20.45, 21.50 «Ледниковый период».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
23.20 Еврофутбол.

16 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
9.00 «Лафз». Телесериал.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Ювввошвойнинг саргузаштлари».
10.50 «Ҳандалак».
11.20 «Довюрак самурай». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Азизим».
13.30 «КиноТеатр».
13.55, 15.00 «Темир хотин». Бадиий фильм.
16.05 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Ювввошвойнинг саргузаштлари». Видеофильм. 3-4-қисмлар.
17.10 «Одами эрсанг барчамизники!»
17.30 «Оҳанглар оғушида».
17.40 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Рамазон туҳфаси».
19.00 «Олтин мерос».
19.10 «Ҳаёт манзаралари».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.10 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 «Денгиздан томчи».
22.20 «Оҳанрабо».
23.00 «Рўё». Бадиий фильм. 2-қисм. «Uzbekistan».
00.25 «Лафз». Телесериал.
01.00 «Таҳлилнома». (рус.).
01.35 «Шарқ тароналари».
01.50 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
03.20 «Оҳанрабо».
04.00 «Таҳлилнома».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 Миллий кино: «Ажойиб хаёлпараст».
8.20 «Уй масаласи».
9.00 «Рўзғор мактаби».
9.30 «Болалар даврасн».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal» (инглз.).
11.20 «Акс». Ток-шоу.
12.00 «Ишкомли уй». Сериал.
13.00 Ҳинд киноси: «Қайнота».
15.40 «Чемпион сирлари».
16.00 «Ринг қиролларн».
16.50 «Нафосат олами». Мусаввир Елена Ли.
17.00 «Чумолилар». Мультфильм.
18.20 «Камолот» хабарлари.
18.30 «Мулки мумтоз».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Эълонлар».
19.35 «Кўзгу». Ҳажвий дастур.
19.50 «Тараннум». Дам олиш дастури.
20.30 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
22.00 «Кавказ асираси». Кинокомедия.
23.20 «Тунги парвоз».
23.50 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.25 Мультфильм.
10.25 Кино: «Сиздан утина, биздан бугина».
12.30 Мультфильм.
13.35 Кино: «Смертельное оружие-4».
15.30 «Жозиба».
16.20 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.55 Кино: «На сен биласан, на мен».
19.35 «Аёл қалби».
21.00 «Туризм ҳақида» (рус.).
21.35 Кино-SMS со звездами.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб.).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус.).
9.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
12.00 «Аптека слушает».
12.45 «Назад в будущее». Художественный фильм.
14.25 ПрофРИНГ.
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» – «Қизилқум».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уник-энд».
19.40 «Тайм-аут».
19.55 Еврофутбол.
21.30 «Талқин».
22.00 «Лига выдающихся джентльменов». Фильм.

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 35-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Халоллик. Шам. Насиба. Насл. Искандар. Ҳаё. Тарнов. «ТУ». Ручка. Мискар. Шалола. Тут. Клара. Арк. Пергамент. Иморат. Сонет. Исбот. Кола. Бобо. Ўқ. Диёр. Нил. Бож. Ана. Кутубхона.

БЎЙИГА: Ҳиндистон. Лусака. Луб. Иш. Чаён. Квадрат. Камар. Зар. Тусмол. Илк. Саҳна. Шакарпалак. Ласкер. Алдаркўса. Қаттиққўллик. Баст. Мен. Асаб. Ором. Енот. Манат. Барно. Ун.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ЭРТАНГИ КУН ИШОНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиийки, ҳар бир чақирувдан сўнг амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади, хато ва камчиликлардан хулосалар ясалади. Ортда қолган баҳорги чақирув борасида ҳам атрофлича таҳлил қилиниб, соҳа мутасаддилари олдига устувор вазифалар қўйилганди. Айниқса, йўл қўйилган хато, камчиликлар, уларни бартараф этишнинг йўл-йўриқлари аниқ-равшан кўрсатиб ўтилганди.

«Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз», дейди Юртбошимиз. Ҳа, ислоҳотларимиз ана шундайин улкан самара бермоқда. Бугун зўр қувонч билан шуни таъкидлаш лозимки, муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, чақирув тизими янада шакллантирилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартиряпти. Табиийки, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Чақирув тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг заруратини, бу борадаги долзарб масала моҳиятини Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида тушунтириб, асослаб берди ва далиллар келтириб ўтди.

Биринчи далил – илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигитнинг тўлақонли билим олиши – қишки, ёзги, кузги ҳарбий тайёргарликдан ўтиши, энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун – 12 ой кифоя қилади. Энг муҳими у армияда керакли ҳарбий билим олади, ҳар томонлама пишиб, чиниқади. Бир йиллик муддатнинг етарли эканини армиядаги хизмат даври 12 ойдан ошмайдиган Германия, Дания, Испания, Польша, Австрия каби мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Навбатдаги далил эса ўғил ўстираётган ота-оналар билан боғлиқ. Таклиф айниқса, чақирув ёшидаги ота-оналар томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Негаки, фарзанди бир йилда чиниқиб, ҳаёт мактабида тобланиб, бағрига қайтади. Бу эса йигитларнинг армия сафларига янада ҳавас билан талпинишида муҳим мезон. Муддати оз бўлгани билан сабоғи улкан-да.

Хизматнинг анчагина қисқарган муддатида ҳам ёш йигитларимиз ўз ҳаётларини, ўз келажакларини белгилаб олишга муяссар бўлишмоқда. Масалан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, аъло хизматлари учун резервга тавсиянома билан бўшаган Чори Сариев яқинда чақириққача бошланғич тайёргарлик ва жисмоний тарбия факультети талабаси бўлди. Демакки, армия сабаб ҳаётдан ўз йўлини топди. Бундайин мисолларни бугун юзлаб, минглаб келтиришимиз мумкин. Хуллас, армиядан ёруғ юз билан қайтишган ўғлонларимиз олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда, халқ хўжалигининг турли соҳаларида жавлон уришмоқда. Демак, Ўзбекистонимиз учун таянч, суянч бўлишяпти. Бу амалга оширилган ўзгариш самара бераётганининг учинчи далили.

Бугун баралла айта оламизки, аскарлар жамоасида соғлом муносабатлар кучли. Хизмат муддати қисқариши шўро замонидан қолиб келган айрим носоғлом хатти-ҳаракатлар, муносабатларнинг барҳам топишини ҳам таъминлади. Бугун аскарий биродарлик кучайиб, жамоаларда дўстона муҳит барқарорлашяпти. Бу яна бир далилдир.


Тўғри, булардан ташқари йилдан-йилга тизим такомиллашуви йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Дейлик, чақирилувчининг муайян мезонларга асосланган кўрик-танловдан ўтишини олайлик. Кимдир буни олий ўқув юртларига тест топшириб, ўқишга киришдек масъулиятли, мураккаб жараёнга қиёсламоқда. Яна кимдир адолат мезонига менгзамоқда. Бир сўз билан айтганда, кўрик-танлов йигитларнинг ҳар томонлама сараланишини, миллий армиямиз сафлари асл ўғлонлар ҳисобига бутланишини таъминламоқда. Фахр, ғурур билан айта оламизки, биргина ана шу танловнинг ўзи ҳам тизимда ўзимизга хос, ўзимизга мос ислоҳотлар ўтказаётганимиздан далолат.

Ишончимиз комилки, яқинда эълон қилинган Қарор миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама соғлом, баркамол ўғлонлар ҳисобига бутлашдек устувор вазифага жойларда бундан кейин ҳам жиддий эътибор қаратишни, ҳарбий бошқарув органларининг маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан чақирув сифатини янада ошириш борасида кенг ҳамкорликларни йўлга қўйишни таъмин этади.

Шулар, яъни муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг, чақирувнинг такомиллаштирилгани, сафарбарлик чақируви резерви хизмати жорий этилгани билан боғлиқ янгиланишлар хаёлдан ўтар экан, ислоҳотлар армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартираётганини яққол ҳис қиласан, киши.

Энг муҳими, фарзандларимизнинг Қуролли Кучларимиз сафларида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаб, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланаётгани, қатъий ҳаётий позицияси шаклланаётгани, юртимиз ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топишаётганидадир. Ислоҳотларнинг бундайин самараси эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



НЕЗАВИСИМОСТЬ: ВЕЛИКИЕ СВЕРШЕНИЯ ВЕЛИКОГО НАРОДА

(Окончание. Начало на 1-й и 2-й стр.).

Огромное принципиальное значение в деле укрепления демократических реформ имеет принятый Закон «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны». Уже сегодня заметно возросла роль партий в жизни страны. Они становятся важнейшим инструментом повышения политической и общественной активности граждан, выражения их воли и мнений, особенно в период выборных кампаний и формирования органов государственной власти в центре и на местах. Возрос их вес и в парламентской деятельности.

Реализована новая концепция реформирования и либерализации судебно-правовой системы, осуществлена глубокая либерализация уголовных наказаний. Огромное общественно-политическое и международное значение имеют принятые Законы «Об отмене смертной казни» и «О передаче судам права выдачи санкций на заключение под стражу».

Большое внимание руководство республики уделяет развитию сети негосударственных некоммерческих организаций, средств массовой информации, повышению их роли в жизни общества.

Одним из важнейших приоритетов нашего государства является развитие экономики. Сегодня ВВП в Узбекистане, по сравнению с 1990 годом, возрос в 1,3 раза. Следует особо подчеркнуть, что в решении проблем экономики огромное значение имели **структурные преобразования на основе новейших технологий.** Результаты структурных преобразований позволили нам обеспечить стабильно высокие темпы роста экономики и кардинально решать проблемы социальной политики, роста благосостояния народа. Так, по сравнению с 2000 годом, реальные доходы населения возросли в 2,5 раза. Последовательно улучшаются качество и условия жизни населения, улучшается здравоохранение и охрана здоровья людей. И как следствие этого, увеличилась продолжительность жизни населения с 67 в 1990 году до 72,5 лет в 2006 году, в том числе мужчин – с 66 до 70 лет, женщин – с 70 до 74,5 лет.

Говоря о реализации стратегии развития страны в начале XXI века, глава государства считает необходимым обратить внимание, прежде всего, на следующее.

Во-первых, не упиваясь успехами, нам необходимо ставить перед собой более высокие рубежи и долгосрочные благородные цели. Первостепенной задачей было и остается повышение жизненного уровня и благосостояния народа. В частности, повышение в течение ближайших трех лет размеров заработной платы рабочих и служащих, пенсий, пособий и стипендий в 2 – 2,5раза.

Во-вторых, обратить особое внимание на реализацию принятых за последние годы правовых норм по дальнейшей либерализации политической и экономической жизни, расширение полномочий политических партий, обеспечение прав и свобод человека, совершенствование судебно-правовой системы.

В-третьих, не забывать о существовании различных угроз человечеству, работать над укреплением мира, спокойствия и стабильности в стране, не ослабляя внимания, чуткости и бдительности, как зеницу ока оберегать наши рубежи, достойно противостоять любым опасностям, повышая нашу мощь и силу.

В-четвертых, открыть более широкую дорогу молодым. Воспитать их духовно богатыми личностями, обладающими современными знаниями, опытом и самостоятельным мышлением, создать им все условия для обретения достойного места в обществе.

В-пятых, важнейшая задача – бережное сохранение мира и гражданского, межнационального и межконфессионального согласия, укрепление дружбы и сотрудничества с дальними и ближними соседями, укрепление в обществе атмосферы доброты, милосердия и толерантности.

Таковы сегодня первостепенные задачи нашего общества и государства. Они воспринимаются всем народом и воинами Вооруженных Сил как нравственный наказ, как программа дальнейших преобразований.

Сегодня в войсках идет напряженная боевая учеба. Осуществляются мероприятия в рамках углубления военной реформы, в решении задач дальнейшего повышения боевой готовности, бдительности и боевой настороженности. В семнадцатый год независимости мы вступили обновленным, динамичным обществом. И какой бы сложности ни были предстоящие задачи, воины-узбекистанцы убеждены – они будут выполнены.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ВАТАН ТУЙҒУСИНИНГ БЕНАЗИР ТАРАННУМИ



Истиқлол номли улуғ неъматимиз ўн олти ёшга тўлди. Ҳар бири асрга татигулик изланиш, ислоҳот, эврилиш, тараққиёт йиллари. Одамзод баъзан эришган ютуқларини писанд қилмай қўяди. Гўёки осонликча эришилгандай туюлади. Бироқ ортига ўгирилиб, тарихга бир назар ташласа, бу кунлар ўтмишда қўл етмас мўъжиза, бахт, орзу-армон бўлганлигини чуқур ҳис этади ва унинг қалбини шукрона туйғулари чулғаб олади. Истиқлолгача халқимиз кечмишида мустақиллик учун кураш, эрк, озодлик, миллий уйғониш ҳаракатлари кўп бора такрорланган. Лекин ҳамиша ҳам муваффақиятга эриша олмаган.

… Бунда одам хор бўлган кунлар,
Эрксизликдан чиққан якунлар
Оинада бўлган намоён,
Жилва қилган мустабид даврон…

1970 йиллар ана шундай миллий уйғониш ғоялари пишиб етилган, афкор омма орасида ҳамда матбуот саҳифаларида учқунлаган ғаройиб давр бўлган эди. Мазкур ўн йилликнинг бошларида Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидалари ва яна бошқа туркум-туркум ҳурфикр шеърлар, бадиалар, зиёлиларнинг жўшқин чиқишлари майдонга келдики, улар мустабид мафкура исканжасидан қандай йўл топиб чиқиб кетганига ҳозир ақл бовар қилмайди. Албатта, бу мутафаккирларимиз ўз асарлари учун тегишли идоралар олдида жавоб берганлар. Миллий уйғониш ҳаракатлари устомонлик билан жиловланган.

Мендан баъзан талабаларим: «Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов қайси хизматлари учун Ўзбекистон Қаҳрамони бўлишган?» деб сўраб қолишади. Халқимизнинг эрталаб бу фарзандлари ҳали Совет империяси гуркираб турган замонда «Ўзбегим» ва «Ўзбекистон» қасидалари ва шуларга ғоявий ҳамоҳанг яна ўнлаб асарларни республика матбуоти орқали очиқ-ошкора эълон қилишлари, нашр этишлари, оммавий минбарлардан баралла жаранглатиб ўқишлари ҳақиқий қаҳрамонлик, жасорат, матонат намуналари эди. А.Ориповнинг «Ўйларим» (кейинчалик тўла ва тўғри эълон қилинишича–«Сароб») шеърида «Ў Абдулла, кўзларингни очиб қарагин», дея ҳайқириғиданоқ бутун миллатнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетган. Бундай асарлар халқимиз руҳиятида эрк ва истиқлол туйғуларини тарбиялаган, мустақиллик учун маънавий замин ҳозирлаган.

«Ўзбегим» ва «Ўзбекистон» қасидалари мустақил Ўзбекистоннинг норасмий, ёндош мадҳиялари сифатида халқимизга беминнат хизмат қилиб келмоқда, десам тўғри бўлар. Ҳар иккала қасидага ҳам маҳоратли хонандаларимиз томонидан муносиб куй басталаниб, юксак миллий ифтихор туйғулари билан тараннум этилган. Ана шу қўшиқлар мустақиллик байрами кунларида ва доимий равишда радио-телевидение орқали эшиттириб борилса, мустақиллик маънавияти ҳамда миллий истиқлол ғояларини кенг халқ оммаси онгига сингдиришга муҳим бир омил бўларди.

Мазкур қасидалар адабиётшунос ва мунаққидларимизнинг махсус таҳлил ҳамда талқинларига асос бўлган. Аммо адабиётимиз бисотида «Ўзбегим» қасидаси – мантиқан, ғоявий-бадиий жиҳатдан такомиллаштирилган мукаммал бир мухаммас мавжудки, у ҳанузгача махсус таҳлил ва талқинга сазовор бўлган эмас. Биз ушбу мақоламизда шунга баҳоли қудрат саъй-ҳаракат этмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ишлаган кезларим ҳар йили Она тили байрамини ташкил этар, тадбир дастури доирасида Ватан, Истиқлол, она тилимиз ҳақидаги энг сара асарларни иқтидорли тингловчиларга ёдлатар ва ижро эттирардик. Навбатдаги тадбирда шогирдлардан бири Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасига боғланган мухаммасни тўлиқ ёддан айтиб берди. Мен аввалига 30-40 ёш оралиғидаги раҳбар-тингловчининг бундай катта ҳажмли асарни уддалаб ижро этишига ишонқирамаган эдим. У эса қойилмақом эплади. Академия раҳбаридан тортиб, бутун тингловчилар жамоаси қилт этмай тинглади. Бу тингловчи салоҳиятидангина далолат эмас, балки асар бадиий таъсирчанлигининг ҳам муҳим кўрсаткичи эди.

Маълумки, Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси ҳажман 26 байт – 52 мисра. Унга Хоразмнинг ҳассос шоири Эркин Мадраҳимов мухаммас боғлаган, мухаммаснинг ҳажми эса 26 банд – 130 мисрадир. «Ўзбегим» қасидасининг ўзи ҳажман катталиги учунгина эмас, балки мазмунан чуқур ва теранлиги учун ҳам достондек салмоққа эга. Асарнинг ҳар байтига яна уч мисрадан боғлангани боисидан, у ғоявий мазмун жиҳатидан янада кенгроқ кўлам касб этган.

Эй, менинг садпора халқ –
мозийси армон, ўзбегим,
Ўтмиши гирён, дили хун,
бағри бирён, ўзбегим,
То ҳануз ўзликдин ўзга,
лолу ҳайрон, ўзбегим,
Тарихингдур минг асрлар
ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Мухаммас санъатининг нозиклиги ва мураккаблиги шундаки, танланган байтга олдиндан боғланадиган уч мисра байтни тўлдириши, изоҳлаши, шарҳлаши ва унда акс этган фикр-ғояга мантиқий асос, бошланма вазифасини бажариши лозим. Байт ва боғланма мисралар шундай уйғунлик касб этиши керакки, гўёки вужудга келган банд бир қалб ва бир қаламдан илҳомнинг бир мавжи билан қуйилиб чиққан яхлит асардек таассурот уйғотиши зарур. Э.Воҳидов қасидасининг матла байтига Э.Мадраҳимов боғлаган мисралар ана шундай бадиий бутунлик касб этган.

«Ўзбегим» қасидаси халқимизнинг қадим тарихини тавсиф этиши билан ҳам ўзига хосдир. Ушбу тавсиф миллий ифтихор туйғулари билан кўтаринки пардаларда куйланади. Хоразм ва хоразмликларда миллий ифтихор туйғуси билан бирга маҳаллий ифтихор туйғуси ҳам жуда кучли. Шу боисдан Э.Воҳидов мисраларига Э.Мадраҳимов сатрлари маҳаллий ифтихор туйғулари билан жўровоз бўлади:

Миллатимдур кўп қадим,
очунда машҳурдир оти,
Бир замон оламни тутди
хоразмнинг шуҳрати,
Мисли бир шарбат эди
Жайҳун билан Сайҳун тоти,
Сўйласин Афросиёбу
сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
битта маржон, ўзбегим.

Шўро даврида ўз тарихи, наслу насаби билан фахрланиш, талмеҳ санъати воситасида мумтоз авлод-аждодларини шафе келтириш имконсиз эди. Бу ҳукмрон мафкура томонидан миллатчилик дея баҳоланарди. Бунга журъат қилган ижодкорни таъқиб, тазйиқ ва ҳаттоки, шафқатсиз қатағон кутарди. Қасида ва мухаммас муаллифлари бундай хавф-хатардан тап тортмасдан ўзбек наслининг тарихий ибтидоси ҳамда сулолавий силсиласи улуғворлигини баралла куйлаганлар:

Наслимиз Одам ато,
момо Ҳаво зурёдидан,
Бул ҳақиқат чиқмагай
асло башарнинг ёдидан,
Доно эл кечмас сира
машҳури олам зотидан–
Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фароб авлодидан,
Асли насли балки ўзлуқ,
балки Тархон, ўзбегим.

Бундай фахрия нидолар совет мафкураси ҳукмронлик қилган тарихий даврда биринчи марта мардонавор жаранглаган эди. Бу мазлум миллатга ўзлигини танитиш, ўзликни англашга даъватнинг жанговар бадиий ифодаси эди.

Ўзбек халқининг босқинчилар зулми остидаги қонли кечмиши: «Йиғлади ҳолингга маймун, йиғладинг неча замон, Қисматинг бўлди сени ҳар гал ёмондин ҳам ёмон, Зарб қадалган найзалар қонинг оқизди ҳар томон, Ёғди тўрт ёндин асрлар бошинга тийри камон, Умри қурбон, мулки толон, юрти вайрон, ўзбегим» мисраларида мунгли изтироб ва ғам-алам билан тасвирланади. Ҳолбуки, кейинги бандда ҳақли ифодаланганидек, тарихда ўзбек элати бирорта халқнинг бошига босқинчилик дағдағаси билан қамчи кўтариб бормаган, бирор миллатнинг мулку мамлакатини ғорат этмаган. Билъакс, зулмга қарши мудом Ватан мудофааси, эрк ва озодлик учун курашиб яшаган:

Сурмадинг сен от Ажамга,
Хож сари, сен юртмадинг,
Бормадинг мўнғул томон сен,
сен юнонни урмадинг,
Қамчи сермаб боши узра
Шомга асло тегмадинг,
Давр зулмига валекин
бир умр бош эгмадинг,
Сен–Муқанна, сарбадорсан,
эрксевар қон, ўзбегим.

Ушбу сатрларда ўзбек миллати менталитетидаги зулмга нисбатан исёнкорлик, эрксеварлик каби асл фазилатлар беназир самимият билан акс эттирилган.

Э.Воҳидов ўзбек олимларининг дунё илм-фанига муносиб ҳисса қўшганларини биргина Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» жадвали тимсолида васф этиб ўтган бўлса, Э.Мадраҳимов бу ғояни такомиллаштириб, ўзбек даҳолари жаҳоншумул кашфиётларининг занжирий ифодасини яратади:

«Ал-жабр» ўргатди бизга
«ноль» рақамнинг сирларин,
«Ер–думалоқ» деб Беруний
мерос этди дафтарин,
Доғда қўйдинг юрт очиб
Колумб деганларнинг барин,
Туздию Мирзо Улуғбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига
илк қўйди нарвон, ўзбегим.

Мазкур қасида ва мухаммасгача миллий алломаларимизнинг оламшумул кашфиётлари бу қадар ошкора ҳамда дадил мадҳ этилмаган эди.

Асар Ўзбекистон мамлакати ва халқига чексиз муҳаббат ҳамда садоқат руҳи билан якунланади:

Ошиқ Эркин, яйра, қул,
халқаро халқинг шуҳрати,
Мавж уриб тошмоқдадир,
доим матонат, қудрати,
Ошаберсин муштарак
эллар ичинда ҳурмати,
Бу қасидам сенга, халқим,
оқ суту туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
ўзбегим, жон ўзбегим.

Бадиий асар қайси даврда яратилса, унга маълум даражада ўша давр мафкурасининг нуқси уриши табиий бир ҳол. Шу туфайли мухаммаснинг айрим сатрларида замона билан муросасозлик руҳияти сезилади… Лекин бу алоҳида балқиб турмайди, аксинча, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларига кўмилиб кетади.. Мухаммас Ватан туйғусини беназир тараннум этган асарлар сирасида абадиятга даҳлдордир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори.

МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

Мустақиллик Ўзбекистоннинг янги тарихини – мустамлакачилик азоб-уқубатларидан тоабад қутулиб, озодликка чиқиш, эркин ҳаёт кечириш, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлиш даврини бошлаб берган туб бурилишдир. Мустақиллик халқимизнинг озодлик, ҳуррият, эркинлик шабадасидан тўйиб-тўйиб нафас олиши, ўзининг ҳуқуқий-инсоний бахти ва истиқболини яратиш имкониятига эга бўлишидир.

Мустақиллик бизлар учун энг аввало, она заминга эгалик қилиш демакдир. Биз учун мустақиллик – ўз тақдиримизни, фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этишимиздир. Мустақиллик – миллий-демократик давлат тузумини халқимизнинг ўз хоҳиш-иродаси билан ташкил этишдир.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик бу – ҳуқуқ демакдир.

Мустақиллик – ҳар қандай халқ, элат ва миллатнинг табиий, қонуний эҳтиёжи, олий мақсадидир. Халқ учун мустақилликдан кўра ортиқ бахт, қувонч йўқ ва бўлган ҳам эмас. Мустақиллик ҳар бир инсон, ҳар бир миллатнинг ҳеч нарса билан чекланмаган чинакам эркинлигидир.

Ватан тақдири ва истиқболи, эркинлик, ҳуррият ва миллий истиқлол учун кураш туйғуси халқимизнинг қон-қонига чуқур сингиб кетган. Бизнинг ота-боболаримиз ҳеч қачон тобеликда ҳаёт кечиришга кўникишган эмас. Аксинча, қулликдан ҳокинликни ва мустақилликни, қарам ва муте бўлиб яшашдан кўра, Ватан учун жон беришни ўзлари учун шон-шараф деб билганлар.

Ўзбекистон Республикаси халқи Давлат мустақиллигига тасодифий равишда ёки бўлмаса, осонликча эришгани йўқ. Унга халқимизнинг кўп йиллар давом этган машаққатли кураши эвазига эришилди.

Истиқлол учун курашда Алимқул, Абдураҳмон офтобачи, Пўлатхон, Қурбонжон Додҳо, Дукчи эшон, Намоз ботир, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва Иброҳимбеклар халқимизга раҳнамолик қилганлар, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби мўътабар зотлар Ватанимиз, миллатимиз озодлиги деб ҳаётдан армон билан кўз юмганлар.

Биз мустақилликка эришган тарихан қисқа 16 йиллик даврда, ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз. Мустақил Ўзбекистонимиз бугун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислоҳотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, ўзига тортмоқда.


Мана шу қутлуғ айём арафасида Сиз, азиз юртдошларимни, ҳамкасбларим бўлган барча Ватан ҳимоячиларини Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллик санаси билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин.

Капитан
Қамбарали АЗИЗОВ,
Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.

Бунёдкорлик

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА



Тошкент туманидаги Ш.Салоҳиддинов номидаги 2-шифохона биноси мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги тантаналари арафасида «Нефтгазмонтаж» ташкилоти қурувчилари томонидан «Мурувваттекс» қўшма корхонаси ҳомийлигида тамоман қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу хушхабар теварак-атрофга тарқалиб кетди. Мен ҳам аввалги аҳволни кўпдан буён билганим учун янгиликларни ўз кўзим билан кўрай, деган ниятда шифохонага келдим. Бинонинг ташқи кўриниши тубдан ўзгарган. Кенг ҳовлиси ҳам катта шаҳарлардаги сўлим хиёбонлардан қолишмайди. Шифохонага йигирма йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган бош шифокор Ҳусан Ҳамидовнинг ҳам қувончлари чексиз. У қават йўлагига қадам қўйганимизда қизиқ бир воқеани сўзлаб берди:

– Яқинда шифохонамизга тез-тез келиб турадиган назоратимиздаги бемор оғзи қулоғида, атрофга аланглаганча кириб келди-да, йўлак бўсағасида пойафзалини ечиб ташлади. Пойафзалингизни ечмай кираверинг, десак унамай:

– Шундай покиза даргоҳга чанг пойафзал билан қандай кираман, – деди.

Ҳақиқатан бинонинг ичкариси ҳам ташқариси каби ҳашаматли, шинам эди. Деворлар, эшиклардаги бўёқлар ҳам дид билан танланган бўлиб, ҳар қандай одамнинг баҳри дилини очиб юборади. Беморларга яратилган шароит ҳам энг юксак талаблар даражасида десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, палаталарнинг замонавий мебеллар билан жиҳозланганини айтмайсизми. Муолажа ўтказиладиган хоналарда ҳам энг сўнгги тиббий ускуналар.

– Шифохонамиз қайта барпо этилгандан кейин айрим замонавий техникаларни тезлик билан ўзлаштириб олишга тўғри келаяпти. Шуни назарда тутган ҳолда олий тоифали невропатолог Д.Ҳамидова, 1 тоифали терапевт Г.Тожиева, олий тоифали ҳамшираларр – М.Раҳматуллаева, Ҳ.Музаффарова, М.Дониёрбековаларни навбатдан ташқари малакаларини ошириш чораларини кўрмоқдамиз. Жаҳон андозасидаги шифохонада хизмат этиш барча ходимларимиздан ҳар томонлама масъулият талаб этмоқда. Малакали тиббий ходимларимиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қатъий бел боғлаганлар. Шифохонамизнинг қайтадан барпо этилиши Тошкент туманининг миришкор ва азамат меҳнаткашлари учун Мустақиллик байрамига муносиб совға бўлди. Биз ҳомийлардан, қурувчилардан беҳад миннатдормиз, – дейди бош шифокор.

Муроджон ПАРПИХЎЖАЕВ,
Тошкент тумани.

Қаловини топса!..

ЧИҚИНДИДАН – ЁНИЛҒИ



Тежамкорлик – мақсадли фойдаланиш демак. Шунингдек, фойдалилик коэффициенти юқори бўлган самарали тадбирларни қўллаш, жумладан, вақтдан унумли фойдаланиб, кам куч ва маблағ сарфлаб, аҳамиятсиздек туюлган ашёлардан зарур маҳсулотлар ажратиб олишга эришиш истиқболли ишлар сирасидан ҳисобланади. Ана шундай тадбирлардан бири – кераксиз, дея аллақачон эътибордан четда қолган чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан ёнилғи мойлаш маҳсулотлари ажратиб олиш борасида эришилаётган ютуқли кўрсаткичлардир.

Мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар тўғрисида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари кафедраси офицер ўқитувчилари ва илмий ходимларининг изланишлари мисолида муштарийларимизга газетанинг олдинги сонларида қисқача маълумот берган эдик. Қувонарли томони, бошланган ишлар бугун ҳам бардавом олға силжиб, янги-янги ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, мазкур кафедра доценти – техника фанлари номзоди, шу билан биргаликда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-тадқиқот маркази директори Раҳим Раббимов илмий раҳбарлигида мазкур кафедра билан ҳамкорликда кўпгина ташкилот ва муассасалар билан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, билим юрти кафедраси ўқитувчилари офицерлар Ихтиёр Сафаров ва Меҳриддин Ориповлар ғўзапоядан ёнилғи олиш бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Улар шу йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, 30 дан ортиқ илмий мақолалар тайёрлашга эришдилар.

– Ўсимлик ва ҳайвон чиқиндилари, тошкўмир конлари қолдиқлари, оғир нефть ва сланецдан муқобил ёнилғи – мойловчи материаллар ва боғловчи (бириктирувчи) хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида зафарли натижага эришдик, – дейди докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турган Раҳим ака Раббимов илмий изланишлари бесамар кетмай, кўзлаган мақсадига эришаётганидан қувониб. – Аҳамиятли томони, мазкур технология ва усул билан ёнилғи маҳсулотлари ажратиб олиш тадбири МДҲ давлатлари бўйича биргина Ўзбекистонда бор. Биз учун энг қулай жиҳати, чиқиндиларни парчалаш орқали ёнилғи маҳсулотлари ажратиб олишда ортиқча энергия сарфланмайди, яъни табиий қуёш энергиясидан фойдаланиб амалга оширилади, барчаси.

Келинг, муштарийларимизга янада тушунарлироқ бўлиши учун чиқиндилардан мойлаш маҳсулотлари (автомобиль ва тракторлар учун мукобил ёнилғи мойлаш маҳсулотлари) ажратиб олиниш жараёни қай тариқа амалга оширилиши хусусида бироз маълумот бериб ўтайлик. Қуёш ёрдамида энергия ҳосил қилиш учун қуёш кўзгуларидан фойдаланилади. Яъни бу жараёнда қаварик шакллаги катта-кичик кўзгуларда нур йиғилиб, иссиқлик ҳосил қилинади ва чиқинди солинган реакторларга ўтказилади. Натижада чиқинди парчаланиб, ёнилғи ҳосил бўлади.

Чиқиндиларни парчалаш жараёнида у ерда эндотермик ва экзотермик жараён ҳосил бўлиб, экзотермик жараёнда ёнилғи ва мойловчиларнинг кимёвий ташкил этувчилари ажралиши мобайнида кучли иссиқлик пайдо бўлади. Кейин эса худди шу иссиқликнинг ўзи кейинги ҳолатларда қўшимча энергия талабига эҳтиёж сездирмай, яъни ўзини-ўзи давом эттириб, парчалашни якунига етказа олади. Қулай ва фойдали томонларидан яна бири, ушбу усул камхарж ва сафарбар (кам жой, кам куч, тезкор ва у ёқ-бу ёққа олиб юришга ҳам қулай) лиги билан аҳамиятлидир.

– Бизда ёнилғи мойлаш маҳсулотлари ажратиб олиш учун хом-ашё захираси улкан, – дейди доцент Раббимов. – Маълум бўлишича, республикамизда пахта етиштириш натижасида ҳар йили ўн миллион тонна атрофида ғўзапоя ҳосил бўлар экан (1 кг. оқ пахта ҳосилига ўртача 3 кг. ғўзапоя тўғри келади). Шундан 4 млн. тоннаси ўтин бўлаяпти, 6 млн. тоннаси эса ерда қолиб чириб кетяпти. 6 млн. тонна ғўзапояга қуёш ва иссиқлик усули билан ишлов берилганда, нефтга ўхшаган ёнилғидан 60 минг тонна ажратиб олиш мумкин. Ҳар йили қазиб олинадиган дарахт кўмири эса 18 минг тоннага тенг. Бундан эса ишлов бериб 10800 тонна газ ҳосил қилиш мумкин. Қаранг, кони фойда-ку, бу! Бундан ташқари юртимизда фойдалилик коэффициенти юқори бўлган бошқа ўсимликлар ҳам кўп. Улардан ҳам шу каби ёнилғи маҳсулотларини ажратиб олиш мумкин. Қамиш, қизилмия, юлғун (қизилсаксовул), янтоқ ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳатто, зарур бўлса сунъий энергетик плантациялар ҳам яратиш мумкин. Яъни тол, терак ва бошқа ўсимликлардан. Энг тез етиладигани ва кўзлаган мақсадда фойдаланишга ярайдиганлари – тол ва терак ўсимлигидир. Улар 4 йилдаёқ энергия ажратиб олишга тайёр бўлади. Энергия ажратиб олиш мосламасининг сафарбар ва енгиллиги уни бевосита ўша плантация майдонларига ҳам олиб бориб ўрнатиш ва ўша ердаёқ фойдаланиш имконини беради. Чунки дала кенг, қуёш эса чарақлаб турибди. Ҳеч бир қийинчиликсиз ишга киришаверасиз.

Олиб борилаётган ишлар кўлами ва самарадорлиги жиҳатидан салмоқли эканини тадқиқотчиларнинг изчил изланишларидан ҳам кўриш мумкин. Мисол ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, Раҳим Раббимов шогирдлари билан шу кунгача мазкур соҳага доир Ўзбекистон ва Россиядан 20 дан зиёд патентлар олишга эришди. Шунинг 12 дан ортиғи 2005 – 2007 йиллар давомида билим юрти билан ҳамкорликда олинди. 12 дан ортиқ ноу-хау яратилди, 10 дан ортиқ рационализаторлик таклифлар қилинди, 10 дан ортиқ илмий рисола ва асарлар ёзилди. Шунингдек, курсантлар учун услубий қўлланмалар ҳам яратилди.

Бундан ташқари Раҳим Раббимов ва шогирди, техника фанлари номзоди Дилором Собирова иштирокида билим юрти курсантлари ва офицер ўқитувчилари билан модификацияланган битум (мум) яратилиб, шу мумни гидроизоляция мақсадида томда фойдаланиш учун ўзипорар томёпгич ускуна ҳам яратилгани навбатдаги муваффақиятли қадамдир.

– Бу модификацияланган битум мой заводи, оғир нефть ва резина қолдиқлари асосида яратилади. Ўзи юрар томёпгич ускуна билан нисбатан тез, осон, қулай ва сифатли тарзда том ёпилади (плиталарнинг ўртаси тўлдирилади), – дейди Дилором опа Собирова.

– Илмий ишларимиз ва изланишларимизни муваффақиятли олиб боришимизда Мудофаа вазирлиги ва билим юрти раҳбарияти қимматли ёрдамларини аямасдан, шароит ва имконият яратиб бермоқда. Шу боис уларга фурсатдан фойдаланиб, ташаккур билдириб қоламан, – дейди доцент Раббимов.– Олдинда режаларимиз улкан. Шулардан бири – кичик заводлар яратиш. Дастлаб билим юртида газ, ёнилғи ва мойловчи материаллар ажратиб оладиган кичик завод яратмоқчимиз. Бунинг учун шароит ҳам, куч ҳам, имконият ҳам етарли.

Бундан ташқари Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий-тадқиқот маркази доцент Раббимов раҳбарлигида билим юрти офицери Тўлқин Ҳикматуллаев билан биргаликда мойли ўсимликлар, рапос, мойли шолғом ҳамда дизель ёқилғисидан фойдаланиб, биодизель ёқилғиларини ажратиб олиш устида ҳам изланишлар олиб бораётганини айтиб ўтиш керак, албатта. Бу ерда дизтопливога ўсимлик мойини 25-50-75 % қўшиб, машинада тажрибалар олиб бориш кўзда тутилган. Муаллифлар томонидан шу кунгача биодизель ёнилғисининг захираларини ошириш мақсадида оғир нефть (мазут), иккиламчи резина чиқиндилари ва госсипон смолаларидан фойдаланиб, янги биодизель топливо ва модификацияланган битум олинишига эришилди. Эътиборли томони, бундан атрофга зарарли газлар кам тарқалади. Мазкур усулда тайёрланган биодизель топливо ҳам яқин кунларда синалай деб турибди.

Ҳа, илм-маърифат инсонни камолот чўққиси сари етаклайди. Амалга оширилган ихтироларнинг ҳам, чигал жумбоқларга ечим топишнинг ҳам ва дунё тараққиётининг асоси ҳам илмдандир. Шу боис илм барча муваффақиятларнинг калити саналади. Биз илм орқали оддийлик замиридаги улкан ҳикматни илғаган фидойи инсонларнинг бошлаган хайрли ишларига муваффақият тилаб қоламиз.

Катта лейтенант
Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Шифокор маслаҳати

ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Ҳайвонларда учрайдиган қутуриш касаллиги одамзодга қадим замонлардан маълум. Ҳатто, Афлотун одам қутуришини ҳайвон тишлаши натижасида рўй беришидан деб ҳисоблаган. Бу касалликни ҳар томонлама чуқур ўрганган олим Луи Пастердир.

Қутуриш – зооноз касалликлар гуруҳига кирувчи ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни фильтрланувчи вируслар қўзғатади ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса (қутуришга қарши эмланмаса), организмда рўй берадиган энцефалит ўлимга олиб келади.

Касалликнинг асосий белгилари марказий асаб тизимининг зарарланиши, ҳаракат мускулларининг кучли фалажи ҳисобланади.

Ит, мушук, бўри, чиябўри, тулки, кўршапалак, қуён, каламуш ва сичқонлар қутуриш вирусининг табиий резервуарлари бўлиб, хасталик ушбу ҳайвонлар тишлаганда ёки сўлаги одам баданининг шикастланган ёки тирналган жойига текканда пайдо бўлади. Касалликнинг тарқалишига айниқса, дайди итлар (шунингдек, йирик, майда шохли ва ёввойи ҳайвонлар ҳам) сабабчи бўлиши мумкин. Итлар сўлагида мавжуд қутуриш вируслари улар касалланишидан 7-10 кун илгари пайдо бўла бошлайди.

Ҳайвонлар бир-бирини тишлаши оқибатида вирус қутурган ҳайвондан соғлом ҳайвонга (одамдан-одамга эса камдан-кам ҳоллардагина) юқади. Хасталик айниқса, ёз ва куз ойларида кўпроқ учрайди.

Қутуриш вируси икки хил, яъни касалланган ёввойи ва уй ҳайвонларида учрайдиган «ёввойи» ёки «табиий» ҳамда лаборатория ҳайвонларига касаллик юқтириб олинган «вакцина штамми» турлари кўринишида бўлиб, ташқи муҳитда турғун эмас ва тез нобуд бўлади. Паст ҳароратда ва қуритилганда узоқ сақланади, қайнатилганда эса икки дақиқада ўлади.

Итларда касалликнинг яширин даври 2-8 ҳафта. Дастлаб касал ҳайвон безовталаниб, ғайритабиий ҳаракатлар қилади. Овқат емай қўяди. Кейинроқ товуши бўғилади, сув ичмайди, оғзидан кўп сўлак оқиб, ютина олмайди. Безовталаниб бошқа ҳайвонлар ёки одамларни тишлашга ҳаракат қилади. Бундай қўзғалиш давридан сўнг қутурган ит жимиб қолади ва тез орада ўлади. Умуман олганда, итнинг касалланиш муддати 10 кундан ошмайди.

Одамларда ҳам қутуриш касаллиги гоҳо учраб туради. Айниқса қишлоқ аҳолиси орасида касалланиш шаҳарликларга нисбатан кўпроқ қайд қилинади.

Одамда касалликнинг яширин даври таънинг қайси қисми жароҳатланганлигига қараб ўртача 15 кундан 90 кунгача давом этади. Қутурган ҳайвон одамнинг бошидан, юзи ёки бўйнидан тишлаганида бу давр одатда қисқа бўлиб, 10 кундан 15 кунгача, агарда оёқдан жароҳат олиниса ва шунингдек, вирус миқдори кам бўлса, аксинча бир неча ойдан икки йилгача чўзилиши мумкин.

Вирус одам организмига тушгач, асаб толалари бўйлаб бош мияга келади. Шунга кўра, яширин даврнинг муддати ҳайвон тишлаган жойга ва жароҳат ҳажмининг катта-кичиклигига қараб узоқ ёки қисқа бўлади.

Қутурган ҳайвон тишлаган жойда (ҳатто, ўрни битиб кетган бўлса ҳам) кучсиз оғриқ пайдо бўлиши касаллик бошланганидан дарак беради. Беморнинг бироз иситмаси чиқади, нафас олиши қийинлашади, безовталанади, кўпинча эшитув ва кўриш галлюцинациялари рўй беради, сўлак кўп ажралади. Ҳаво тўлқини таъсирида нафас мушаклари тиришади – буни аэрофобия (ҳаводан қўрқиш) дейилади. Сувни кўрганда эса ютиш қийинлашади. Шу боисдан қутуриш касаллигининг иккинчи номи гидрофобия (сувдан қўрқиш)дир.

Касалликнинг бошланғич даври қўзғалиш ва фалажланишнинг кечиши билан тафовут қилинади. Бошланишидаёқ беморда руҳий изтироб сезилади. У қўрқади, уйқусиз бўлиб қолади, қўрқинчли тушлар кўради, асаби беқарорлашади, сабабсиз хурсанд бўлади, иштаҳаси сусаяди, нафас олиши қийинлашиб, иситмаси чиқади.

Касалликнинг қўзғалиш даври баъзида тўсатдан бошланади. Беморнинг нутқи ҳам ўзгариб, овози бўғиқ, паст чиқади, гапирганда ҳаво етишмайди. Бемор тажовузкор бўлади, ўз кийим-кечакларини йиртиб, атрофдагиларга ҳужум қилиши мумкин.

Қутурган ит тишлаганда биринчи навбатда яранинг четини, юзасини, устини кир совуни билан яхшилаб ювиб қуритилади, сўнг жароҳатга 5 фоизли йоднинг спиртли эритмасида ишлов берилиб, енгил боғлам қўйилади ва бемор яқин тиббиёт муассасасига зудлик билан олиб борилади, сабаби, кечиктирмасдан қутуриш касаллигига қарши вакцина билан эмлаш зарурдир.

Қутуриш касаллигининг олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирларга амал қилиш керак:

– эгасиз ва дайди итлар ҳамда бошқа уй ҳайвонларининг ҳарбий қисм ҳудудига киришига йўл қўймаслик;

– бегона, дайди итлар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар тишлаганда зудлик билан тиббиёт муассасасига мурожаат этиш;

– ҳарбий қисм ёрдамчи хўжалигидаги барча уй ҳайвонларини қутуришга қарши эмлаш, агар қисмда хизмат итлари мавжуд бўлса, уларга албатта паспорт олиш ҳамда уйдаги мавжуд итларни ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш;

– ит зоти, яшаш шароитидан қатъи назар, 3 ойлигидан бошлаб рўйхатдан ўтказилиши лозимдир;

– кўп қаватли алоҳида квартирада ён қўшниларнинг, коммунал квартирада эса ушбу квартирада яшовчиларнинг розилиги билан битта ит ва мушук сақлашга рухсат этилади;

– дала-ўқув машғулотларида касалланган ёввойи ҳайвонлар, паррандалардан – ўрдак, ғоз, уй ҳайвонларидан – от, эшак, сигир, ит, туя, қуён ва бошқа сут эмизувчилар бехосдан тишлашининг олдини олиш.

Тиббий хизмат подполковниги
Баҳром ҲАКИМОВ,
Тиббий хизмат капитани
Бобомурод ТЎРАЕВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Бушуют ураганы «Феликс» и «Генриетта»

Жертвами урагана «Феликс», сформировавшегося в Атлантическом океане, уже стали 38 человек. Таковы официальные данные правительства Никарагуа, сообщает Би-би-си. Между тем, ураган «Генриетта», бушующий в Тихом океане, привел к гибели семи человек. Этому урагану присвоена первая категория опасности. Он приближается к Мексике.



Есть погибшие после налета авиации

В результате налета, предпринятого американскими ВВС на один из районов Багдада, 14 человек погибли, и девять были ранены, разрушено пять домов, передает Reuters. Под удар попал микрорайон Вашаш, расположенный в находящемся на западе иракской столицы районе. Здесь сконцентрированы боевики «Армии Махди».



Военный патруль попал в засаду

Более 40 талибов погибли на юге Афганистана в столкновениях с афганскими военнослужащими и силами западной коалиции. Очередная крупная группа мятежников была ликвидирована в провинции Кандагар. В нападении участвовали до 150 боевиков. Позиции нападавших уничтожены точечными ударами с воздуха, сообщает ИТАР – ТАСС.



Сербия не прибегнет к военной силе

Сербия не станет прибегать к военной силе в отношении Косово даже в том случае, если провозглашение независимости этого края породит проблемы в сфере безопасности для Балкан. Об этом заявил в опубликованном интервью газете «Financial Times» министр иностранных дел Сербии Вук Йереми, сообщает ИТАР – ТАСС.



«Fisker» выпустит гибридный спорткар

Компания «Fisker Coachbuild», специализирующаяся на постройке уникальных автомобилей на базе серийных «Mercedes-Benz» и «BMW», планирует дополнить свой модельный ряд экологически чистой спортивной машиной, которая станет комплектоваться гибридной силовой установкой. Новинка будет разработана совместно с корпорацией «Quantum Technologies», занимающейся созданием «гибридов» для «General Motors» и NASA.



Пищевые добавки вредны

Согласно исследованиям, целая группа добавок, используемых в напитках, печенье, конфетах и мороженом, ведет к детской гиперактивности, быстрой утомляемости и импульсивности. Больше всего вред наносится по способности детей учиться и, в первую очередь, читать, передает ИТАР – ТАСС.



Столкновение астероидов

Внезапный конец эпохи динозавров на Земле предопределило крупное космическое столкновение, случившееся 160 млн. лет назад. К такому выводу пришли американские и чешские ученые, рассказывает британская корпорация «BBC». Результаты исследований, в ходе которых активно применялось компьютерное моделирование, опубликованы в журнале «Nature».

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Теннис

ҚИТЪА РАКЕТКАЧИЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

Мана олтинчи йилдирки, теннис бўйича нуфузли турнирларидан бири ҳисобланган Осиё чемпионатига Тошкент шаҳри мезбонлик қилмоқда. Ўтган бу вақт мобайнида пойтахтимиз кортларида кўплаб теннисчилар ўз маҳоратини ошириш баробарида, айнан шу ерда Осиё теннисининг янги-янги юлдузлари кашф қилинди. Улкан тож туркумига кирувчи «Австралия опен»га йўлланмани қўлга киритиш учун бу йил ҳам қитъамизнинг етакчи «олтин тўп» усталари яна Тошкент теннис марказига жам бўлишди. 3 сентябрь куни бошланган чемпионатни вакилларимиз анча муваффақиятли бошлашди. Эркаклар беллашувларида дастлабки кундан ташаббусни ўз қўлига олган Денис Истомин ҳамда Важа Узоқовлар ўз рақибларини бирин-кетин мағлубиятга учратиб, ўзларига билдирилган ишончни оқлашмоқда.

– Бу йилги беллашувларга теннисчиларимиз кучли тайёргарлик кўришган, – дейди биз билан суҳбатда халқаро тоифадаги ҳакам Андрей Корников. – Йигитларни оладиган бўлсак, улар кортда дадил ҳаракат қилишмоқда. Шу боис биринчи босқич беллашувлари улар фойдасига ҳал бўлди. Ўз ўрнида теннис маликаларимизнинг маҳоратини ҳам алоҳида эътироф этмоқ лозим. Тўғри, ушбу чемпионатга Хитой, Япония, Жанубий Корея теннисчилари кучли тайёргарлик кўриб келишган. Юқорида номи қайд этилган юрт вакиллари теннисчиларимиз учун асосий рақиблар ҳисобланади.

Қизлар баҳсларида вакилларимиздан Влада Яхшибарова ҳамда Элеонора Ситжемилова сингари умидли ракетка усталаримиз қозоғистонлик рақибларини доғда қолдириб, навбатдаги босқичга йўл олишди. Чемпионатнинг фаворитларидан бири ҳисобланган Ирода Тўлаганова ҳам бу йилги баҳсларга ўзига хос тайёргарлик кўрган. Дастлабки рақибини осонгина ўзига бўйсундирган Ироданинг кейинги рақиблари Осиё қитъасининг кучли теннисчиларидан ҳисобланади.

– Кетма-кет олган жароҳатларим боис WTA (Халқаро аёллар теннис ассоциацияси) таснифидаги рейтингим анча тушиб кетди, – дейди Тўлаганова. – Ушбу чемпионат мен учун бир имконият. Тўғри, айни пайтда қўллаб-қувватлаш учун йиғилган жуда кўплаб мухлисларим умид билан менга кўз тикиб туришибди. Баҳслар давомида чиройли ўйин кўрсатиб, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Осиё чемпионатининг 2005 йилги ғолибаси бўлган яна бир маҳоратли теннисчимиз Оқгул Омонмуродова бу йилги баҳсларда иштирок этмайди. WTA таснифида 98-ўринни банд этиб турган ҳамюртимиз «Австралия опен» баҳсларида тўғридан-тўғри иштирок этади.

Чемпионат иштирокчиларидан ушбу нуфузли турнирга йўлланмани ким қўлга киритади, буни вақт кўрсатади.

Саида МУҚИМОВА.

Парашютный спорт

ПРОРУБИЛИ «ОКНО» В АЗИЮ

В дни празднования 16-й годовщины независимости нашей страны национальная сборная Узбекистана впервые в своей истории приняла участие в открытом чемпионате Азии, проходившем в городе Порт-Диксон (Малайзия).

В состязаниях парашютистов в небе Малайзии, помимо признанных грандов азиатского спорта, участвовали представители Египта, Украины, Австралии, в общей сложности 48 команд. Наши дебютанты сумели уже с первой попытки занять достойное место в десятке сильнейших команд континента.

Капитаном и признанным лидером сборной является мастер спорта Анатолий Бураков, имеющий в активе более 7,5 тысячи прыжков. В общий успех внесли весомый вклад и представители Военно-Воздушных Сил майор Валерий Мухин и рядовой по контракту Михаил Ленченко, в активе каждого из кандидатов в мастера спорта более двух тысяч прыжков под куполом, которые выполнены не только на состязаниях, но и в ходе боевой учебы. Обрели ценный опыт международных соревнований подающие надежды Родион Хасанов и Дмитрий Орыщак.

– Спортсмены Китая победили на чемпионате континента, – рассказывает менеджер команды Хуршид Салиев. – Нам еще много предстоит тренироваться, чтобы ярче заявлять о себе. Однако уже в Малайзии в командных прыжках на точность приземления наши ребята выступили вполне достойно.

Одновременно там же проходил Кубок независимости Малайзии, где наша команда пополнила свой багаж симпатичным трофеем. Дебютанты произвели очень выигрышное впечатление на элиту парашютного спорта. Наша команда уже приглашена на следующий чемпионат Азии, который пройдет в мае будущего года в Индонезии, а также на турниры в Австралии и Египте.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Ўзбекнинг Тўмарислари, Барчинойлари афсона эмас.

Мамлакатимизда ҳатто ўғил болалар ҳам дадил курашиб, уларнинг елкасини ерга текқиза оладиган повлон қизларимиз бор.

Турон яккакураши бўйича Ўзбекистоннинг бир неча карра чемпиони, Тошкент вилояти Касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти тизимидаги 4-БЎСМ мураббийи Маҳфуза Абдуллаева бугун нафақат спортчи, балки устоз сифатида ҳам муваффақиятларни кўзлаган. Тинибтинчимас Маҳфуза қўл жанги бўйича ҳам мусобақада иштирок этади. У яқинда Самарқандда қўл жанги бўйича ўтган жаҳон чемпионатида 2-ўринни қўлга киритди.

●

В Андижане состоялся традиционный Международный турнир «Золотая долина» по кикбоксингу.

В соревнованиях, посвященных 16-летию независимости страны, приняли участие спортсмены из Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана.

Лидерами стали молодые файтеры из Андижана, Ташкента и Оша. Такие же результаты и у спортсменов постарше.

●

Индонезия пойтахти Жакартада сузиш бўйича V Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур турнирда ўзбекистонлик ёш спортчилардан Юлдуз Қўчқорова яхши натижага эришди. У 50 ва 100 метрга чалқанча усулда сузиш баҳсларида кумуш, 200 метрга чалқанча усулда сузишда эса бронза медалини қўлга киритди. Яна бир ҳамюртимиз Алишер Амиржонов 1,5 километр масофага эркин усулда сузиш беллашувида бронза медали совриндори бўлди.

●

На завершившемся в Карши первом женском чемпионате республики по пляжному футболу неожиданностей не произошло. Представительницы профессионального футбольного клуба «Севинч» были и быстрее и точнее всех.

Этот вывод подтвердила и финальная встреча. На четыре гола «Севинча» футболистки ташкентской команды «Олимпик+» ответили всего одним. Бронзовые медали у команды «ТерДУ» (Термез).

●

Шу йилнинг 18 октябридан 3 ноябригача АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Куба бокс федерацияси мамлакат боксчилари ушбу мусобақада қатнашмасликларини маълум қилди. Федерация тарқатган хабарда айтилишича, Чикагода, шубҳасиз, кубалик боксчиларни чалғитишга, йўлдан уришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун бундай чемпионатда қатнашмаган маъқул.

●

Қаршида ITP туркумига кирувчи «Челленжер» турнири ниҳоясига етди.

Бу гал ҳам Бухородаги шундай мусобақа ғолиби, ҳамюртимиз Денис Истоминга тенг келадигани топилмади.

У финалда туркиялик иқтидорли теннисчи Марсел Илханни мағлуб этиб (6:1, 6:4), бош совринни қўлга киритди. Жуфтликлар баҳсида австралиялик Эндрю Коэлью ва Адам Феней барча рақибларидан устун келишди.

ЕСЛИ ЛЮБИШЬ ШАХМАТЫ

Центральный Дом офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан является культурным центром не только для военнослужащих, но и членов их семей.

В ближайшие дни здесь для подростков будет открыт шахматный кружок, где они могут заниматься три раза в неделю. Кроме того, детям военнослужащих предоставляются льготы.

Для записавшихся в шахматный кружок контрольный сбор состоится в Центральном Доме офицеров 14 сентября в 15.00.

Желающие заниматься в шахматном кружке могут записаться также по телефонам: 133 69 80 или 133 46 18.

Наш корр.

Вольная борьба

«ЗОЛОТОЙ» УСПЕХ АММАЕВА

Представители 60 стран приняли участие в первенстве мира среди юниоров по вольной борьбе, которое проходило в столице Китая Пекине.

В составе сборной Узбекистана в этих соревнованиях удачнее всех выступил член спортактива МХСК мастер спорта Абдулл Аммаев. Он убедительно доказал, что на сегодня в мире среди юниоров в весовой категории до 84 кг лучше армейского атлета нет. Об этом свидетельствуют и яркие победы Аммаева как в предварительных поединках, так и в полуфинальных и финальных встречах.

– У моего воспитанника высокий спортивный потенциал, – говорит тренер МХСК по вольной борьбе Владимир Орлов. – «Золотой» успех Аммаева – это результат, прежде всего, кропотливого труда, его умения работать, шлифовать свое мастерство, отрабатывать приемы сотни и сотни раз за одну тренировку. Как тренер, я должен сказать, что у Абдулла впереди большие победы.

Наш корр.

ПОЛВОН ТОҒАНИНГ ЖИЯНИ

Сурхондарёнинг кураги ерга тегмас алплари нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам маълум ва машҳур. Ўзига хос кураш мактабига эга бўлган Сурхон диёрида йигитлар ёшлигидан спортнинг ушбу тури билан шуғулланиб чиниқиб боришади. Илҳомнинг курашга бўлакча меҳр қўйишида тоғалари Рўзимад ва Сафар полвонларнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Ўтган асрнинг 80 йилларида номи машҳур бўлган бу полвонларни қўшни давлатларда ҳам яхши танишарди, маҳоратига кўпчилик тан берарди. Кўплаб мусобақаларда совриндор бўлган тоғаларига ҳавас қилган Илҳом ёшлигидан кураш билан жиддий шуғулана бошлади. Дастлаб тўйларда ҳамда халқ сайлларида бел олишиб, маҳоратини оширган йигитча аста-секин катта мусобақалар сари қадам ташлади.

– 12 ёшимда вилоят биринчилигида 45 килограмм вазнда гиламга чиқиб, олтин медални қўлга киритганим ҳали-ҳануз эсимда, – дейди Илҳом Чориев. – Беллашувнинг финалида рақибимни ҳалол мағлуб қилгач, қувончдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Бундан қувонган тоғам эса хурсандчиликдан «Ҳа баракалла, тоғасининг асл жияни-да, полвон» дея мени елкасига даст кўтариб айлантирди. Шундан сўнг бир қатор мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб, тоғамнинг менга билдирган ишончини оқладим.


1995 йил муддатли ҳарбий хизматга борган полвон йигитга командирлари ҳам қизиқиб қолди. У ўша йил мустақиллик байрами муносабати билан уюштирилган республика миқёсидаги мусобақада иштирок этиб, ўз вазни тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди. Катта ишонч билдириб мусобақага олиб борган устозининг юзини ёруғ қилган аскар шундан сўнг ўзига хос эътиборга сазовор бўлди. Аскарлик чоғида Илҳом ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик бўйича ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритиб, ўзига билдирилган ишончни янада мустаҳкамлаб борди. Ҳар томонлама сафдошларига ўрнак бўлган зукко посбонга командирлари шартнома асосида хизматини давом эттиришни таклиф қилишди. Бундан хурсанд бўлган йигит ўша оннинг ўзидаёқ Ватан учун ҳамиша хизматга тайёр эканлигини маълум қилди.

Шартнома асосидаги хизмати давомида ҳам севимли спорти билан мунтазам шуғулланган Илҳом бир қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, жамоасининг обрўйини шараф билан ҳимоя қилди. 2005 йилда округ миқёсида ҳарбийлар ўртасида бўлиб ўтган кураш мусобақасида 100 килограмм вазнда гиламга чиққан посбон ҳақиқий полвон номига муносиб эканлигини амалда исботлади. Барча рақибларини қийинчиликларсиз мағлубиятга учратган йигит биринчи ўринга муносиб топилди. 2006 йил Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган Умумармия ўйинларида ҳам юқори натижа қайд этган Илҳом жамоа ҳисобидаги медаллар сонини яна битта кумуш медал билан бойитди. Айни пайтда офицер Акбар Усмонов хизмат қилаётган ҳарбий жамоада етакчи посбонлардан бири ҳисобланган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Илҳом Чориев нафақат спортда, балки жанговар тайёргарлик бўйича ҳам илғорликни қўлдан бой бермай келмоқда. Илҳомнинг укаси Аскар ҳам ҳарбийликни шараф билган ўғлонлардан ҳисобланади. У мазкур ҳарбий қисмдаги етакчи шунқорлардан бири сифатида эътироф этилади.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аскар Чориев ҳам акаси сингари кўплаб мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган полвон ўғлонлардан.

Айни пайтда икки алп ўғлонни тарбиялаб, камолга етказган Омонгул опа фарзандларининг муваффақиятларидан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Чунки она дуосини олган йигитлар фидойи посбон сифатида эл хизматида жавлон уришмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром Абдураҳимов суратга олган.



Водное поло

В АКТИВЕ – «СЕРЕБРО»

В городе Джакарте (Индонезия) завершилось первенство Азии среди молодежи. В нем приняли участие 9 стран Азиатского континента, в том числе и Узбекистан.

Узбекистанцы в упорных состязаниях завоевали серебряные награды первенства, уступив лишь иранской команде.

Тем отраднее, что сборную Республики Узбекистан на этих престижных соревнованиях, в основном, представляли армейские спортсмены – воспитанники МХСК.

Весомую лепту в общекомандный успех внесли мастера спорта Алексей Соколов, Николай Подзолков, Данил Яковлев, Алексей Толстых, Алексей Смыкалов, Никита Полозин, кандидаты в мастера спорта Ярослав Плетнев, Виталий Маляцинский, перворазрядники Кирилл Рустамов и Ринат Гайсин.

– Наши ребята достойно боролись за награды первенства, – говорит тренер МХСК по водному поло Александр Соколов. – Я больше чем уверен, что у юных представителей армейского клуба МХСК большое спортивное будущее. В следующий раз, мы надеемся, у нас в активе будут золотые медали.

Майор
З. ХАЙРИТДИНОВ.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати

ГОЛЛАРГА БОЙ ЎЙИНЛАР

Олий лига жамоалари навбатдаги – 19 тур ўйинларини ўтказишди. Чемпионат якунланиб борган сайин учрашувлар янада қизиқарли, муросасиз тус олиб бормоқда. Мазкур тур ўйинлари эса сермаҳсуллиги билан мухлислар эътиборини жалб қилди. Ўтказилган 8 та ўйинда дарвозаларга жами 30 та тўп киритилди.

Энг йирик ҳисоб Муборакда қайд этилди. Маҳаллий «Машъал» жамоаси Тошкентнинг «Трактор» жамоасини қабул қилиб, 5:2 ҳисобида устунликка эришди. Голларга бой учрашувлардан яна бири Зарафшонда бўлиб ўтди. Бекободнинг «Металлург» футболчиларини қабул қилган «Қизилқум» рақиблар дарвозасига 5 та тўп йўллаб, меҳмондўстликни «қойил» қилди. Бекободликлар эса қуруқ қайтмасликка ҳаракат қилиб, бир гол билан жавоб беришди.

Чемпионатда якка пешқадамликни қўлга олган «Пахтакор» ғолиблик сари яна бир одим ташлади. «Андижон» жамоасини қабул қилган тошкентликлар ҳам меҳмонларни сийлаб ўтиришмади. Жароҳатдан сўнг яна сафга қайтган С.Жепаровнинг дубли, А.Солиев, З.Тожиев ва А.Клецковлар киритган тўплар эвазига «Пахтакор» ҳам йирик – 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Жорий чемпионатда «Пахтакор»га муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилаётган яна бир пойтахт жамоаси – «Қурувчи» эса ушбу турда Ғузорнинг «Шўртан» жамоасини синовдан ўтказди. Янги бош мураббий С.Ковшов қўл остида ҳаракат қилаётган ғузорликлар ўйинида анча ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Аммо рақибларига анча муаммолар туғдирган «Шўртан» футболчилари тажрибали ўйинчилардан ташкил топган «Қурувчи»га бас кела олмадилар ва 0:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Эслатиб ўтамиз, аввалги турда Қаршида «Насаф» билан учрашган «Қурувчи» 1:1 ҳисобида якунланган ўйиндан сўнг ҳакам йўл қўйган хатодан норози бўлиб, Ўзбекистон Футбол федерациясига апелляция йўллаган эди. Ўша ўйинда ҳакам Хушвақт Мухторов «Насаф» футболчиси Л.Сафаровга 2 марта сариқ карточка кўрсатган, аммо уни майдондан четлатишни «унутганди». Ушбу масала федерация йиғилишида кўриб чиқилиб, бош ҳакам 1 йил муддатга ўйинларни бошқаришдан четлатилган, ён ҳакам ва назоратчи ҳакам ҳам турли муддатга жазоланган. Ўйин натижаси ҳақида эса ҳали бирон тўхтамга келинмаган.

19-турдан ўрин олган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Тўпаланг» – «Насаф» – 1:0, «Самарқанд» – «Локомотив» – 1:1, «Бухоро» – «Нефтчи» – 0:1, «Навбаҳор» – «Вобкент» – 4:1.

Олий лига жамоалари навбатдаги тур ўйинларини 15-16 сентябрь кунлари ўтказишади.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Атлетический клуб будущего воина


МОЩНЫЕ ПЛЕЧИ – «ВИЗИТКА» АТЛЕТА

БОКОВОЙ ПОДЪЕМ В НАКЛОНЕ (с гантелями)

Боковой подъем в наклоне создает нагрузку на задний пучок дельтовидной мышцы и верхнюю часть спины.

Выполнение подъема в наклоне. Возьмите в каждую руку по гантеле. Наклоняйтесь вперед, пока ваше тело не образует угол в 90 градусов. Колени должны быть слегка присогнуты, спина – прямая. Одновременно разводите руки с гантелями в стороны. После того как будет достигнута верхняя точка подъема, опускайте гантели, сохраняя при этом контроль за движением рук с отягощениями. Сосредоточьте все ваше внимание на группе мышц, которую вы тренируете. Если ваши локти и запястья будут слегка согнуты, то вы заставите самым эффективным образом сокращаться дельтовидные мышцы, на которые не каждое упражнение способно дать нагрузку.





ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

ҲАРБИЙНИНГ ЮЗИ

Ҳарбийлик шараф. Ҳарбийлик ғурур ва ифтихор. Бу масъулиятли касб эгаси бўлишни истовчилар кўплиги ҳамда айниқса, ёшларимиз орасида унинг нуфузи тобора ортиб бораётгани Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.



Тўғри, кишининг у ёки бу касбни ихтиёр этишига одатда, бирон сабаб туртки бўлади. Ким учундир бу кейинчалик ҳаёт мазмунига айланган дастлаб қизиқиш бўлса, баъзиларни орзу-ҳавас етаклаган. Касбнинг ҳақиқий маънодаги масъулияти вақт ўтиши билан тушунилса-да, ҳарбийлик ҳақидаги илк таассурот айнан унинг устидаги либосидан бошланса, ажаб эмас. Зеро, қадамлари шахдам, хатти-ҳаракатлари дадил ва аниқ, нигоҳларида ўз кучи ва билимига бўлган қатъий ишонч, юрти ва халқига меҳр-муҳаббат акс этувчи инсон – ҳарбий либос соҳибини кўрганингизда беихтиёр унга ҳавас билан назар ташлайсиз.

Хабарингиз бор, эндиликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар уйларига янги кундалик-парад либосларида қайтмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, малакали соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ушбу либослар дизайн нуқтаи назаридан замонавий, ихчам, қулай ва сифатлидир. Бундай янгича ҳарбий либос соҳибларига кўча-кўйда кўзингиз тушгани аниқ. Миллий армиямиз сафларидан ёруғ юз ила уйига қайтаётган йигитларни кузатаётган аёлларнинг суҳбатини беихтиёр тинглаб, ич-ичимдан қувондим. Ахир бу – оналаримизнинг самимий ва юракдан чиқаётган фикрлари-да.

– Армияга кетган ўғлим ҳам мана шундай навқирон, забардаст ва кўркам йигит бўлиб қайтиб келади.

– Менинг ўғлим эса йигитлик бурчини ўтаб қайтди. Эгнидаги либоси бирам ярашганки, гўё болам ёшлигидан ҳарбий соҳа учун туғилгандек.

Ҳа, бежизга ҳарбий либосни ҳарбий хизматчининг юзига қиёслашмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, касб, соҳа ва шарафли бурч тўғрисидаги биринчи таассуротлар айнан ҳарбийнинг эгнидаги либоси, аниқроғи, унинг ораста ва тоза, саранжом кўриниши, авайлаб, муҳими, белгиланган тартибда тутилишидан келиб чиқади. Агар ушбу малага янада чуқурроқ назар ташласак, айнан шу либос унинг ҳарбий жамоаси, қисми ва қайсидир маънода бутун миллий армиямиз юзи эканлигини англатиши мумкин.

Демак, Ватан ҳимоячиси бўлиш масъулияти билан бирга ҳарбий либос кийиш маданияти, тартиби ва худди шундай масъулияти мавжуд. Қолаверса, бу бир пайтнинг ўзида мажбурият ҳамдир. Буни теран англаб, тушуниб етган ҳар бир ҳарбий хизматчи бу борада ўзи ва сафдошларига нисбатан талабчанлиги, диққат-эътиборини сусайтирмайди. Ўзининг қандай касб эгаси, ким эканлигини бир зум, бир сонияга ҳам унутмайди.

Катта лейтенант
Учқун САИДНАЗАРОВ.

ҚЎШИҚ – КЎНГИЛ МУЛКИ

Қўшиқ шундай сеҳрли оламки, уни севган қалбни бутунлай ўзига ром этиб, ҳаловатини олади. Юрагига гўзаллик, нафосат, меҳр уруғини экади ва шу меҳрни ўзгаларга улашиш учун куч-қувват беради. Айниқса, юракдан куйланган қўшиқ ғамнок дилларга ором бағишлайди. Инсон борки, ўзининг севимли машғулотига юрак қўрини беради. Ҳақиқий санъаткорлар билан суҳбатлашсангиз, қўшиқ менинг ҳаётим, у умрим мазмунига айланган, деб жавоб беришади. Санъаткор куйсиз, қўшиқсиз ҳаётдан завқ ололмайди. Шу сабабли, ҳақиқий санъаткор яратаётган ҳар бир қўшиғини чин дилдан ижро этади. Чунки у куйлаётган ана шу қўшиқлардан қалби таскин топади.



Санъатнинг сеҳрли ва сермашаққат оламида ижод қилаётган хонандалардан бири Озодбек Назарбековни барчамиз моҳир санъаткор сифатида тан оламиз ва қўшиқларини севиб тинглаймиз. Унинг қўшиқлари содда, равон, халқона ва дардчиллиги билан ёшу қарининг кўнглидан жой олган. «Йилнинг энг яхши қўшиқчиси» номинацияси ғолиби бўлган Озодбек Назарбеков бутун диққат-эътиборини санъатга, ижодга ва шу йўл билан халққа сидқидилдан хизмат қилишга қаратган. Президентимиз Фармонига кўра хонанда Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

– Давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай эътиборни мен ижодимга берилган юксак баҳо, деб биламан. Бундан мен жуда хурсандман. Ҳар қандай санъаткор учун халқнинг назарига тушиш энг катта орзу ҳисобланади. Мен ҳам санъатга кириб келганимдан бошлаб фақат ана шу орзуга етишиш учун тинмай меҳнат қилдим. Ижодимни бойитишга, дилга яқин тароналар яратишга ҳаракат қилдим. Мана бугун интилиш ва изланишларим самараси ўлароқ, эл-юрт олдида ҳурмат ва эътибор топдим. Бу ҳам бўлса мустақиллигимиз шарофати, деб биламан. Чунки мустақиллик туфайли мамлакатимизда ижод қилаётган барча санъаткорлар эъзоз топаяпти, хизматлари давлат томонидан рағбатлантириляпти ва шу билан бирга янги-янги истеъдодлар юзага чиқиб, уларнинг ижод қилишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратиляпти. Эътибор – санъаткорга куч-қувват ва ижодий илҳом бағишлайди. Янги-янги қўшиқлар яратишга ундайди. Мен ҳам билдирилган ишончни оқлашга ва мухлисларим кўнглидан янада чуқурроқ жой олишга ҳаракат қиламан.

Озодбек Назарбеков айни меҳнат қилиб толмайдиган, шижоати қайнаган ёшда. Унинг ижодий изланишлари кўлами ва репертуари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ҳар йили мухлисларини хурсанд қилиш учун янги ва бетакрор қўшиқлар тақдим этишга интилаётган хонанданинг парвози юксак эканига ишонамиз. Шундай экан, йиллар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмай, қалбимиз мулкига айланиб бораётган қўшиқлари билан юрагимиз тўридан жой олиб бораверади. Чунки бугунги эстрада санъатида Озодбек Назарбековнинг ўз ўрни, мавқеи ва ижод йўли бор. Биз хонандага бу йўлнинг янада ойдин ва нурафшон бўлишини тилаб, унвон муборак бўлсин, деб қоламиз.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

РЕЖАЛАР – УЛКАН

МК «Ватанпарвар» ташкилоти Ғузор тумани кенгаши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортнинг техник-амалий турларини ривожлантириш, республика мудофааси қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Бу ерда вояга етмаган ёшлар билан ишлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Шу пайтгача ташкилот 45 нафар ўсмирни спорт секцияларига жалб қилди. Айни пайтда уларнинг спорт, техникага бўлган қизиқишларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай тадбирлар шубҳасиз ўз самарасини бараётир. Кенгашимиз асосан туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман мудофаа ишлари бўлими, ИИБ, халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боради.

«Ватанпарвар» ташкилотида жорий йилда иккита «ВС»тоифали гуруҳда 60 нафар ўқувчи, «В» тоифали гуруҳда 90 нафар ўқувчини ўқитиш режалаштирилган. Бу ерда секцияларда қатнашаётган ёшлардан бир нечтаси вилоятда ўтказилган мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Албатта, бундай юқори кўрсаткичларнинг қўлга киритилишида ўқув спорт техника клуби мураббийларининг, ходимларининг хизматлари катта. Хуллас, ташкилотда иш қизғин. Мустақилликнинг 16 йиллигини муносиб қаршилаган «Ватанпарвар» ташкилоти Ғузор тумани кенгаши аҳил жамоаси ўз олдидаги вазифаларни аъло даражада уддалаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Олимжон ҒАФФОРОВ
Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ғузор тумани кенгаши раиси.



Гўзаллар саҳифасининг бу галги меҳмони латофатли ва соҳибжамол қиз – Дурдона Ҳасанова. У табиат ва санъат шайдоси. Айни пайтда пазандалик соҳасини ўрганиб, билимини оширяпти. Келгусида кўзлаган эзгу нияти – илм ўрганиб, юксак чўққиларни забт этиш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Халқимизда «Гул ўсса – ернинг кўрки, қиз ўсса – эднинг кўрки», деган мақол бор. Мақол қизларнинг нафосатга қиёс қилиниши билангина эмас, миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан уларга боғлиқлиги билан пурҳикматдир. Шунинг учун ҳам қизлар тарбиясига элимизда алоҳида аҳамият берилади.

Қиз болани ҳаётга ҳар томонлама етук ва мукаммал қилиб тайёрлашда асосий эътибор унинг жисмонан соғлом ривожланишидир. «Соғлом танда – соғ ақл», деб бежиз айтилмаган. Соғлом аёлгина миллатга соғлом фарзанд ҳадя эта олади.

Кузги чақирув олдидан

ИМТИҲОНЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРИШМОҚДА

Айни пайтда Мустақиллик байрамимизнинг 16 йиллик тантаналарини муносиб кутиб олишган МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашига қарашли Тошкент бирлашган техника мактабининг курсантлари битирув имтиҳонларини топширишмоқда.

– Курсантларимиз имтиҳонларга жиддий тайёргарлик кўришган, – дейди биз билан суҳбатда мактаб бошлиғининг ўринбосари истеъфодаги полковник Риҳсибой Солихов. – Чунки миллий армиямиз сафларига отланиш арафасида турган бу ўғлонлар ўз имкониятларини намойиш қилиш баробарида жанговар сафга қай даражада тайёр эканликларини ҳам кўрсатишлари лозим.

Имтиҳонлар полигонда жанговар қуролдан ўқ отиш машқи билан бошланди. Ундан сўнг эса режа асосида ҳар бир гуруҳ курсантлари 100 километрлик масофага калоннада автомобилни бошқариш машқларини бажаришди. Имтиҳонларни ҳарбий қисмлардан келган етакчи мутахассислар қабул қилиб олишди. Касб сирларини мукаммал ўрганган ўғлонлар – Александр Адилов, Искандар Қамбаров, Сардор Сагатов сингари курсантларнинг кўрсатган натижалари ҳайъат аъзоларининг эътирофига сабаб бўлди. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган курсантлар айни пайтда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида автомобилни бошқариш бўйича имтиҳон топширишмоқда.

Бундай синовлардан муваффақиятли ўтган курсантлар айни кузги чақирувда мудофаа ишлари бўлимлари орқали Қуролли Кучлар сафида конституциявий бурчини ўташ учун юборилади. Мутахассис кадр сифатида сафларга жўнатиладиган бу йигитларнинг муддатли ҳарбий хизмати давомида ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишига ишонамиз.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИГА – ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ



Бугун мамлакатимиз узра истиқлол қуёши балққанига ҳам ўн олти йил тўлди. Айни дамда ушбу муборак шодиёна тантанаси юртимизнинг ҳар бир гўшасида қизғин давом этмоқда. Буни қарангки, истиқлолга тенгдош бўлган ёшлар ҳам айни пайтда улғайиб, фуқаролик паспортини қўлга киритишмоқда. Яқинда пойтахтимиздаги «Бобур» номидаги истироҳат боғида Яккасарой туманининг бир қатор ёшларига паспорт бериш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни туман ҳокими Валижон Муллажонов кириш сўзи билан очиб, келажак ворислари бўлган йигит-қизларга ўзининг дил сўзларини изҳор этди.

Дастлаб, 1991 йил 1 сентябрь куни туғилган тўрт нафар йигит-қизга фуқаролик паспортлари топширилди.

– Бугун мен учун ниҳоятда қувончли кун, – дейди улардан бири Дилдора Ҳасанбоева хурсандчилигини яшира олмай. – 16 ёшга тўлганлигим муносабати билан фуқаролик паспортини олдим. Буни доимо асраб-авайлашга сўз бераман. Чунки ушбу паспорт орқали энди биз мамлакатимиз шаънини, обрўсини ҳимоя қиламиз.

– Ўзбекистон фуқаролик паспортини қўлга киритиш биз учун қувончли ҳол, албатта, – дейди яна бир суҳбатдошим Бахтиёр Ахунов. – Ўз ўрнида бу бизга улкан масъулият ҳиссини ҳам юклайди. У ҳам бўлса, фуқаролик масъулиятидир. Агар мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир кишида фуқаролик масъулияти кучли бўлса, демакки, юртимиз янада тараққий этиб бораверади.

– Мен ушбу жаннатмакон диёрда туғилиб ўсиб, мамлакатнинг онгли бир фуқароси сифатида фуқаролик паспортини қўлга киритганимдан мамнунман, – дейди Шароф Рашидов. – Биз ёшлар учун фуқаролик паспортини қўлга киритиш баробарида янги-янги имкониятлар эшиги очилди. Энди ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун ўз улушимизни қўшишимиз керак.

Шу куннинг ўзида туман ички ишлар бўлими томонидан улкан орзулар сари талпиниб турган 80 нафарга яқин ёшларга фуқаролик паспорти топширилди. Қалбларида ватанпарварлик туйғуси жўш уриб турган бу ёшларни фуқаролик паспорти мамлакат истиқболи йўлида улуғвор ишларга чорласа, ажабмас.

Холида БЕКНАЗАРОВА,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Окрепнет ваша воля, станет легче настаивать на своем. Лишние дела решительно отметите. Будьте внимательнее к поступающей информации. Возможны неприятности в семейных делах.

ТЕЛЕЦ

Вы будете блистать остроумием, у вас все шансы стать незаменимым в компании. Отдыхайте и веселитесь от души. Продемонстрируйте ваши качества лидера.

БЛИЗНЕЦЫ

Этот период принесет общение с интересными людьми. Вас могут озадачить командировкой, с которой вы успешно справитесь. Могут обостриться отношения с коллегами.

РАК

Вас может ожидать творческий подъем. Вы будете общаться больше обычного. Скромность позволит избежать промахов и недочетов в работе.

ЛЕВ

Продуманность в действиях пойдет вам только на пользу. Лучше не рассматривать деловые предложения. Возможны короткие поездки.

ДЕВА

Постарайтесь сохранять спокойствие и рассудительность. Есть шанс, что ваше трудолюбие не останется незамеченным. Желательно не планировать серьезных деловых встреч.

ВЕСЫ

Вам придется доказывать ваш высокий профессионализм. Внимательнее следите за новостями, чтобы не пропустить важной для вас информации. Разговоров с начальством лучше избегать.

СКОРПИОН

Проявляйте больше активности и творческой инициативы на работе. Есть возможность с легкостью разрешить волнующие вас проблемы. Вы сможете опереться на помощь друзей.

СТРЕЛЕЦ

Вам придется отстаивать свою точку зрения перед окружающими. Для достижения целей необходимо проявить инициативу. Желательно всеми силами избегать конфликтных ситуаций.

КОЗЕРОГ

Ваш оптимизм и умение не поддаваться унынию будут вызывать симпатию у окружающих. У вас возникнет отличная возможность блеснуть талантами на публике. Вы можете рассчитывать на помощь и поддержку друзей.

ВОДОЛЕЙ

Ваш позитивный взгляд на мир позволит с легкостью справляться даже с самыми сложными задачами. Удачное время для построения планов на ближайшее время. Могут появиться несколько удачных идей.

РЫБЫ

Нежелательно принимать серьезные решения и начинать новые дела. Вам будет свойственна коммуникабельность и легкость в общении. Есть великолепный шанс расширить круг знакомств.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ДУНЁГА ТАРАЛГАН ТАРОНАЛАР



ГУЛЗОДА ХУДОЙНАЗАРОВА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» тили, дини, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни мусиқа орқали бирлаштиришга, Шарқ мамлакатлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилишга, анъаналарини асраш ва ривожлантиришга, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилмоқда. Бу фестивалнинг айнан Самарқандда ўтказилишининг ҳам ўзига хос томони бор. «Бу шаҳар қадим замонлардаёқ нафақат ушбу минтақа, балки Шарқда Хитой, жанубда Ҳиндистон, Ғарбда Миср ва Рим давлатлари билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган цивилизация бешиги сифатида ҳар бир маърифатли одам, биринчи галда жаҳон илмий жамоатчилигининг эътиборини тортиши муқаррар...

...Самарқандннинг муборак номи Рим ва Афина, Бобил ва Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Лекин улар орасида фақат Самарқанд ва Римгина «абадий барҳаёт» шаҳар деган номга сазовор бўлганини, жаҳон аҳли ўртасида «Ғарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд», деган иборанинг кенг тарқалганини инобатга оладиган бўлсак, бу юксак эътирофнинг маъноси янада ёрқин аён бўлади», деган эди Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида.

Илк бора «Шарқ тароналари» ўтказилганда жаҳоннинг ўттиз икки давлатидан иштирокчилар қатнашган бўлса, бу йил элликдан ортиқ давлат вакиллар иштирок этгани ҳам мазкур халқаро мусиқа фестивалининг дунёда йилдан-йилга нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Фестивал кунлари янграган Шарқ мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари минглаб томошабинлар қалбидан чуқур жой эгаллади. Ранг-баранг тароналар, турли тиллардаги қўшиқларни бир жиҳат бир-бирига бирлаштириб турди. Яъни уларнинг барчасида эзгулик, тинчлик, дўстлик, муҳаббат тараннум этилди.

Фестивалда турли мамлакатлардан келган мусиқа санъати намояндалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар ва шу орқали ўзаро тажриба алмашдилар, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлардан баҳраманд бўлдилар.

Ниҳоят, Регистон майдонидаги амфитеатрда фестивалнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Саҳнага бирин-кетин фестивал иштирокчилари чиқиб келди. Ҳақиқий ҳаяжонли дақиқалар бошланди ва фестивалнинг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. Унга кўра, фестивал бош соврини бўлган Гран-прини Қувайт давлати санъаткорлари қўлга киритди. Жанубий Корея вакиллари биринчи, Италия ва Миср санъат намояндалари иккинчи, Хитой, Малайзия ва кенияликлар учинчи ўринни қўлга киритишди. Фестивалнинг бошқа иштирокчиларига эса турли йўналишлар бўйича ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари топширилди. Масалан, Иорданиялик санъаткор Сақр Руба Муҳаммад Аҳмад «Энг зўр муаллифлик ижроси» номинацияси ғолиби бўлди. Озарбайжонлик хонанда Орзу Алиева эса «Энг ёш ижрочи» деб эътироф этилди. «Анъанавий ва замонавий куйлар талқини» йўналиши бўйича ғолибликни қирғизистонлик вакиллар қўлга киритди.

Фестивалда юртдошимиз Гулзода Худойназарова ҳам иштирок этиб, «Энг ёрқин овоз соҳиби» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Гулзода ёш бўлишига қарамай халқимиз орасида ўзбек миллий мумтоз қўшиқларини маромига етказиб ижро этадиган истеъдодли хонанда сифатида танилиб бораяпти. Хонанда 2006 йилда «Ниҳол» давлат мукофоти соҳиби бўлган эди.

– «Шарқ тароналари» ўз номи билан Шарқ халқларини бир-бири билан боғлайдиган қўшиқ байрамидир. Аслида қўшиқ ва куй учун таржимон керак эмас. Агар у дилдан ижро этилса, қайси тилда бўлишидан қатъи назар кўнгилга тез етиб боради ва юрагимиздан мустаҳкам жой эгаллайди, – дейди Гулзода Худойназарова. – Мазкур фестивалда қатнашиб «Энг ёрқин овоз соҳиби» деб эътироф этилганимдан хурсандман. Мен учун жаҳон халқларининг миллий мусиқаси ва қўшиқлари билан танишиш катта кашфиёт бўлди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз миллатига хос куй ва қўшиғи бўлиб, уларда шу халқнинг урф-одатлари, маданияти, санъати барҳаёт яшайди. Масалан, мақом ўзбек миллий қўшиқ ва мусиқа меросининг асосий қисмини ташкил этиб, оғзаки анъанада сайқал топиб, бизгача етиб келган. Қадимда аждодларимиз айнан мана шу йўналишда қўшиқ ва куй ижро этишган. Уларнинг хизматлари ўлароқ, бизга бой маънавий мерос қолди. Ҳозирда мусиқа ва санъат коллежларида ҳамда баъзи бошланғич мусиқа ва санъат мактаб ва лицейларида ҳам мақом йўллари ўқитилмоқда. Устозлар мақом ижрочилиги анъаналарини давом эттирган ҳолда бошқа мумтоз куй ва ашулаларни ҳозирги замон тингловчиларининг диди, талаб ва эҳтиёжларига мослаб ижро этишга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Шу боис бугунги кунга келиб, кўҳна мақом санъати замонавий мусиқа жараёнининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўзининг беқиёс ижодий, ижровий ва илмий салоҳиятини намоён этмоқда. Уни юзага чиқариш ва дунёга тарғиб этишда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг жуда катта ҳиссаси бўлаяпти. Шу орқали ўзбек мақомчилик санъати жаҳонга юз тутаяпти. Аслида дунёнинг турли бурчакларидан келган санъаткорларнинг бир саҳнада учрашиши ва дўстлашиши кам учрайдиган воқеа. Фестивал қадим Самарқандннинг ҳайратомуз тарихидан бир лавҳа сифатида асрлар давомида Самарқанд билан бирга яшайди. Албатта, фестивалда кимдир Гран-прини қўлга киритади, кимдир иккинчи ёки учинчи ўринни. Лекин энг муҳими, халқлар яқинлашади, маданиятлар бирлашуви юзага келади.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ТЎЙГА ТЎЁНА

Юртимизнинг энг улуғ байрамларида, тантаналарида иштирок этиб, катта-ю кичикнинг қалбига шодлик улашиш, ҳарбийлар орасида яхши бир анъанага айланган. Бугун мамлакатимизда нишонланадиган барча шодиёналарда ҳарбий санъаткорлар ўзларининг махсус дастурлари орқали фаол қатнашмоқдалар. Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» олтинчи мусиқа фестивалида ҳам ҳарбийларимиз икки қисмдан иборат байрам дастурини намойиш этишди. Дастлаб офицер Мақсуд Юсупов бошчилигидаги Самарқанд ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари буюк тарихимиздан ҳикоя қилувчи, ватанпарварлик руҳидаги қўшиққа ҳамоҳанг равишда Соҳибқирон Амир Темур лашкарлари қиёфасида саҳнага чиқишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист офицер Марат Ҳакимовнинг «Муқаддас туйғу» номли қўшиғи янграганда эса майор Муроджон Умрзоқов бошчилигидаги ҳарбий хизматчилар томошабинни ўзига жалб этадиган композицион саҳна кўринишларини намойиш этишди. Энг муҳими, ҳарбийларнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидаги иштироки, тадбир қатнашчилари, хорижий меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган тантана ҳақида ҳар қанча фахр билан гапирсак арзийди. Ушбу тантаналарда ҳарбий либосдаги ўғлонларимизнинг юртимиз байроғини мардона кўтариб, шаҳдам қадамлар билан юришлари, турли саф машқларини бажаришлари миллионлаб юртдошларимизга фахрифтихор туйғуларини бахш этди. Томошабинлар саҳнада саф тортиб турган паҳлавон келбатли, мард ва жасур посбонлар сиймосида истиқлолимиз, азиз Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек асрайдиган юртнинг асл ўғлонларини кўришган бўлса, не ажаб.

Байрамга ҳарбийларимиз икки қисмдан иборат дастур тайёрлашди. Унга кўра дастлаб Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Мудофаа вазирлиги алоҳида намунали кўргазмали ҳарбий оркестрларининг чиқишлари, уларга ҳамоҳанг тарзда саҳна кўринишлари намойиш этилди. Оммавий саҳналарда кўплаб ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, аскарлар иштирок этишиб, жанговар қурол билан саф машқларини бажардилар. Шу ўринда офицерлар – Ш. Ҳайиров, М. Маъруфжонов бошчилигидаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларининг чиқишларини, саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Дастурнинг иккинчи қисмидан жой олган Қуролли Кучлар ҳарбий ансамбль солистлари ижросидаги «Ўзбекистон ҳарбийлари» қўшиғини ҳам томошабинлар катта мамнуният, олқишлар билан кутиб олдилар.

Бир сўз билан айтганда, ҳарбийларимизнинг байрам тантаналаридаги чиқишлари, улар ижро этган дилрабо куй ва қўшиқлар мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

Муслима ТУРСУНБОЕВА.

Ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига

«БУ ЕРДАН ЎТГАНДИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР...»

Шубҳасиз, бадиий адабиёт – умумижтимоий ва умуммаданий ҳодиса. Чунки у инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олади. Таъбир жоиз бўлса, адабиёт кириб бормаган макон ва жараённинг ўзи йўқ. Ҳаттоки, инсон қалбию ўй-кечинмалари ҳам бундан мустасно эмас. Бу масаланинг биргина томони, холос. Масаланинг иккинчи томони эса, бадиий адабиётнинг ҳаммабоплиги билан боғлиқ, яъни уни ёшию жинси, мансабию касби, миллатидан қатъи назар ҳамма ўқийди, яъни унга ҳеч ким бефарқ бўлмайди ва бўлолмайди ҳам. Чунки айнан адабий асарларда инсон ўзлигини кўради ва ўз муаммоларига жавоб-ечимларни топади. Менимча, адабиёт жуғрофий чегаралардан олисларга кетади. Масалан, Чингиз Айтматовни қирғизлардан ҳам кўра биз ўзбеклар кўпроқ мутолаа қиламиз, десам муболаға бўлмайди, назаримда. Адабиётнинг яна бир хусусияти шундаки, у замон ва макон ҳукмидан ташқарига чиқа олади. Айтайлик, қанча даврлар ўтишига қарамасдан, Алишер Навоий ёки Абдулла Қодирийларни ўзимизга замондош ижодкорлар сифатида қабул қилаверамиз... Қолаверса, кейинги даврларда жамиятимизга бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий муносабатларнинг кириб келиши билан бадиий адабиётнинг роли бироз камайган бўлишига қарамасдан, унинг мавқеи ҳали ҳам юксаклигича турибди.

Менинг гапни адабиёт ҳақидаги мулоҳазалардан бошлашимдан мақсад шуки, ўтган йигирманчи асрдаги ўзбек адабиётининг энг катта вакилларидан бири, биз бу йил таваллудининг юз йиллигини нишонлаётганимиз, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳақида суҳбатлашиш.

Абдулла Қаҳҳор ижодий фаолиятини шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин. Биринчиси, унинг ўз асарлари билан ўзбек ва жаҳон адабиётига, бадиий тафаккурига қўшган ҳиссаси бўлса, иккинчиси, ёзувчининг улкан бир тарихий шахс ва ижодкор сифатида ёш қаламкашларга ва умуман, ёшларга кўрсатган таъсири, устозлик мақоми билан белгиланади. Учинчидан эса, Абдулла Қаҳҳор ўзининг тўғрисўзлиги ва қатъиятлилиги билан бадиий ва ғоявий савияси паст асарларга ҳамда уларнинг муаллифларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганки, бу нарса ўша даврда бадиий асарлар учун «эталон» вазифасини ўтаган. Яъни «Абдулла Қаҳҳор нима дер экан?» деган савол ёзувчиларни ўз ижодларига нисбатан масъулият билан ёндашишга ундаган.

1987 йилнинг сентябри Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) маданият саройида Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали адабий кеча бўлиб ўтди. Унда мен ҳам иштирок этдим. Ёзувчининг сафдош ва шогирдлари Саид Аҳмад, Озод Шарофиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Омон Матчон, Ўткир Ҳошимов, Бегали Қосимов, Умарали Норматов каби шоир, ёзувчи ва адабиётшунослар Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар. Айниқса, адабиётимизнинг отахони Саид Аҳмад домланинг бир гапи хотирамда ўрнашиб қолди. У биз талабаларга қарата шундай деган эди: «Биз Абдулла Қаҳҳорни кўрганмиз, у билан мулоқот қилганмиз ва у билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо сиз ҳам биз сингари ҳар қанча фахрлансангиз арзийди, чунки сизлар мана шу тадбир баҳона Абдулла Қаҳҳорни кўрганларни кўриб турибсиз». Тадбирда Абдулла Орипов ўзининг «Абдулла Қаҳҳор» шеърини ўқиб берди. «Бу шеър, – деди машҳур ижодкор,–бундан 20 йил аввал, яъни 1967 йилда ёзилган бўлиб, маълум бир сабабларга кўра ҳеч қаерда чоп этилмаган». Абдулла ака шеърни шунчалик эҳтирос билан ўқидики, уни бир марта тинглаганимдаёқ, менга ёд бўлиб қолди. Мана, яна орадан роппа-роса 20 йил ўтиб, шу асарни ёддан қоғозга тушириб, сизга тақдим этаяпман:

Йўллар ортимизда
қолар эдилар,
Саҳролар қолади
чексиз, бетакрор.
Нега улар чексиз,
десам дедилар:
Бу ердан ўтганди
Абдулла Қаҳҳор.
Йўллар ортимизда
қолар эдилар,
Чўққилар қоларди
юксак ва қатор.
Нега улар юксак,
десам дедилар:
Бу ердан ҳам ўтди
Абдулла Қаҳҳор.

Шунда зални гулдурос қарсаклар тўлдириб юборди. Хуллас, мазкур тадбир жуда кўтаринки руҳда ўтди. Менда шундай таассурот пайдо бўлдики, тадбирдан сўнг Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқимаганлар уларни топиб ўқишга, ўқиганлар эса яна қайта мутолаа қилишга киришган бўлишса, ажаб эмас. Ўша даврларда машҳур шоирларимиз Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг 50 йиллик тўйлари ҳам мана шундай кўтаринки кайфиятда ўтган эди. Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб сентябрь ойида Миллий театрда ўтказилиши режалаштирилаётган адабий кеча шундай руҳда ташкил этилади, деб ўйлайман. Мазкур тадбирда ҳарбий хизматчилар ҳам иштирок этишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

Байрам садолари

ИСТИҚЛОЛНИ КУЙГА СОЛИБ

Ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам истиқлол байрами катта шодиёналар ила нишонланмоқда. Жумладан, 1-сентябрь куни мардлик ва матонат тимсоли бўлмиш «Жасорат» боғида ўтказилган тантаналар ҳам ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига ўзгача кўтаринкилик бахш этгани шубҳасиз, албатта. Бу ердаги байрам дастурига Мудофаа вазирлигининг алоҳида ҳарбий намунали ва кўргазмали оркестри жамоаси ўз чиқишлари билан файз олиб кирди.

– Эрта тонгданоқ, халқимиз хизматида бўлиб, байрамга ташриф буюрганларга бир қатор янги дастурларимизни тақдим қилдик, – дейди оркестр бошлиғи капитан Қосимжон Атамирзаев. – Бу байрам барчамизники, халқимизники, боққа келганларнинг юзидаги қувончни кўриб, бор санъатимизни, иқтидоримизни намойиш қилиб, истиқлолимизни куйга солиб, баралла мусиқа садолари остида шодиёна иштирокчиларига олам-олам завқу шавқ бағишладик, деб бемалол айта оламан.

Дарҳақиқат, оркестр жамоасининг ижро этган куйлари барчани ўзига ром қилгани, шубҳасиз. Айниқса, саксафонда сержант Абдуқаюм Муҳаммедов, трубада сержант Асқар Ўрозбоев, тромбомда сержант Баҳодир Файзиев, кларнетда кичик сержант Жаҳонгир Абдумуталов томонидан ижро қилинган оромбахш наволар иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Полковник Павел Макаров томонидан тайёрланган ўзбек ва хориж бастакорларининг мусиқалари, шунингдек, «Ўзбекистон марши», «Амир Темур марши» «Страус полка»си байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Нозим АҲРОРОВ.

НА СТРАЖЕ НЕЗАВИСИМОСТИ

Любой сегодня,
даже недруг, скажет –
Дороги нет обратной нам назад,
На страже независимости нашей
С уверенностью воины стоят.
Одна у них почетная задача –
С готовностью высокою служить,
Ответственно, а это просто
значит
Любить Отчизну, ею дорожить!..
Еще Темур великий завещал
Для нас беречь народа
обретенье,
И как во всем, провидец,
придавал
Он этому особое значенье!..
О, Родина! На счастье обрела
Свою ты независимость по праву
И армию к защите призвала
Надежную, на верность и на
славу!

Николай БУРТЫШЕВ.

Ўзбек киноси

ЯНГИ КИНОКОМЕДИЯ



Эркак киши учун ҳаётда нима муҳим? Пулми ёки соф муҳаббат? Сизнингча, пули кўп йигитни омадли дейиш мумкинми ё бўлмаса, ҳақиқий муҳаббатини топганиними? Агар унда ҳар иккаласи ҳам мавжуд бўлса-чи? У ҳолда бу тоифа йигитларни ўта омадли дерканмиз-да. «Бойвачча» фильми қаҳрамонини ҳам мана шундай йигитлар сирасига киритиш мумкин. Ахир унда пул бор. Ўзи ҳам у қадар ёмон эмас. Қолаверса, гўзал бир қизга шайдо бўлиб қолган. Бироқ унинг бойвачча деб тилга олинишининг асосий сабаблари бу эмас. Унинг қалби, маънавий дунёси бой. Ахир шундай бўлмаганда у ўз дўстига ёрдам бераман, деб ҳаётини хавф остига қўярмиди? Бу йигитнинг кўнглига хуш ёққан нозанин қиз ролини ёш хонанда Нигора ижро этган.

– Бироз қийинчилик билан бўлса-да, оддий қишлоқ қизининг экрандаги қиёфасини гавдалантирдим, – дейди Нигора. – Суратга олиш жараёнидаги қийинчиликлар ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Актриса бўлмаганлигим боис ҳам роль ижро этишга қийналдим. Қаҳрамоним улкан орзуларни кўнглига тугиб, шаҳарга ўқишга келади. Лекин у бу ерда ўз муҳаббатини учратиб, ҳаётининг янги бир саҳифасини очади.

Фильм бош қаҳрамони ва режиссёри Жаҳонгир Позилжонов ҳам хонанда, ҳам актёр сифатида аллақачон кўпчилик ёшларнинг қалбидан жой олиб улгурган. Балки шу боисдан бўлса керак, у ўз фильмига ҳам бир қанча ёш хонандаларни таклиф этган. Улардан яна бири Зиёда Қобиловадир.

– Мазкур фильмда севги дардига мубтало бўлган бир қиз ролини ўйнадим, – дейди Зиёда. – Илк бор фильмда суратга тушганлигим сабабли камчиликлар бўлмади, деб айтолмайман. Лекин картина ижодкорларининг ёрдами билан ўз ролимни қайсидир маънода уддаладим, деб айта оламан.

– Зиёда ва Нигорани аввалдан таниб, ушбу образларни ижро этишига ишонганлигим учун ҳам уларни мазкур фильмга таклиф қилдим, – дейди Жаҳонгир Позилжонов. – Аввалига қийналишган бўлишса-да, кейин шароитга мослашиб, зиммаларидаги масъулиятни ҳис қила олишди.

Кулги ишқибозлари учун суратга олинган «Бойвачча» кинокомедияси тез кунларда катта экранларда намойиш қилинади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Замин фильм» маҳсулоти бўлган ушбу картинанинг томошабинлар томонидан қандай кутиб олинишини албатта, вақт кўрсатади.

Карина ҚУРБОНОВА.

ҚУВОНЧ

– Ҳой, мен кўряпман! Ҳа-ҳа, кўряпман! – деган қийқириқдан чўчиб, палатамдан йўлакка чиқдим.

Йўлакдан эллик ёшлардан ошган бир инсон қувончини яширолмай ҳайқириб борарди. Бироз таажжубланиб қараб турдим-да, сўнгра у кириб кетган палата олдига бориб эшигини тақиллатдим.

– Кираверинг, – деган овоз эшитилди ичкаридан.

– Узр, безовта қилганим учун, – дея палатага кирдим.

– Амаки, нимага қийқириб юрибсиз, сабабини билсак бўладими?

– Ахир кўряпман-ку, қизим, кўряпман. Ана, дарахтларни кўрдим, кўчани, одамларни.

– Илгари кўрмас эдингизми?

– Бир йилдан ошди, кўр бўлиб қолганимга. Ҳаммаёқ зулмат. Жудаям ёмон бўларкан. Ўзим узоқ йиллар нашриётда ишлаганман. Абдулла Каминов десангиз, кўпчилик танийди мени, Кейин нафақага ҳам чиқдим. Сўнгра кўзим йилдан-йилга хиралашиб бира-тўла кўрмай қолди. Ўзимни гўёки ўлган одамдек ҳис қилардим. Чунки ҳаётнинг қизиғи қолмаган эди.

– То шу аҳволга тушгунча қараб ўтирмасдан, кўз шифокорига учрасангиз бўлмасмиди?

– Келмоқчи эдим, лекин одамлар ҳозир ҳеч қаерда пулсиз даволамайди, операция ҳам қилмайди, дейишди. Кўпчиликдан сўрадим. Ҳаммаси фақат шу жавобни айтишгач, ҳафсалам пир бўлди. Нима қилишга бошим қотди. Фарзандларимга оғирлигим тушмасин дея юравердим. Кейин зулматда юриш жонимга тегди. Қизилтуқишлоғидан Қибрай туман кўз касалликлари шифохонасига келдим. Бу ерда Хайрулло ўғлим мени жудаям илиқ кутиб олди. Кейин мен ҳам шартта унга дардимни айтдим.

– Ўғлим, мен кўрмай қолганман. Операция қилишнинг иложи бўлса, кўзимни очсанг. Аммо пулим йўқ, – дедим.

– Дўхтир нима деди?

– Қизиқ экансиз, отам. Ким айтди, операцияни пул билан қилади, деб. Ўзим кўзларингизни очаман. Ҳали бу дунёни кўришга ҳаққингиз бор, – дея кўнглимни кўтарди.

– Аммо мен жудаям қўрқоқманда. Бир марта тишимни олдирганимда ҳушимдан кетиб қолганман, – дедим.

– Сиз бугун ётинг, отам. Эртага сизни обдон текширувдан ўтказамиз, Кейин маслаҳатлашармиз, – дея мени палатага ётқизиб қўйди.

Эртаси куни мени текширувдан ўтказамиз, дея операция столига ётқизиб қўйишганини билмай қолибман. Кўзимга катаракта деб ташхис қўйишибди. Бир маҳал кўзим ёруғликни кўриб қолди.

– Ие, лампочкаларни кўряпман, – дея гапириб юборибман.

– Отахон, тинчланинг. Ҳозир гапириш мумкин эмас, – дея Хайрулло болам ишини давом эттирди.

Кейин палатага ўтқазишди.

Бугун эса кўзимга қопланган оппоқ бинтини олган эди, унинг юзини ҳам кўрдим. Чунки уни фақатгина овозини эшитгандим, холос. Бирам чиройли, истарали йигит экан. Дарҳол деразадан кўчага қарадим. Ҳаммаёқ кўринаяпти. Йўлакка чиқиб қувончимни яширолмадим, болам, қувончимни. Ҳеч кимни зулматда қолдирмасин экан. Ота-онасига, таълим-тарбия берган устозларига мингдан-минг раҳмат. Ўғлинг бўлса, шундай бўлса!

Ҳа, отахоннинг қувончи чексиз. Бу биргина отахоннинг сўзлари эди, холос. Аммо бу ерга кўр бўлиб келиб, кўзи очилиб, хурсанд бўлиб кетаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Барчаси кетаётганларида албатта, Хайрулло Абдувалиевни дуо қилиб қайтишади.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳаматович ҲОШИМОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4034. **Адади** 25050.